Креатив иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш жамғармалари қайтариш шартлари асосида ёки беғараз асосда маблағлар ажратиши, шунингдек креатив индустрия субъектларининг мажбуриятлари бўйича кафил сифатида иш юритиши мумкин.

Креатив иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш жамғармаларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

6-боб. Креатив индустрия парки

25-модда. Креатив индустрия паркини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби

Креатив индустрия паркини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Креатив индустрия паркини бошқариш дирекция томонидан амалга оширилади.

Республика кенгаши креатив индустрия парки фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолашни амалга оширади.

Креатив индустрия парки дирекцияси Республика кенгашига ўз фаолияти ва унинг натижалари тўғрисида йилига камида икки марта ахборот тақдим этади.

26-модда. Креатив индустрия паркининг вазифалари

Креатив индустрия паркининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

креатив индустрияни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

креатив иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш;

креатив индустрия парки резидентлари учун зарур ресурслар ва инфратузилма мавжудлигини таъминлаш;

креатив индустрия маҳсулотлари айланмаси ва экспортини кўпайтириш учун экотизимни ривожлантириш, шу жумладан электрон платформалар ва онлайн-бозорлар яратиш, шунингдек уларни халқаро платформаларга интеграция қилиш;

креатив индустрия соҳаларида иш ўринларини яратиш;

креатив индустрия соҳаларида меҳнат бозори таҳлилини олиб бориш ва мазкур соҳада кадрларни тайёрлашга, уларнинг малакасини оширишга, шу жумладан назарий ва амалий билимлар ҳамда кўникмаларни уйғунлаштиришга кўмаклашиш;

креатив индустрия соҳаларида инновацияларни ва ижодкорликни рағбатлантириш.

27-модда. Креатив индустрия парки резидентларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Креатив индустрия парки резидентлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

креатив индустрия парки инфратузилмасидан фойдаланиш, шу жумладан умумий иш жойларидан ва жиҳозлардан фойдаланиш;

тадбиркорликни ривожлантириш ва интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш бўйича консалтинг хизматларини олиш;

таълимни ва янги ғояларни такомиллаштириш ҳамда кучайтириш бўйича чора-тадбирлар кўриш юзасидан (акселерация) креатив индустрия парки дирекцияси томонидан ташкил этилган дастурларда иштирок этиш.

Креатив индустрия паркининг резидентлари:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига риоя этиши;

креатив индустрия парки ресурсларидан оқилона фойдаланиши;

креатив индустрия тегишли соҳалари бўйича маҳорат дарсларини ташкил этиши шарт.

Креатив индустрия парки резидентлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

28-модда. Креатив индустрия паркининг резидентлари

Креатив индустрия соҳасидаги бизнес режаси креатив индустрия парки дирекцияси томонидан маъқулланган ва жами йиллик даромадининг камида саксон фоизини креатив индустрия соҳасидаги фаолиятидан олинган даромад ташкил этадиган креатив индустрия субъектлари креатив индустрия паркининг резидентлари бўлиши мумкин.

Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар креатив индустрия паркининг резиденти бўлиши мумкин эмас.

Креатив индустрия парки резидентларининг зиммасига қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талаблар ҳам юклатилиши мумкин.

29-модда. Креатив индустрия паркининг бошқа субъектлар билан ҳамкорлиги

Креатив индустрия парки таълим ва илмий ташкилотлар, бизнес-инкубаторлар ва акселераторлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Креатив индустрия парки дирекцияси тажриба алмашиш, инвестицияларни жалб қилиш ва бошқа мақсадларда қонунчиликда белгиланган тартибда маҳаллий ва халқаро шериклар билан битимлар тузиши мумкин.

7-боб. Якунловчи қоидалар

30-модда. Креатив иқтисодиёт кўрсаткичларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш

Статистика органлари креатив иқтисодиётнинг ҳолатини акс эттирувчи кўрсаткичларнинг ҳисобини, шу жумладан:

креатив иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг, шу жумладан креатив маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сотиш ва ташқи савдо айланмаси ҳажмининг;

креатив индустрия субъектлари сонининг;

креатив индустрия соҳаларидаги бандликнинг;

креатив стартаплар ва лойиҳаларга инвестициялар ҳажмининг ҳисобини юритади.

Креатив иқтисодиёт соҳасидаги давлат сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш креатив иқтисодиёт кўрсаткичлари тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

31-модда. Халқаро ҳамкорлик

Креатив иқтисодиёт соҳасидаги халқаро ҳамкорлик хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ўрнатиш ҳамда ривожлантириш йўли билан амалга оширилади.

32-модда. Низоларни ҳал этиш

Креатив иқтисодиёт соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

33-модда. Креатив иқтисодиёт тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Креатив иқтисодиёт тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

34-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Маданият вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

35-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

36-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 3 октябрь,
№ ЎРҚ–970.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ

1070 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига гиёҳвандлик воситаларининг, улар аналогларининг ёки психотроп моддаларнинг, шунингдек кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг қонунга хилоф муомаласига қарши курашишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 23 апрелда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 21 июнда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда гиёҳвандлик воситаларининг, улар аналогларининг ва психотроп моддаларнинг, шунингдек кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф муомаласига қарши курашиш бўйича тизимли чоралар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда вояга етмаганларни жалб қилган ҳолда ҳамда телекоммуникация тармоқларидан ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш орқали гиёҳвандлик воситаларининг, улар аналогларининг ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи ортиб бораётганлиги муносабати билан ушбу ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларини қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда.

Шу билан бирга гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни, шунингдек кучли таъсир қилувчи моддаларни қонунга хилоф равишда тарғиб қилувчи материалларни тарқатганлик ёки реклама қилганлик учун одиллик принципига мувофиқ жазо чораларини қўллаш мақсадида мазкур турдаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни телекоммуникация тармоқларидан ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш орқали қонунга хилоф равишда муомалага киритганлик, ушбу жиноятларни вояга етмаганларни жалб қилган ҳолда содир этганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда, шунингдек гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни, кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда олганлик, сақлаганлик, ташиганлик ёки жўнатганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланмоқда.

Ушбу Қонун гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни, шунингдек кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни тарғиб ёки реклама қилишнинг ҳамда уларнинг қонунга хилоф муомаласининг олдини олишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда,

№ 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **251^1-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«251^1-модда. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёки бундай моддаларни ёхуд заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, худди шунингдек уларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар мактабгача таълим ташкилотлари, ўқув юртлари ҳудудида ва талабаларнинг (ўқувчиларнинг) ётоқхоналарида, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ёки талабалар (ўқувчилар) томонидан ўқув, спорт ёки жамоат тадбирларини ўтказиш учун фойдаланиладиган

бошқа жойларда, шунингдек уларга туташ ҳудудларда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш ёхуд уларни ўтказиш мақсадида тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш учун асбоб-ускуналарни тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ёки ўтказиш, –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар такроран ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар уюшган гуруҳ томонидан ёки кўп миқдорда содир этилган бўлса, –

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларини бузиш, агар бу эҳтиётсизлик орқасида уларнинг ўғирланишига ёки бошқа тарзда жиддий зарар етказилишига олиб келган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

2) қуйидаги мазмундаги **251^2-модда** билан тўлдирилсин:

«251^2-модда. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Агар ушбу моддада назарда тутилган ҳаракатларни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни топширса, жазодан озод қилинади»;

3) **273-модданинг учинчи қисми**:

«г» банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) ўқув юртларида ёки ўқувчилар, талабалар томонидан ўқув, спорт ва жамоат тадбирларини ўтказиш учун фойдаланиладиган бошқа жойларда»;

қуйидаги мазмундаги **«д» банд** билан тўлдирилсин:

«д) телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса»;

4) **274-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«274-модда. Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёки бундай моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш

Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, худди шунингдек уларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар мактабгача таълим ташкилотлари, ўқув юртлари ҳудудида ва талабаларнинг (ўқувчиларнинг) ётоқхоналарида, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ёки талабалар (ўқувчилар) томонидан ўқув, спорт ёки жамоат тадбирларини ўтказиш учун фойдаланиладиган бошқа жойларда, шунингдек уларга туташ ҳудудларда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни ҳар қандай шаклда истеъмол қилишга жалб этиш, –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларида;

в) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг**

Жиноят-процессуал кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185-моддалар, № 4, 265, 269-моддалар, № 5, 319-модда, № 9, 713-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 115-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **345-модданинг бешинчи қисмидаги**:

«251 – 255^1-моддаларида» деган сўзлар «251-моддасида, 251^1-моддаси учинчи – олтинчи қисмларида, 252 – 255^1-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«274-моддаси иккинчи қисмида» деган сўзлар «274-моддаси тўртинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **381^2-модда биринчи қисмининг 1-бандидаги**:

«248^1-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар «248^1-моддаси биринчи қисмида, 251^1-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 251^2-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«274-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар «274-моддаси биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда,

№ 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 246-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **56^2, 56^3** ва **56^4-моддалар** билан тўлдирилсин:

«56^2-модда. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, худди шунингдек уларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, –

ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

56^3-модда. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, –

гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни мусодара қилиб, ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Агар ушбу моддада назарда тутилган ҳаракатларни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни топширса, жавобгарликдан озод қилинади.

56^4-модда. Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш

Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, худди шунингдек уларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, –

ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «56» рақамидан кейин «56^2, 56^3, 56^4» рақамлари билан тўлдирилсин;

3) **248-модда тўртинчи қисмининг учинчи хатбошиси** «47^6» рақамидан кейин «56^2, 56^3, 56^4» рақамлари билан тўлдирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 5 октябрь,
№ ЎРҚ–971.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ

1071 Ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 7 майда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 10 июлда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Мазкур ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантириш бўйича ижобий натижаларга эришилмоқда.

Шу билан бирга мазкур ислоҳотлар доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва уларнинг олдини олиш, шунингдек фуқароларга юксак ҳуқуқий маданият ва қонунга ҳурмат туйғусини сингдириш борасидаги ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш билан боғлиқ жиноий қилмишни жиноий жазо таркибидан чиқариб, уни маъмурий ҳуқуқбузарлик тоифасига ўтказишни, шунингдек мазкур ҳуқуқий нормани янги тавсифий белгилар билан тўлдиришни, ярашув институтига кирувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар доирасини кенгайтиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашга, мамлакати-

мизда криминоген вазиятнинг яхшиланишига ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича ярашув институтининг таъсир этиш доирасини кенгайтиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда) **109-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

биринчи қисм чиқариб ташлансин;

иккинчи қисм биринчи қисм деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) диний таассублар замирида;

б) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

в) куролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса, –

бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг**

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 246-моддалар) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимча киритилсин:

1) **21^2-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекснинг 40-моддасида (туҳмат), 41-моддасида (ҳақорат қилиш), 45-моддасида (фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш), 46-моддасида (фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш), 46^1-моддасида (шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш), 52-моддасида (енгил тан жароҳати етказиш), 61-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (оз миқдорда талон-тарож қилиш), 61^2-моддасида (мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш), 62-моддасида (топиб олинган мол-мулкни яшириш),

104-моддасида (экинзорларни пайҳон қилиш, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш, кўчатларга шикаст етказиш), 121-моддасида (транспорт воситаларининг ички жиҳозларига шикаст етказиш), 133-моддасида (транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши), 134-моддасида (ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситаларининг ёки бошқа мол-мулкнинг шикастланишига олиб келиши), 183-моддасида (майда безорилик), 200-моддасида (ўзбошимчалик) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, маъмурий жавобгарликдан озод этилиши мумкин»;

2) **52-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади».

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 7 октябрь,
№ ЎРҚ–972.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ

1072 Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 16 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 20 сентябрда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда ерга оид муносабатларда тенглик ва шаффофликни таъминлашга, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилишга ҳамда уларни бозор активига айлантиришга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга ижарага олувчи томонидан ижарага олинган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига бўлган ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказишнинг (қайта ижарага беришнинг) ҳуқуқий асосларини белгилаш ҳамда ер участкаларини бериш шартларини янада такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ва бошқа қонунларига ижарага олувчи томонидан ижарага олинган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига бўлган ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ер участкасидан фойдаланиш мақсадлари ўзгартирилмаган ҳолда бошқа шахсга ўтказилиши (қайта ижарага берилиши) мумкинлигини, шунингдек қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага беришда очиқ электрон танлов ўрнига электрон онлайн-аукционлар жорий этилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари энг яхши таклифни танлаб олиш йўли билан аниқланадиган йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахсларга ер участкаларини тўғридан-тўғри ижарага беришда ижарага олувчи томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига маблағлар тўланиши назарда тутилмоқда.

Мазкур Қонун ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлашга, шунингдек ер участкаларини ижарага бериш шартларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 82-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 161-модда, № 4,

*Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2024 йил 10 октябрда эълон қилинган.

199-модда, № 8, 469-модда, № 11, 792-модда; 2020 йил, № 9, 540-модда; 2021 йил, № 1, 3-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда; 2022 йил, № 6, 570, 577-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 919-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **23-модда иккинчи қисмининг 3-бандидаги** «очиқ электрон танлов ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **24-модда**:

иккинчи қисмининг:

1-бандидаги «очиқ электрон танлов» деган сўзлар «электрон онлайн-аукцион» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2-банди:

учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошиси учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қиймати камида 10 миллион АҚШ доллари эквивалентида бўлган, энг яхши таклифни танлаб олиш йўли билан аниқланадиган йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахсларга ер участкаларини ижарага беришда ушбу ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқининг баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланадиган бозор қийматига нисбатан коэффициентларда белгиланадиган миқдордаги маблағ ижарага олувчи томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тўланади. Йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

учинчи – ўн еттинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи – ўн саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қиймати камида 10 миллион АҚШ доллари эквивалентида бўлган, энг яхши таклифни танлаб олиш йўли билан аниқланадиган йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади»;

бешинчи – ўн саккизинчи қисмлари тегишинча **олтинчи – ўн тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

олтинчи қисмининг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур шахслар (бундан халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар мустасно) ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқининг баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланадиган бозор қийматига нисбатан коэффициентларда белгиланадиган миқдордаги маблағларни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тўлаши керак»;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ер участкасига ижара ҳуқуқининг бозор қийматига нисбатан тегишли коэффициентини белгилашда ер участкасининг тупроқ бонитировкаси, маъмурий-ҳудудий тузилиши ва инфратузилма объектлари мавжудлиги инобатга олинади.

Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқининг бозор қийматига нисбатан коэффициентларда белгиланган миқдордаги маблағлар суммаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер участкасини бериш тўғрисидаги қарорида кўрсатилиши шарт»;

еттинчи – ўн тўққизинчи қисмлари тегишинча **тўққизинчи – йигирма биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўққизинчи қисмидаги «иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида»

деган сўзлар «иккинчи, тўртинчи ва олтинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн иккинчи қисмидаги «тўққизинчи қисмида» деган сўзлар «ўн учинчи ва ўн тўртинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасига нисбатан ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ушбу Кодекснинг 24^5-моддасида белгиланган тартибда ижарага олувчи томонидан бошқа шахсга ўтказилиши (қайта ижарага берилиши) мумкин»;

ўн тўртинчи – йигирма биринчи қисмлари тегишинча **ўн бешинчи – йигирма иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) қуйидаги мазмундаги **24^5-модда** билан тўлдирилсин:

«24^5-модда. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасига нисбатан ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш)

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг ижарачиси ижарага олиш шартномаси бўйича ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ер участкасидан асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳолда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси муддати доирасида бошқа шахсга ўтказиши (қайта ижарага бериши) мумкин, бундан ушбу Кодекс 24-моддасининг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Бунда:

ижарага олувчи ер участкасидан камида уч йил ўзи фойдаланган бўлиши шарт, мазкур муддат ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан ҳисобланади;

юридик шахсларга электрон онлайн-аукцион, очиқ электрон танлов ёки танлов ўтказмасдан давлат органларининг қарорларига кўра тўғридан-тўғри ижарага берилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижарага беришга) ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан беш йилдан кейин йўл қўйилади;

ижарага олувчи очиқ электрон танлов натижаларига кўра ижара муддати бўйича тенг тақсимланадиган қўшимча тўловларни ёки электрон онлайн-аукцион натижаларига кўра бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган тўловларни бир йўла тўлаши шарт.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасига нисбатан ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг қайта ижарага бериш натижасида вужудга келган ижара ҳуқуқи рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ер участкасининг ижарага олувчиси ўзгарганлиги тўғрисидаги ахборот (ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлган ҳужжат илова қилинган ҳолда) тегишли туман (шаҳар) ҳокимлигига электрон тарзда юборилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ижарага олинган ер участкасига нисбатан ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ижарага олувчи томонидан бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш) тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

4) **29-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** «24-моддасининг тўққизинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар «24-модда-

синининг ўн учинчи қисмида ҳамда 24^5-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **30^5-модданинг олтинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бунда оммавий сервитут мақсадларида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун қонунчиликда белгиланган қурилиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш зарур»;

6) **36-модданинг**:

биринчи қисми:

7-бандидаги «бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодаланганда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

12-банди чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

учинчи – саккизинчи қисмлари тегишинча **иккинчи – еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 5-бандларида кўрсатилган ҳолларда тугатиш ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига кўра, ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тегишинча вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан амалга оширилади. Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини ушбу модда биринчи қисмининг 6 – 11-бандларида кўрсатилган ҳолларда тугатиш ушбу Кодекснинг 38-моддасида белгиланган тартибда суд томонидан амалга оширилади. Жисмоний ва юридик шахслар ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини, ер участкаларидан доимий ёки вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда кўрсатилган мансабдор шахсларнинг қарорларидан норози бўлган тақдирда, ушбу қарорлар устидан судга шикоят қилиши мумкин»;

бешинчи қисмидаги «Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 6 – 10, 12, 13-бандларида» деган сўзлар «Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 6 – 10, 13-бандларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **39-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **10-банд** билан тўлдирилсин:

«10) ер участкасига нисбатан ижара шартномасидаги ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгиланган тартибда бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш)»;

8) **49-модданинг олтинчи қисмидаги** «очиқ электрон танлов» деган сўзлар «электрон онлайн-аукцион» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **53-модданинг иккинчи қисмидаги** «очиқ электрон танлов» деган сўзлар «электрон онлайн-аукцион» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **87-модда**:

учинчи қисмининг:

иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи – еттинчи хатбошилари тегишинча **иккинчи – олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ерлар учун қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрни барча ҳолларда барча шахслар томонидан қопланади, бундан жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш ҳоллари мустасно»;

11) **90-модданинг**:

биринчи қисмидаги «шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш» деган сўзлар «ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш, шунингдек ижарага берилган ер участкасига нисбатан ҳуқуқлар ва мажбуриятларни белгиланган тартибда бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми ўн учинчи хатбошисидаги «очиқ электрон танловлар ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Фермер хўжалиги тўғрисида»**ги 602–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган 662–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 4, 199-модда, № 12, 886-модда; 2020 йил, № 1, 2-модда, № 9, 540-модда, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда) қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **4-модда иккинчи қисмининг иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин;

2) **11-модданинг**:

биринчи қисмидаги «очиқ электрон танлов» деган сўзлар «электрон онлайн-аукцион» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «очиқ электрон танлов» деган сўзлар «электрон онлайн-аукцион» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **16-модда биринчи қисмининг**:

бешинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«ихтисослашувни ҳисобга олган ҳолда ва тузилган контрактация шартномалари асосида қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришни мустақил равишда амалга ошириш;

маҳсулотни қайта ишловчи корхоналарни ва ўз маҳсулотлари (ишлари, хизматлари) истеъмолчиларини мустақил равишда танлаш»;

олтинчи – ўн тўққизинчи хатбошилари тегишинча **еттинчи – йигирманчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **йигирманчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига нисбатан ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ер участкасининг асосий мўлжалланган мақсадини сақлаб қолган ҳолда, ижара шартномаси амал қиладиган муддатга бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш)»;

йигирманчи хатбошиси йигирма биринчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 майда қабул қилинган **«Яйловлар тўғрисида»**ги ЎРҚ–538-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 263-модда; 2020 йил, № 9, 540-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800-модда; 2022 йил, № 6, 577-модда) **13-моддасининг иккинчи қисмидаги** «очиқ электрон танлов» деган сўзлар «электрон онлайн-аукцион» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 1 апрелда қабул қилинган **«Деҳқон хўжалиги тўғрисида»**ги ЎРҚ–680-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 286-модда; 2022 йил, № 11, 1061-модда; 2023 йил, № 11, 919-модда) **22-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«деҳқон хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасига нисбатан ҳуқуқлар ва мажбуриятларни ер участкасининг асосий мўлжалланган мақсадини сақлаб қолган ҳолда, белгиланган тартибда бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш)».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 июнда қабул қилинган **«Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида»**ги ЎРҚ–781-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 6, 576-модда) **23-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «(бундан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқи мустасно)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 ноябрда қабул қилинган **«Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–803-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 11, 1064-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин:

1) **10-модданинг олтинчи хатбошиси** «ижара ҳуқуқи» деган сўзлардан кейин «шу жумладан ижарага олинган ер участкасига бўлган ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш) натижасида юзага келадиган ижара ҳуқуқи» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **31-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ер участкасига нисбатан ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш) натижасида юзага келадиган ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ушбу Қонуннинг 33-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар асос бўлади»;

3) **33-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33-модда. Хусусийлаштирилган ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтишини белгиловчи ҳужжатлар ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Хусусийлаштирилган ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтишини белгиловчи ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасининг ёки ижара ҳуқуқи асосида

тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқнинг нотариал тартибда тасдиқланган олди-сотди шартномаси;

хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасини ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқни ҳадя этишга оид нотариал тартибда тасдиқланган шартнома;

хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасини ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқни айирбошлашга оид нотариал тартибда тасдиқланган шартнома;

хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасининг ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқнинг бошқа шахсга рента ҳақи тўланиши шарти билан берилиши назарда тутиладиган, нотариал тартибда тасдиқланган рента шартномаси;

хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасини ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқни мерос қилиб олиш ҳуқуқи тўғрисидаги ҳамда эр-хотиннинг умумий мулкида бўлган хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасининг тегишли қисмига бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган гувоҳнома;

хусусийлаштирилган ер участкасини унда жойлашган бино ва иншоот билан бирга ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқни юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) улуш сифатида бериш тўғрисидаги (агар бу турар жой объекти бўлса, нотариал тартибда тасдиқланган) шартнома;

хусусийлаштирилган ер участкасини унда жойлашган бино ва иншоот билан бирга ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқни муассисга қайтариб бериш тўғрисидаги (агар бу турар жой объекти бўлса, нотариал тартибда тасдиқланган) шартнома;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкида бўлган (хусусийлаштирилган), бўш турган ер участкаларини ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқни реализация қилиш бўйича суд қарорларини ва бошқа органларнинг қарорларини ижро этиш мақсадидаги савдолар якунлари тўғрисидаги баённома;

суднинг қарори ёки давлат ижрочисининг қарори ёхуд хусусийлаштирилган бўш турган ер участкасини, ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкасига доир ҳуқуқни бериш тўғрисида ундирувчи ва қарздор ўртасида тузилган, давлат ижрочиси томонидан тасдиқланган далолатнома».

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ушбу Қонун 1-моддаси 2-бандининг саккизинчи хатбошисида назарда тутилган Йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олиш тартибини ушбу Қонун кучга кирганидан кейин бир ой ичида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ушбу Қонун 1-моддаси 3-бандининг тўққизинчи хатбошисида назарда тутилган Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ижарага олинган ер участкасига нисбатан ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ижарага олувчи томонидан бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш) тартибини ушбу Қонун кучга кирганидан кейин бир ой ичида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

9-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 9 октябрь,
№ ЎРҚ–973.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ

1073 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 16 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 21 сентябрда маъқулланган

Давлат чегараси давлатнинг суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш бўйича энг муҳим вазифаларини бажариб, у мамлакатнинг давлат, ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги хавфсизлиги билан бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимизда янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, унда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш асослари, мазкур соҳадаги ваколатли давлат органларининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланди, Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини ўтказиш пунктлари орқали кесиб ўтаётган жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан шахсларнинг, транспорт воситаларининг ҳамда товарларнинг ўтказилишини вақтинча чеклашга ёки тўхтатиб туришга доир асосларнинг батафсил рўйхати белгиланди.

Шу билан бирга ҳуқуқни қўллаш амалиётида Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасига доир алоҳида тушунчалар турлича талқин этилишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурияти мавжуд.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларининг баъзи нормаларини «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштиришни назарда тутувчи

ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги тушунчаларнинг аниқ ҳамда бир хил қўлланилишига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг ваколатларини аниқлаштиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»**ги 407–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 473-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2023 йил, № 7, 536-модда) **5-моддаси биринчи қисми 11-бандининг ўзбекча матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11) доимий равишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган 863–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 247-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 350-модда; 2012 йил, № 9/2, 246-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда; 2021 йил, № 4, 293-модда, 4-сонга илова; 2023 йил, № 11, 923-модда) **92-моддасининг биринчи қисмидаги** «Давлат хавфсизлик хизмати органлари, божхона муассасалари ва чегара қўшинларига» деган сўзлар «Давлат хавфсизлик хизмати органларига ва божхона органларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6,

228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда) **223-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

биринчи қисмнинг диспозициясидаги «чегарадан» деган сўз «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисм диспозициясининг «а» банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини ёриб ўтиш йўли билан».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185-моддалар, № 4, 265, 269-моддалар, № 5, 319-модда, № 9, 713-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 115-модда) **39[1]-моддаси биринчи қисмининг 6-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6) Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара

қўшинлари – Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини бузганликка доир ишлар бўйича».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **287-модданинг**:

2-бандидаги «чегара қўшинлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4-бандидаги «чегара қўшинларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **289-модданинг**:

биринчи қисмидаги «чегара қўшинларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «чегара қўшинларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **291-модданинг**:

биринчи қисми:

«б» бандидаги «чегара қўшинларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«е» бандидаги «чегара қўшинларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «чегара қўшинларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **346[1]-модданинг учинчи хатбошисидаги** «Чегара қўшинлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **346[2]-модда учинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «Давлат чегарасидан ўтказиш пункти орқали» деган сўзлар «Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августда қабул қилинган **«Ўсимликлар карантини тўғрисида»**ги 113–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлда қабул қилинган ЎРҚ–484-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 429-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, № 4, 287-модда, 4-сонга илова; 2022 йил, № 1, 1-модда; 2024 йил, № 1, 7-модда) **14-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

номининг ўзбекча матнидаги «Республикаси» деган сўз **«Республикасининг»** деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўсимликлар карантини чегара пункти Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида, ички ҳудудлараро чегара пунктларида ташкил этилади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан хоналар билан, текширувлар ўтказиш ва намуналар олиш, фитосанитария экспертизасини ҳамда фумигация ишларини амалга ошириш учун воситалар, алоқа воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи билан таъминланади».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган **«Темир йўл транспорти тўғрисида»**ги 766–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 118-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4,

157-модда; 2011 йил, № 9, 246-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **22-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси чегараларини» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **27-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «божхона, чегара органлари» деган сўзлар «божхона органлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги 258–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 7, 389-модда, № 8, 469-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар; 2022 йил, № 4, 337-модда, № 6, 570-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **21-модда иккинчи қисми 7-бандининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7) Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари»;

2) **42^1-модданинг**:

иккинчи қисмидаги «Давлат чегарасини қўриқлаш органларига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «Давлат чегарасини қўриқлаш органларини» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисмидаги «Давлат чегарасини қўриқлаш органларини» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисмидаги «Давлат чегарасини қўриқлаш органларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган ЎРҚ–400-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 670-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 589-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 969-модда; 2022 йил, № 2, 75-модда, № 7, 666-модда, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 12, 1010, 1011-моддалар; 2024 йил, № 1, 5-модда, № 2, 111, 113-моддалар) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **16-модда биринчи қисми учинчи хатбошисининг ўзбекча матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«транспорт воситасининг божхона чегарасини кесиб ўтиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктига кириши»;

2) **179-модданинг учинчи қисмидаги** «чегара қўшинлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **180-модданинг учинчи қисмидаги** «чегара қўшинларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 2 июлда қабул қилинган **«Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида»**ги ЎРҚ–626-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 7, 446-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 11, 1061-модда) **3-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **еттинчи** ва **саккизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«**делимитация қилиш** – Ўзбекистон Республикаси ва чегарадош давлатлар ўртасида тузилган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси чизиғини аниқлаш, унинг ўтишини тавсифлаш ва уни харитада график тарзда акс эттириш;

демаркация қилиш – Ўзбекистон Республикаси ва чегарадош давлатлар ўртасида тузилган делимитация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларига мувофиқ чегара белгиларини ўрнатиш йўли билан жойларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси чизиғини белгилаш»;

еттинчи – ўн тўққизинчи хатбошилар тегишинча **тўққизинчи – йигирма биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**редемаркация қилиш** – чегарадош давлатлар билан келишувга кўра махсус ташкил этилган ҳукуматлараро комиссиялар томонидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ тегишли ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда, жойларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси чизиғини тиклаш ва уни чегара белгилари билан белгилаш, шунингдек йўқотилган чегара белгиларини тиклаш, қўшимча чегара белгиларини ўрнатиш»;

ўн учинчи – йигирма биринчи хатбошилар тегишинча **ўн тўртинчи – йигирма иккинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

йигирма биринчи ва **йигирма иккинчи хатбошлар** чиқариб ташлансин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 8 июлда қабул қилинган **«Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида»**ги ЎРҚ–627-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 7, 447-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда; 2024 йил, № 1, 7-модда) **9-моддаси учинчи қисми ўнинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** «олди» деган сўз чиқариб ташлансин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 4 июнда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида»**ги ЎРҚ–692-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 6, 519-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **13-модда иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «чизиқларида» деган сўз «минтақаларида» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **29-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«агар шахс ўзи ҳақида била туриб сохта маълумотлар берган бўлса, қалбаки ҳужжатларни тақдим этган бўлса ёки зарур ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса ёхуд биометрик маълумотларни топширишни рад этаётган бўлса»;

3) **32-модда тўртинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «ўтиш» деган сўз «ўтказиш» деган сўз билан алмаштирилсин.

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелда қабул қилинган **«Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»**ги ЎРҚ–763-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 4, 338-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 1, 5-модда) **218-моддасининг еттинчи қисмидаги** «Давлат чегарасини қўриқлаш органларига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

15-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

16-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 10 октябрь,
№ ЎРҚ–974.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ

1074 Космик фазо, шу жумладан Ойни ва бошқа самовий жисмларни тадқиқ қилиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича давлатларнинг фаолияти принциплари тўғрисидаги шартномага (Лондон, Москва ва Вашингтон, 1967 йил 27 январь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 2 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 15 августда маъқулланган

Космик фазо, шу жумладан Ойни ва бошқа самовий жисмларни тадқиқ қилиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича давлатларнинг фаолияти принциплари тўғрисидаги шартномага (Лондон, Москва ва Вашингтон, 1967 йил 27 январь) қўшилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 10 октябрь,
№ ЎРҚ–975.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ

1075 Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 23 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 20 сентябрда маъқулланган

Мамлакатимизда 2023 йил 30 апрелда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб, миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

*Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2024 йил 12 октябрда эълон қилинган.
**Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2024 йил 18 октябрда эълон қилинган.

Шу билан бирга янги конституциявий-ҳуқуқий шароитларда ҳоким ва халқ депутатлари Кенгаши раиси лавозимлари ажратилаётганлиги амалдаги ҳуқуқий ҳужжатларнинг қайта кўриб чиқилиши ҳамда такомиллаштирилишини талаб қилмоқда.

Хусусан, ҳудудларни ривожлантириш борасида халқ депутатлари Кенгашларининг ролини янада ошириш талаб этилмоқда, бугунги кун талабларига асосан вакиллик назоратининг янги шаклларини жорий этиш, ҳокимларнинг тегишли Кенгашлар олдидаги масъулияти ва ҳисобдорлигини кучайтириш борасидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш зарур.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ҳокимларнинг ҳамда халқ депутатлари Кенгашларининг ваколатларини аниқлаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидаги вилоят, туман, шаҳар ҳокими бир вақтнинг ўзида тегишли ҳудуддаги вакиллик ҳокимиятига бошчилик қилиши ҳақидаги норма чиқариб ташланмоқда. Ҳокимларга тегишли халқ депутатлари Кенгашлари сессиясига масалалар киритиш, зарурат бўлганда Кенгаш сессияси чақирилишини талаб қилиш ва тегишли халқ депутатлари Кенгашининг қонунчиликка зид бўлган қарорларини бекор қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ёки судга мурожаат қилиш каби қатор янги ваколатлар берилмоқда.

Шунингдек халқ депутатлари Кенгашларига депутатлар орасидан сайланадиган раис бошчилик қилиши, у ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга ошириши белгиланмоқда, уни ваколатлари муддати тугагунига қадар лавозимидан озод қилиш тартиби назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларни Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизимида рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги талаб мустаҳкамланмоқда. Бунда ушбу тизимда рўйхатдан ўтказилмаган ҳужжатлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ҳамда ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди.

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизимига маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манба мақоми берилишини назарда тутувчи ўзгартириш киритилмоқда.

Ушбу Қонун қонунчиликни янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлаштиришга, жойларда ҳокимиятлар бўлиниши принципини тўлақонли рўёбга чиқаришга ва ҳудудларни бошқаришни аҳоли манфаатларига хизмат қилиш принципи асосида йўлга қўйишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Прокуратура тўғрисида»**ги 746–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда,

№ 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 4, 218-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 5, 267-модда, № 11, 791-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2022 йил, № 5, 466-модда; 2023 йил, № 4, 265-модда, №10, 797-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 109-модда) **5-моддаси саккизинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «ҳисобот» деган сўз «ахборот» деган сўз билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»**ги 913–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 4-модда, № 11, 792-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 9, 537-модда; 2021 йил, № 1, 3, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 12, 1198-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 6, 570, 577-моддалар, № 10, 984-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда, № 10, 794-модда, № 12, 1003-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **1-модда**:

биринчи қисмининг русча матнидаги «Советы народных депутатов» деган сўзлар «Кенгаши народных депутатов» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тегишли ҳудуддаги ижро этувчи ҳокимиятга вилоят, туман ва шаҳар ҳокими бошчилик қилади»;

2) **2-модда**:

номидаги «**вакиллик ва ижроия ҳокимияти**» деган сўзлар «**ижро этувчи ҳокимият**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «партия гуруҳларининг» деган сўзлар «партия гуруҳларининг (бундан буён матнда партия гуруҳлари деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига номзод тегишли халқ депутатлари Кенгашида унинг номзоди кўриб чиқилаётганда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурини тақдим этади»;

учинчи – ўн биринчи қисмлари тегишинча **тўртинчи – ўн иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўққизинчи – ўн иккинчи қисмлари қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи – ўн тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутати этиб сайланиши мумкин.

Туман, шаҳар ҳокими лавозимига номзод тегишли халқ депутатлари Кенгашида унинг номзоди кўриб чиқилаётганда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурини тақдим этади.

Туманга бўйсунадиган шаҳар ҳокими туман ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Вилоят ҳокими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда шаҳар ҳокимини туман (шаҳар таркибига кирувчи туманлар бундан мустасно) ҳокимига бўйсундириш ва ягона бошқарув органларини тузиш ваколатига эга бўлиб, бу хусусда қабул қилинган қарор кейинчалик халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ айни бир вилоят, туман, шаҳар ҳокими этиб тайинланиши мумкин эмас.

Ҳокимларнинг ваколатлари муддати – беш йил»;

3) **6-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши қарорлар қабул қилади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими қарорлар қабул қилади ва фармойишлар чиқаради.

Халқ депутатлари Кенгашининг ва ҳокимнинг ҳужжатлари Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизимида (бундан буён матнда Ягона электрон тизим деб юритилади) ишлаб чиқилади, келишилади ва рўйхатдан ўтказилади, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қилган ҳужжатлар, бундан норматив-ҳуқуқий тусга эга бўлмаган ҳужжатлар мустасно, агар шу ҳужжатнинг ўзида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Ягона электрон тизимда рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан кучга киради.

Халқ депутатлари Кенгашининг ва ҳокимнинг норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлари, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Халқ депутатлари Кенгашининг ва ҳокимнинг Ягона электрон тизимда рўйхатдан ўтказилмаган ҳужжатлари тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас ва ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким ўз ваколатлари доирасида қабул қилган ҳужжатлар вилоят, туман, шаҳар ҳудудида жойлашган барча ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир»;

4) **7-модда иккинчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат инспекциясининг хулосасига кўра яроқсиз деб топилган давлат кўчмас мулк объектларини бузиб ташлаш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга»;

5) **10-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ер участкаларини доимий фойдаланишга беришга ҳақли»;

6) **IV бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«IV БОБ. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ»;

7) **16-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Халқ депутатлари Кенгашларининг ваколатлари муддати – беш йил»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки айрим жойларида жорий этилган фавқулодда ҳолат амал қилишининг бутун муддати ичида халқ депутатлари Кенгашларига сайловлар ўтказилмайди»;

8) қуйидаги мазмундаги **16^1 – 16^4-моддалар** билан тўлдирилсин:

«16^1-модда. Халқ депутатлари Кенгашининг раиси

Халқ депутатлари Кенгашига унинг депутатлари орасидан сайланадиган раис бошчилик қилади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашининг раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмас.

Айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ айни бир вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг раиси этиб сайланиши мумкин эмас.

Халқ депутатлари Кенгаши раиси Кенгашнинг ваколатлари муддатига сайланади.

Халқ депутатлари Кенгаши раиси ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб туради, шунингдек доимий ва бошқа комиссиялар, партия гуруҳлари таркибига кириши мумкин эмас.

16^2-модда. Халқ депутатлари Кенгаши раисининг ваколатлари

Халқ депутатлари Кенгаши раиси:

халқ депутатлари Кенгаши сессиясига кўриб чиқиш учун киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарликни амалга оширади;

халқ депутатлари Кенгаши сессиясига раислик қилади ва Кенгаш сессиясининг ишини ташкил этади;

халқ депутатлари Кенгаши Котибияти мудири ва ходимларини лавозимга тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қилади;

Кенгаш Котибиятига халқ депутатлари Кенгаши ишини ташкил этиш бўйича топшириқлар беради, Котибият ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

халқ депутатлари Кенгашининг қарорларини ва Кенгаш сессияси баённомаларини имзолайди, шунингдек уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

халқ депутатлари Кенгашининг сессиясини, шу жумладан навбатдан ташқари сессиясини чақириш тўғрисида қарор қабул қилади;

фуқароларни қабул қилишни ташкил этади, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади;

халқ депутатлари Кенгашининг доимий ва муваққат комиссиялари ишини мувофиқлаштириб боради;

халқ депутатлари Кенгаши муҳокамасига киритилган масалаларни кўриб чиқиш учун давлат органлари ва ташкилотларининг мутахассислари ҳамда экспертларини жалб этади;

депутатларга ўз ваколатларини амалга оширишда кўмаклашади;

халқ депутатлари Кенгаши фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш чораларини кўради;

халқ депутатлари Кенгаши фаолиятининг ташкилий, ахборот, моддий-техника таъминотини ташкил этади;

ушбу Қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ваколатларни амалга оширади.

16^3-модда. Халқ депутатлари Кенгаши раисини сайлаш

Халқ депутатлари Кенгашининг биринчи сессияси халқ депутатлари Кенгаши

раисини сайлашдан бошланади.

Халқ депутатлари Кенгаши раисини сайлаш учун депутатлар орасидан халқ депутатлари Кенгашига сайловда иштирок этган ҳар бир сиёсий партия депутатларидан иборат сиёсий партиялар вакиллари гуруҳи ташкил этилади. Сиёсий партиялар вакиллари гуруҳининг таркиби тўғрисидаги қарор депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Сиёсий партиялар вакиллари гуруҳининг мажлисида халқ депутатлари Кенгашига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партиянинг вакили раислик қилади.

Халқ депутатлари Кенгаши раиси лавозимига номзодлар сиёсий партиялар вакиллари гуруҳининг тавсияси асосида депутатлар орасидан шакллантирилади.

Айни бир шахс бир вақтнинг ўзида бошқа вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг раиси этиб сайланиши мумкин эмас.

Халқ депутатлари Кенгаши раиси лавозимига номзод, агар у овоз бериш натижасида Кенгаш депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

Халқ депутатлари Кенгаши раиси сайланганлиги тўғрисида қарор қабул қилинади, уни халқ депутатлари Кенгаши сессиясида раислик қилувчи имзолайди.

16⁴-модда. Халқ депутатлари Кенгаши раисини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш

Халқ депутатлари Кенгаши раиси овоз бериш орқали Кенгаш депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Кенгаш қарорига биноан муддатидан илгари лавозимидан озод қилиниши мумкин.

Халқ депутатлари Кенгаши раисини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масала Кенгаш депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳининг таклифига биноан Кенгаш томонидан кўриб чиқилади.

Халқ депутатлари Кенгаши раисини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилаётганда сессияда Кенгашнинг доимий комиссиялари раисларидан бири раислик қилади.

Халқ депутатлари Кенгаши раисини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади, қарор сессияда раислик қилувчи томонидан имзоланади»;

9) **17-модданинг**:

биринчи ва **иккинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **биринчи** – **тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши фаолиятининг ташкилий шакли унинг сессияларидир. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг сессиялари тегишли Кенгашнинг фаолиятни жамоатчилик асосида амалга оширадиган раиси, у йўқлигида эса тегишли Кенгашга сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партиядан илгари сурилган депутатлар томонидан ташкил этилган партия гуруҳи раҳбари томонидан, заруратга қараб, ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Сессия халқ депутатлари тегишли Кенгаши депутатлари камида учдан икки қисмининг ташаббусига ёки ҳокимнинг таклифига биноан ҳам чақирилиши мумкин. Кенгаш сессиясини чақириш тўғрисидаги қарордан депутатлар сессия очилишидан камида уч кун олдин хабардор қилинади.

Янги сайланган халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг биринчи

сессияси ҳоким томонидан сайловдан кейин кечи билан уч ҳафталик муддат ичида чақирилади. Кенгашнинг биринчи сессиясини тегишли ҳудудий, туман, шаҳар сайлов комиссияси раиси очиб беради ҳамда у Кенгаш раиси сайлангунига қадар сессияда раислик қилади.

Халқ депутатлари Кенгаши сессияларида раис, у йўқлигида эса тегишли Кенгашга сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партиядан илгари сурилган депутатлар томонидан ташкил этилган партия гуруҳи раҳбари раислик қилади. Агар бир нечта сиёсий партия тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини эгалласа, уларнинг ўзаро келишувига кўра тегишли партиянинг раҳбари раислик қилади.

Янги сайланган халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг биринчи сессияси ўтказилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай Кенгашнинг органлари тузилади»;

учинчи, тўртинчи ва **бешинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи, олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи** ва **тўққизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Электрон овоз бериш тизимлари ўрнатилган залларда очиқ ёки яширин овоз бериш электрон овоз бериш тизимидан фойдаланилган ҳолда ўтказилади.

Депутат ўзининг овоз бериш ҳуқуқини шахсан амалга оширади»;

10) **18-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Халқ депутатлари Кенгаши сессияларини чақириш ва ўтказиш, сессия муҳокамасига масалалар киритиш ва уларни кўриб чиқиш, халқ депутатлари Кенгаши органларини ташкил этиш ва сайлаш, уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш, Кенгаш сўровини юбориш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқиш, Кенгаш текширувини ўтказиш, депутатлар сўровларини юбориш, қарорлар лойиҳаларини кўриб чиқиш, овоз бериш, қарорларни ўқиб эшиттириш, сессияга таклиф этилган шахслар сонини аниқлаш тартиби, шунингдек депутатларнинг масъулияти ва сессия ишини ташкил этишга доир бошқа масалалар халқ депутатлари Кенгашининг регламентига мувофиқ белгиланади»;

11) **19-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19-модда. Халқ депутатлари Кенгашининг доимий ва муваққат комиссиялари

Сессия муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, халқ депутатлари Кенгаши қарорларини ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини рўёбга чиқариш учун кўмаклашиш, шунингдек ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга ошириш учун халқ депутатлари Кенгаши ўз ваколатлари муддатига доимий ва муваққат комиссиялар тузади.

Халқ депутатлари Кенгашларида, қоида тариқасида, қуйидаги доимий комиссиялар тузилади:

маҳаллий бюджет, тадбиркорликни ривожлантириш ва иқтисодий ислоҳотлар бўйича;

коррупцияга қарши курашиш, давлат органларида очиқликни таъминлаш ва ҳуқуқий масалалар бўйича;

ижтимоий соҳа, ёшлар сиёсати, маданият ва спорт масалалари бўйича;

аграр, қурилиш, коммунал соҳалар, экология, саноат ва транспорт масалалари бўйича;

регламент ва депутатлик одоб-ахлоқи масалалари бўйича.

Халқ депутатлари Кенгашида муваққат комиссиялар ҳам тузилиши мумкин.

Комиссиялар тўғрисидаги низомлар тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади»;

12) қуйидаги мазмундаги **19[1]-модда** билан тўлдирилсин:

«19[1]-модда. Халқ депутатлари Кенгаши доимий ва муваққат комиссияларининг ваколатлари

Халқ депутатлари Кенгашининг доимий ва муваққат комиссиялари:

ўз ташаббусига кўра ёки Кенгашнинг топшириғига биноан Кенгаш қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқади;

фаолият йўналиши доирасида ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

халқ депутатлари Кенгаши қарорлари лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқади ва уларни Кенгаш сессиясида кўриб чиқиш учун тайёрлайди;

халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг лойиҳалари юзасидан хулосалар беради;

вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари, шунингдек туманлар ва шаҳарлар бюджетлари лойиҳалари юзасидан хулосалар ҳамда таклифлар беради;

халқ депутатлари Кенгашининг тавсиясига кўра бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши ҳолатини ўрганади;

ишчи гуруҳлар тузади, уларнинг таркибига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакилларини, мутахассислар ва олимларни жалб этади;

тегишли ҳудуддаги давлат органлари ва ташкилотларидан, мансабдор шахслардан маълумотларни ва эксперт хулосаларини, шунингдек бошқа ахборотни талаб қилиб олади;

тегишли ҳудудда қонун ҳужжатларининг ва халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг давлат органлари томонидан ижро этилиш ҳолатини, ҳуқуқнинг қўлланилиш амалиётини жойларга чиққан ҳолда ўрганади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, халқ депутатлари Кенгаши қарорларини тарғиб этиш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш бўйича тадбирларни амалга оширади.

Доимий ва муваққат комиссиялар қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

13) **20-модданинг**:

бешинчи қисми қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши котибиятининг мудири тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари орасидан Кенгаш раиси томонидан тайинланади ва доимий асосда фаолият юритади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши котибиятининг мудири ўз ваколатлари даврида илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас»;

олтинчи ва **еттинчи қисмлари** тегишинча **еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

14) **IV боб** қуйидаги мазмундаги **20[1]-модда** билан тўлдирилсин:

«20[1]-модда. Халқ депутатлари Кенгашларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлиги

Халқ депутатлари Кенгашлари нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликни амалга оширади, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлайди.

Халқ депутатлари Кенгашлари ҳудудий дастурларнинг, Кенгаш қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш масалалари юзасидан, шунингдек уларнинг ижроси устидан назорат борасида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликни амалга оширади»;

15) **V бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«V БОБ. МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ. ҲОКИМЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ»;

16) **21-модданинг**:

ўзбекча матнининг номидаги «ижроия» деган сўз «**ижро этувчи**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **биринчи, иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Тегишли ҳудуддаги ижро этувчи ҳокимиятга вилоят, туман ва шаҳар ҳокими бошчилик қилади.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими ўз ваколатларини яккабошчилик асосида амалга оширади ҳамда ўзи раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва ҳаракатлари учун шахсан жавобгар бўлади.

Ҳоким Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган миқдорда биринчи ўринбосарга ва ўринбосарларга эга бўлади»;

иккинчи – олтинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи – саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

17) қуйидаги мазмундаги **21[1]-модда** билан тўлдирилсин:

«21[1]-модда. Ҳокимларнинг ваколатлари

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Олий Мажлис палаталарининг қарорларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ҳамда фармойишларини, Вазирлар Маҳкамасининг, юқори турувчи ҳокимларнинг ва тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларини ижро этади;

ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик жиҳатдан ривожлантиришни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва соғлиғини муҳофаза қилиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўради, табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда ишларни ташкил этади;

вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан, туманлар ҳамда шаҳарлар бюджетларидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини бюджет сўровини тузиш учун кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

вилоят, туман, шаҳарни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш-

нинг асосий йўналишларини, вилоят ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг, туман ва шаҳар бюджетининг тегишли лойиҳасини, шунингдек унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни халқ депутатлари Кенгашига тақдим этади;

халқ депутатлари Кенгашлари сессияларига кўриб чиқиш учун масалалар киритади, зарур ҳолларда Кенгаш сессиясини чақириш тўғрисида Кенгашга таклиф киритади;

халқ депутатлари Кенгашларининг сессияларида иштирок этади;

тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этади;

ўз ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги қарорларни халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига тақдим этади;

ҳокимлик аппарати бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод этади;

қуйи турувчи ҳокимларнинг қарорларини (бундан хусусий мулк ҳуқуқининг, шунингдек ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг юзага келиши учун асос бўлган қарорлар мустасно), агар улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига, шунингдек юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашининг ва ҳокимнинг қарорларига зид бўлса, бекор қилади ва халқ депутатлари Кенгашига қуйи турувчи халқ депутатлари Кенгашларининг ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритади;

ижро этувчи ҳокимият органлари таркибий бўлинмаларининг ишини назорат қилади;

халқ депутатлари Кенгашининг қонунчиликка зид қарорларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида тегишли халқ депутатлари Кенгашига тақдимнома киритади, бундан хусусий мулк ҳуқуқининг, шунингдек ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши учун асос бўлган қарорлар мустасно;

тегишли халқ депутатлари Кенгашининг қонунчиликка зид қарорларини бекор қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ёки судга мурожаат қилади;

халқ депутатлари Кенгашининг ва ҳокимнинг ҳужжатларини бажармаганлиги учун мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тақдимнома киритади;

давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқади ва таклифлар киритади;

республикада ва хорижда вилоят, туман ҳамда шаҳарнинг расмий вакили сифатида иш юритади;

фуқароларни қабул қилишни ташкил этади, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига:

навбатдаги йил учун вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳамда тегишли хулоса тақдим этиш учун;

ўтган молия йили учун вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ташқи аудитдан ўтказиш ҳамда баҳолаш учун юборади.

Ҳоким қонунчиликда ўз ваколатлари жумласига киритилган режалаштириш, бюджет, молия, ҳисобга олиш, вилоят, туман, шаҳар мулкини бошқариш ҳамда мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, қишлоқ хўжалиги, ердан ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа, аҳолига коммунал, савдо ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни ҳамда хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш каби бошқа масалаларни ҳам ҳал этади»;

18) **22** ва **23-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22-модда. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг тузилмаси ва штатлари

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари (ҳокимликлар) бошқармалар, бўлимлар ва бошқа бўлинмалардан иборат бўлиб, уларнинг тузилмаси, уларни ташкил этиш тартиби ва фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижро этувчи ҳокимият органларининг тузилмаси ва штатлари ҳоким томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда тегишли халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

Туман, шаҳар ижро этувчи ҳокимият органларининг тузилмаси ва штатлари ҳоким томонидан юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда тегишли халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари аппаратининг тузилмаси ва штатлари тегишли ҳоким томонидан вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий тузилмаси ва штатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, туман ва шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий тузилмаси ва штатлари эса юқори турувчи ҳоким томонидан белгилаб қўйилади. Қорақалпоғистон Республикасида туман ва шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий тузилмаси ва штатлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан белгиланади.

23-модда. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари таркибий бўлинмаларининг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш

Агар қонунчиликда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилишнинг бошқача тартиби белгиланмаган бўлса, ижро этувчи ҳокимият таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари республика ижро этувчи ҳокимиятининг юқори турувчи органлари билан келишилган ҳолда ҳоким томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Агар қонунчиликда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилишнинг бошқача тартиби белгиланмаган бўлса, туманга бўйсунадиган шаҳар ижро этувчи ҳокимият таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари республика ижро этувчи ҳокимиятининг юқори турувчи органлари билан келишилган ҳолда тегишли ҳоким томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади»;

19) **VI бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«VI БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ»;

20) **24-модда**:

биринчи қисмининг:

иккинчи ва **учинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режасини ҳамда уни қуриш қоидаларини тасдиқлаш;

вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларини, шунингдек туманлар ва шаҳарлар бюджетларини тегишинча вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг тақдимномасига биноан кўриб чиқиш ҳамда қабул қилиш, уларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш»;

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи** ва **ўн биринчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Халқ қабулхоналарининг тегишли ҳудуддаги давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарлари фаолияти ҳамда мурожаатлар билан ишлаш ҳолати тўғрисидаги ахборотини ҳар чоракда эшитиш;

ёшлар муаммоларини ўрганиш, уларни ҳал этишга кўмаклашиш, ёш авлоднинг истеъдоди ва қобилиятини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чораларини кўришга қаратилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳудудий раҳбарларининг ҳисоботларини ҳар олти ойда эшитиш»;

ўнинчи – йигирма биринчи хатбошилари тегишинча **ўн иккинчи – йигирма учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

ўн учинчи хатбошисидаги «бошқа» деган сўз «муваққат» деган сўз билан алмаштирилсин;

ўн олтинчи ва ўн еттинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«зарурат бўлганда ижро этувчи ҳокимият бўлимлари, бошқармалари, бошқа таркибий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини, шу жумладан қонунларга риоя этилиши, тегишли халқ депутатлари Кенгашлари қарорларининг ва доимий комиссиялар тавсияларининг бажарилиши юзасидан ҳисоботларини эшитиш;

тегишли прокурорларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотини ҳар йили эшитиш»;

йигирма биринчи, йигирма иккинчи ва **йигирма учинчи хатбошилари** қуйидаги мазмундаги **йигирма биринчи – йигирма тўртинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«Кенгаш сўровини юбориш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқиш, Кенгаш текширувини ўтказиш, депутат сўровларини юбориш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

ҳокимнинг халқ депутатлари Кенгашининг қонунчиликка зид қарорларини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги тақдимномасига асосан Кенгаш қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш;

ҳокимнинг ва қуйи Кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бўлмаган қарорларини бекор қилиш;

ҳокимнинг тақдимига биноан ҳокимликнинг тузилмасини, штатларини ва унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш фондини тасдиқлаш киради»;

иккинчи, учинчи ва **тўртинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан алмаштирилсин:

«Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари:

тегишли вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ҳамда Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорларини кўриб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

жисмоний ва юридик шахсларга тегишинча мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини ёки уларнинг қисмларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва олиб қўйилган ер участкаларида жойлашган кўчмас мулк объектларини қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда бузиб ташлаш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) минтақавий вакилининг инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳолати тўғрисидаги маърузасини ҳар йили эшитади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) минтақавий вакилининг тегишли ҳудудда бола ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳолати тўғрисидаги маърузасини ҳар йили эшитади;

тегишли ҳудудда маҳаллий аҳамиятга молик монументал ёдгорликларни қонунчиликда белгиланган тартибда ўрнатиш ва бузиш (кўчириш) тўғрисида қарорлар қабул қилади;

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ўз ваколатлари жумласига киритилган бошқа ташкилий масалаларни ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ назорат қилишга доир масалаларни ҳал этади»;

21) **25-модда** чиқариб ташлансин;

22) **25[1]-модданинг**:

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вилоят, туман, шаҳар ҳокимининг ҳисоботи тегишли халқ депутатлари Кенгашининг вилоят, туман, шаҳарнинг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ҳамда жорий йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган сессиясида эшитилади. Мазкур сессия вилоятларда ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажлиси ўтказилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай, туманлар ва шаҳарларда эса вилоятларда ва Тошкент шаҳрида тегишли мажлислар ўтказилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай ўтказилади»;

еттинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Туман ва шаҳар ҳокимининг ҳисоботини муҳокама қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида, шунингдек халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг сессияларида берилган баҳолар ҳамда белгиланган вазифалар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади»;

23) **25[2]-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаларининг, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг бошлиқлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида ҳар чоракда, жамоат хавфсизлиги тўғрисида эса ҳар олти ойда тегишинча халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашларига ҳисобот тақдим этади.

Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида, шунингдек жамоат хавфсизлиги тўғрисида ҳар чоракда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишга тегишли ҳудудда жойлашган бошқа давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, ташкилотларнинг, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларининг, сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва бошқа шахслар таклиф этилиши мумкин.

Юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ва ишларнинг натижалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш чоғида танқидий жиҳатдан муҳокама қилинади, уларнинг фаолияти самарадорлигига шахсан баҳо берилади, шунингдек эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида тавсиялар қабул қилинади»;

24) **25^{3}-модданинг**:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳудудий адлия бошқармаларининг бошлиқлари ҳар йили тегишинча халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига жойлардаги норма ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади»;

учинчи қисмидаги «ҳар чоракда» деган сўзлар «ҳар олти ойда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25) **25^{4}-модда** чиқариб ташлансин;

26) **VI боб** қуйидаги мазмундаги **25^{6}, 25^{7} ва 25^{8}-моддалар** билан тўлдирилсин:

«25^{6}-модда. Кенгаш сўрови

Халқ депутатлари Кенгаши тегишли ҳудудда жойлашган давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахсларига қонунларнинг, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг ижроси масалалари ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан Кенгаш сўровини юборишга ҳақли.

Кенгаш сўрови тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг, суриштирув ва тергов органларининг, судларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга, шунингдек ижро иши юритиш ҳамда нотариал иш юритишнинг муайян материалларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолиятга тааллуқли бўлиши мумкин эмас.

Кенгаш сўровини юбориш тўғрисидаги таклиф Кенгашнинг депутатлари, доимий ва муваққат комиссиялари, партия гуруҳларининг ташаббуси асосида Кенгаш сессиясида кўриб чиқилади.

Кенгаш сўровининг ташаббускорлари томонидан Кенгаш сўрови лойиҳаси тайёрланиб, у Кенгашнинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритиш учун Кенгаш раисига юборилади.

Кенгаш сўрови лойиҳасига уни асослантирувчи зарур материаллар илова қилинади. Кенгаш сўрови лойиҳасида сўровга жавоб беришнинг шакли (оғзаки ёки ёзма) тўғрисидаги талаблар бўлиши керак.

Кенгаш сўровини юбориш тўғрисидаги қарор Кенгаш депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Давлат органларининг мансабдор шахслари Кенгаш сўровига оғзаки жавобни Кенгаш томонидан белгиланган муддатда Кенгаш сессиясида беради.

Давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари Кенгашнинг сўровига ёзма жавобни, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай юбориши керак.

Кенгаш сўровига жавобда сўровда қўйилган масалаларнинг ҳар бири бўйича аниқ ва батафсил асослантирилган маълумотлар очиб берилиши керак.

Кенгашнинг сўровига жавоб сўров ўз номига юборилган мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланади.

Кенгаш сўровига ёзма жавоб Кенгашнинг сессиясида раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади. Ёзма жавобнинг кўчирма нусхалари жавоб Кенгашнинг сессиясида ўқиб эшиттирилгунига қадар депутатларга юборилади.

Кенгаш сўровларига жавоблар Кенгаш сессиясида муҳокама қилинади ва унинг якунлари бўйича тегишли қарор қабул қилинади.

25[7]-модда. Кенгаш текшируви

Кенгаш текшируви тегишли ҳудуднинг хавфсизлигига, барқарор ривожланиш асосларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига, жамият ва давлат манфаатларига таҳдид соладиган фактлар ҳамда воқеаларни ўрганиш мақсадида ўтказилиши мумкин.

Кенгаш текширувини ўтказиш тўғрисидаги Кенгаш қарори депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг, суриштирув ва тергов органларининг, судларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларни, шунингдек ижро иши юритиш ҳамда нотариал иш юритишнинг муайян материалларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолият Кенгаш текширувининг объекти бўлиши мумкин эмас.

25[8]-модда. Кенгаш текширувини ўтказиш бўйича комиссия

Кенгаш текширувини ўтказиш учун Кенгаш депутатлари орасидан Кенгаш текширувини ўтказиш бўйича комиссия тузилади.

Комиссия Кенгаш текширувини ўтказишда қуйидагиларга ҳақли:

давлат органлари ва ташкилотларининг вакилларини, мутахассисларни, экспертларни комиссия ишига жалб этишга;

давлат органлари ва ташкилотларидан, жисмоний ва юридик шахслардан зарур маълумотларни сўраб олишга;

давлат органлари ва ташкилотларининг, нодавлат ташкилотларнинг мансабдор шахсларини, шунингдек фуқароларни тушунтиришлар бериш учун таклиф қилишга.

Кенгаш текшируви натижаларига кўра комиссиянинг якуний ҳисоботи тайёрланиб, у Кенгаш сессиясида кўриб чиқиш учун Кенгашга киритилади»;

27) **26-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг қонунчилик нормаларига мувофиқ бўлмаган қарорлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан бекор қилинади.

Ҳоким халқ депутатлари Кенгашининг қонунчиликка зид қарорини қайта кўриб чиқиш тўғрисида Кенгашга тегишли тақдимнома киритади, бундан хусусий мулк

ҳуқуқининг, шунингдек ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг юзага келиши учун асос бўлган қарорлар мустасно. Кенгаш ҳокимнинг тақдимномасини бир ойлик муддатда кўриб чиқиб, Кенгаш қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши томонидан ҳокимнинг тақдимномаси қаноатлантирилмаган тақдирда, ҳоким Кенгашнинг тегишли қарорини бекор қилиш тўғрисида юқори турувчи Кенгашга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ёки судга мурожаат қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори билан бекор қилинган халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг қарорлари ўзининг амал қилишини тугатади.

Ҳокимларнинг ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тўхтатилади ёки бекор қилинади.

Ҳокимларнинг қонунчиликка, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларига зид бўлган ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўхтатилади ёки бекор қилинади, бундан хусусий мулк ҳуқуқининг, шунингдек ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг юзага келиши учун асос бўлган ҳужжатлар мустасно»;

28) қуйидаги мазмундаги **26[1]-модда** билан тўлдирилсин:

«26[1]-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини чеклаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолатни жорий этиш тўғрисидаги фармонида фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш даврида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туриш назарда тутилиши мумкин».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган **«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»**ги 706–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 9, 588-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда, № 9, 537-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 574-модда) **12-моддасининг еттинчи қисмидаги** «Қонунчилик палатасига» деган сўзлар «Сенатига» деган сўз билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелда қабул қилинган **«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»**ги ЎРҚ–682-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 288-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 8, 788-модда, № 10, 983-модда; 2023 йил, № 8, 629-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 109-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **36-модда биринчи қисмининг саккизинчи хатбошиси** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи** ва **тўққизинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларига нисбатан – тегишли халқ депутатлари Кенгаши раиси;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг қарорларига нисбатан – тегишли ҳоким томонидан имзолаш орқали амалга оширилади»;

2) **39-модданинг тўртинчи қисми** «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси» деган сўзлардан кейин «Маҳаллий давлат ҳокимияти

органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизими» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 2-моддасининг 1-банди тўртинчи хатбошиси, 2-банди бешинчи, тўққизинчи ва ўн иккинчи хатбошилари, 8 ва 9-бандлари:

вилоятлардаги, шунингдек Тошкент шаҳридаги давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ижро этувчи органларига нисбатан – вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари депутатларининг навбатдаги сайлови якунлари бўйича;

туман, шаҳар давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ижро этувчи органларига нисбатан – 2026 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 17 октябрь,
№ ЎРҚ–976.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ

1076 Ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 2 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 15 августда маъқулланган

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилинишини кучайтириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдам турлари кенгайтирилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди, шунингдек унинг ҳузурида «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилди.

*Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2024 йил 19 октябрда эълон қилинган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ваколатларини, шунингдек аҳолининг қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдам турларини қонун ҳужжатларида аниқлаштириш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг зиммасига дафн этиш учун нафақани бериш вазифасини юклатишга, унинг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатларини белгилашга, шунингдек фуқаролик ишлари бўйича судларга ва маъмурий судларга мурожаат қилишда давлат божини тўлашдан озод этишга тааллуқли ўзгартиришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган кексаларга қараб турилган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланиши учун даволаш муассасасининг хулосаси талаб этилмаслиги, шунингдек ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларга, ёлғиз яшовчи кексаларга ва ногиронлиги бўлган шахсларга шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилиши назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга умрбод таъминлаш шарти билан уйни (квартирани) бошқа шахсга беришга доир битимлар ва умрбод рента шартномаси тўғрисидаги, шунингдек васийликдаги шахснинг мол-мулкини тақсимлашга доир битимлар ҳамда унинг тақдирини ҳал қилишга қаратилган бошқа битимлар ҳақидаги маълумотлар «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларига тақдим этилиши белгиланмоқда.

«Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар, ёлғиз яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар йўқолган ёхуд яроқсиз ҳолга келган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификацияловчи ID-картасини ёки биометрик паспортини алмаштиришда давлат божини тўлашдан озод қилинишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда. «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахсларни вақтинча рўйхатга олишда ҳам давлат божи ундирилмайди. Шунингдек етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар давлат томонидан иккиламчи бозордан олинган уй-жойни уларнинг номига расмийлаштириш учун нотариал ҳаракатларни амалга оширишда давлат божини тўлашдан озод қилиниши белгиланмоқда.

Ушбу Қонун билан ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларга, ёлғиз яшовчи кексаларга ва ногиронлиги бўлган шахсларга ҳомийлик қилиш учун йўналтирилган маблағлар солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланадиган харажатлар жумласига киритилиши назарда тутилмоқда.

Мазкур Қонун ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли қатламларининг манзилли ва самарали ижтимоий ҳимоя қилинишини кучайтиришга, шунингдек ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга ҳамда уларнинг сифатини оширишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»**ги 938–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4–5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4–5, 74-модда; Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 676-модда, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда, № 8, 469-модда, № 9, 592-модда, № 11, 792-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 5, 464-модда, № 10, 979, 982-моддалар; 2023 йил, № 2, 104-модда, № 11, 924-модда; 2024 йил, № 3, 246-модда) **37-моддаси биринчи қисмининг «д» кичик банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«д) I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача бўлган, ногиронлиги бор болага, шунингдек ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган кексаларга қараб турилган вақт».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган **«Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»**ги 278–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 141-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 470-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда) 1-моддасига қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар, ёлғиз яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар»;

саккизинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Нотариат тўғрисида»**ги 343–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда) **6-моддасининг тўртинчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Инсон» ижтимоий хизматлар марказларига – умрбод таъминлаш шарти билан уйни (квартирани) бошқа шахсга беришга доир битимлар ва умрбод рента шартномаси тўғрисидаги, шунингдек васийликдаги шахснинг мол-мулкини тақсимлашга доир битимлар ҳамда унинг тақдирини ҳал қилишга қаратилган бошқа битимлар ҳақидаги маълумотлар»;

олтинчи, еттинчи ва **саккизинчи хатбошилар** тегишинча **еттинчи, саккизинчи** ва **тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрда қабул қилинган **«Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»**ги ЎРҚ–276-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 476-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 11, 792-модда; 2021 йил, 4-сонга

илова, № 10, 973-модда; 2022 йил, № 6, 575-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда) **9-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўлик бола туғилган ёки бола ҳаётининг биринчи ҳафтаси ичида вафот этган (перинатал ўлим) тақдирда, дафн этиш учун нафақани тўлаш қонунчиликда белгиланган тартибда бериладиган перинатал ўлим тўғрисидаги маълумотномага асосан, қолган барча ҳолларда эса шахснинг ўлими ҳақидаги гувоҳномага асосан, мурожаат этилган кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан амалга оширилади».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–561-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 9, 586-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 12, 1194-модда; 2023 йил, № 4, 265-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **6^1-модда** билан тўлдирилсин:

«6^1-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни, стратегияларни ҳамда қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида ижтимоий реабилитация қилишга ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олишга доир тадбирлар ўтказади;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш мониторингини ўтказади;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик хизматлар кўрсатади;

низоли вазиятларни профилактика қилишга, тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир дастурларни ва услубий тавсияларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланишини мониторинг қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

2) **12-модданинг**:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12-модда. Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари»;

биринчи хатбошисидаги «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўз жонига қасд қилишнинг олдини олишга доир тадбирлар ўтказади»;

3) **18-модданинг биринчи қисмидаги** «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда, № 12, 1011-модда; 2024 йил, № 2, 106, 110, 111-моддалар, № 4, 346-модда) **317-моддасининг 7-банди** «меценатлик кўмагини кўрсатиш» деган сўзлардан кейин «ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларга, ёлғиз яшовчи кексаларга ва ногиронлиги бўлган шахсларга ҳомийлик қилиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда, № 9, 710-модда; 2024 йил, № 1, 5, 6, 7-моддалар, № 2, 101, 105, 107, 108, 111, 112-моддалар) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **8-модда биринчи қисмининг**:

43-бандидаги «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

44-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«44) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси – ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир даъволар, аризалар ҳамда шикоятлар юзасидан»;

қуйидаги мазмундаги **45-банд** билан тўлдирилсин:

«45) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари:

тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бериладиган аризалар, шикоятлар ва даъволар юзасидан;

болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, ота-оналарнинг муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги, уларни ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этиш, болаларни ота-оналаридан уларни ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этмасдан олиб қўйиш ҳақидаги, шунингдек, агар ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган ота-оналарнинг ўз болалари билан биргаликда яшаши мумкин эмас деб белгиланса, уларни бошқа турар жой бермасдан кўчириб юбориш тўғрисидаги даъволар, аризалар ва шикоятлар юзасидан;

оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган

шахслар ҳамда оилалар манфаатларини кўзлаб берилган даъволар, аризалар ва шикоятлар билан судга мурожаат қилинганда»;

2) **10-модданинг биринчи қисми**:

17-бандидаги «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **17^1-банд** билан тўлдирилсин:

«17^1) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари – оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар ҳамда оилалар манфаатларини кўзлаб берилган аризалар ва шикоятлар юзасидан»;

3) **11-модда** қуйидаги мазмундаги **19-банд** билан тўлдирилсин:

«19) етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар – улар учун давлат томонидан иккиламчи бозордан олинган уй-жой уларнинг номига расмийлаштириб берилганлиги учун»;

4) **13-модданинг учинчи қисми** «жабрланган жисмоний шахслар» деган сўзлардан кейин «ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар, ёлғиз яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **15-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Муайян яшаш жойига эга бўлмаган, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги уй-жой фондига эга бўлган муассасаларга вақтинча турган жойи бўйича олти ой муддатгача рўйхатга қўйилаётганда улардан давлат божи ундирилмайди»;

иккинчи – олтинчи қисмлари тегишинча **учинчи – еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелда қабул қилинган **«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»**ги ЎРҚ–682-сонли Қонуни билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиётининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 288-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 8, 788-модда, № 10, 983-модда; 2023 йил, № 8, 629-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 109-модда) **102-бандига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан – аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш масалаларига доир лойиҳалар»;

олтинчи – ўн бешинчи хатбошилар тегишинча **еттинчи – ўн олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

11-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 18 октябрь,
№ ЎРҚ–977.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ

1077 Оилавий (маиший) зўравонликдан ҳимоя қилиш чоралари кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 16 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 20 сентябрда маъқулланган

Мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини оиладаги тазйиқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилишнинг институциявий ҳамда ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга бугунги кунда ҳуқуқни қўллаш амалиётида болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, болаларга нисбатан оилавий (маиший) зўравонлик тарзидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноий қилмишлар содир этганлик учун жавобгарлик белгиланмаган.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига болаларга нисбатан оилавий зўравонлик содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда. Шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ ишлар юзасидан ярашув тўғрисидаги ариза фақат суд муҳокамаси босқичида берилиши мумкинлигини белгиловчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилашга, оилада болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга, шунингдек мамлакатимизнинг болалар ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ халқаро индексларидаги ўрнини яхшилашга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда) **126[1]-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

иккинчи қисмнинг диспозициясидаги «шахсни ёки» деган сўзлар «шахсни ёки болани, шунингдек» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмнинг диспозициясидаги «шахсга ёки» деган сўзлар «шахсга ёки болага, шунингдек» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмнинг диспозициясидаги «шахсга ёки» деган сўзлар «шахсга ёки болага, шунингдек» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил,

№ 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185-моддалар, № 4, 265, 269-моддалар, № 5, 319-модда, № 9, 713-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 115-модда) **583-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

биринчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киришидан олдин берилиши мумкин, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ ишлар юзасидан ярашув тўғрисидаги ариза суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киришидан олдин берилиши мумкин»;

иккинчи – бешинчи қисмлар тегишинча **учинчи – олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар;

2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар) **59^2-моддаси иккинчи қисмининг диспозициясидаги** «шахсни ёки» деган сўзлар «шахсни ёки болани, шунингдек» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 21 октябрь,
№ ЎРҚ–978.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ

1078 Тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисоботларни давлат органларига тақдим этиш жараёнлари соддалаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241^{10}-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 16 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 21 сентябрда маъқулланган

Мамлакатимизда ҳисоботларни ва статистика маълумотларини давлат органларига тақдим этиш жараёнларини соддалаштириш орқали бизнесга нисбатан маъмурий юкни камайтириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга тадбиркорлик субъектларидан қонунчиликда назарда тутилмаган статистика, молия, солиқ ҳисоботини ва бошқа ҳисоботларни давлат органлари томонидан талаб қилиб олиш каби ҳуқуқбузарликларни қайта кўриб чиқиш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига тақдим этиладиган ҳисобот ва статистика маълумотларининг ягона рўйхатига киритилмаган ҳисоботларни тадбиркорлик субъектларидан талаб қилиб олганлик учун жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи ўзгартириш киритилмоқда.

Ушбу Қонун давлат органларининг ҳисоботларни талаб қилиб олиш борасидаги масъулиятини оширишга ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар,

№ 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар) **241^{10}-моддаси биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига тақдим этиладиган ҳисобот ва статистика маълумотларининг ягона рўйхатига киритилмаган статистика, молия, солиқ ҳисоботини ва бошқа ҳисоботни, шунингдек қонунчиликда назарда тутилмаган ўзга ҳужжатларни, шу жумладан банк ҳисобварағини очишда ортиқча ҳужжатларни тадбиркорлик субъектларидан талаб қилиб олиш, худди шунингдек мазкур ягона рўйхатга киритилган ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддатлари ва тартибига зид равишда талаб қилиб олиш».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 21 октябрь,
№ ЎРҚ–979.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ

1079 Давлат мулкини бошқариш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 16 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 21 сентябрда маъқулланган

Мамлакатимизда давлат мулкини бошқариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш, давлат мулкини хусусийлаштириш ҳисобидан хусусий мулкчиликни кенгайтириш бўйича тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш, уларнинг фаолиятига замонавий корпоратив бошқарув принципларини жорий этиш, уларни ички ва ташқи бозорларда рақобатлашишга қодир бўлган самарали корхоналарга босқичма-босқич айлантириш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар негизида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар билан уйғунлаштириш орқали уларнинг ижроси самарали ташкил этилишини таъминлаш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонунда давлат мулкини гаровга қўйиш, баҳолаш ва оммавий савдоларга чиқариш, давлат мулки объектларини «ноль» харид қиймати бўйича реализация қилиш тартибини бекор қилиш, давлат иштирокидаги корхоналарнинг ҳомийликка сарфланадиган харажатларини, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш билан боғлиқ нормалар назарда тутилмоқда.

Ушбу Қонун давлат мулкини бошқариш соҳасини такомиллаштириш ҳамда махсус ваколатли органнинг ваколатлари ва устувор йўналишларини белгилаш орқали хусусий мулкчиликни кенгайтиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Гаров тўғрисида»**ги 736–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 614-I-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 96-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 156-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 10, 671-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 11, 1062-модда) **8-моддасининг олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат мулкида бўлган ва ҳеч кимга хўжалик юритиш ҳуқуқида бириктирилмаган мулк гарови тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади. Бунда хусусийлаштирилмайдиган давлат мулкини, шунингдек давлат ташкилотини хўжалик жамияти этиб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ва ушбу жараён якунлангунига қадар мазкур давлат ташкилотига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бириктирилган давлат мулкини гаровга беришга йўл қўйилмайди».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда) **саккизинчи бўлимининг ўнинчи хатбошисидаги** «устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти» деган сўзлар «устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши миқдори эллик фоиздан ортиқ бўлган ёхуд устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши миқдори хўжалик жамиятининг бошқа ҳар бир акциядори (иштирокчиси) улушига нисбатан кўп бўлган тижорат ташкилоти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган **«Баҳолаш фаолияти тўғрисида»**ги 811–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 208-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2009 йил, № 4, 135-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 6, 577-модда) **11-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

биринчи қисмнинг иккинчи хатбошисидаги «давлат тасарруфидан чиқариш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат ташкилоти хўжалик жамияти этиб ўзгартирилаётганда баҳолаш талаб этилмайди»;

иккинчи ва **учинчи қисмлар** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган **«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»**ги 310–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 7, 449-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 217-модда, № 4, 340-модда; 2023 йил, № 1, 1, 2-моддалар; 2024 йил, № 2, 110, 111-моддалар) **20-моддасига** қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

тўртинчи қисмнинг биринчи жумласи «бундан жамият уставида давлат улушини (улушнинг бир қисмини) оммавий савдолар орқали сотиш назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

олтинчи қисмнинг биринчи жумласи «бундан жамият уставида давлат улушини (улушнинг бир қисмини) оммавий савдолар орқали сотиш назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»**ги 712–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлда қабул қилинган ЎРҚ–483-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 428-модда; 2019 йил, № 11, 791-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 214-модда, № 4, 337-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда) **21-моддаси биринчи қисмининг ўнинчи хатбошисидаги** «шу жумладан давлат мулки объектларини «ноль» харид қиймати бўйича реализация қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 майда қабул қилинган **«Ҳомийлик тўғрисида»**ги ЎРҚ–96-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 5, 218-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 5, 464-модда) **5-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган хўжалик жамиятларининг ҳомийликка сарфланадиган ҳар йилги харажатлари ўтган йилда олинган соф фойданинг 3 фоизидан ошмаслиги керак ҳамда бу харажатлар улар бизнес-режасининг ўтган ҳисобот давридаги соф фойдага тааллуқли қисми кўрсаткичлари бажарилганда амалга оширилади, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳоллар мустасно».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган **«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»**ги ЎРҚ–163-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июнда қабул қилинган ЎРҚ–387-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг

Ахборотномаси, 2015 йил, № 6, 227-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 3, 166-модда, № 4, 199-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 10, 968, 973-моддалар; 2022 йил, № 3, 217-модда; 2023 йил, № 4, 272-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **3-модданинг қирқинчи хатбошисидаги** «давлат депозитарийси» деган сўзлар «ташкилот» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **38-модданинг**:

биринчи қисмидаги «давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилади ҳамда» деган сўзлар «акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади ҳамда ўз» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси хизматлари учун тарифларнинг миқдорлари жамият уставида белгиланган унинг ваколатли бошқарув органи томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда тасдиқланади».

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда; 2023 йил, № 9, 710-модда; 2024 йил, № 1, 5, 6, 7-моддалар, № 2, 101, 105, 107, 108, 111-моддалар) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **8-модда биринчи қисмининг 30-бандидаги** «Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш» деган сўзлар «Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **9-модда биринчи қисмининг 10-бандидаги** «Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш» деган сўзлар «Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **10-модда биринчи қисмининг 10^2-бандидаги** «Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш» деган сўзлар «Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрда қабул қилинган **«Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–641-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 594-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда) **34-моддаси бешинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «ноль» харид қиймати бўйича» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрда қабул қилинган **«Аҳоли бандлиги тўғрисида»**ги ЎРҚ–642-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 595-модда; 2021 йил, № 4, 287-модда, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570-модда, 10-сонга илова; 2023 йил, № 11, 923-модда;

2024 йил, № 2, 111-модда) **64-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«инвестиция лойиҳаларини ва хусусийлаштирилган ташкилотларни ривожлантиришнинг «йўл хариталари»ни амалга ошириш, фойдаланилмаётган хоналарни ва биноларни ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш учун инвестиция мажбуриятлари ҳамда ижтимоий мажбуриятлар шарти билан реализация қилиш ва давлат мулки объектларини ижарага бериш муносабати билан зарур иш ўринлари сонини аниқлаш асосида ҳисоб-китоб қилинади».

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 9 мартда қабул қилинган **«Давлат мулкини бошқариш тўғрисида»**ги ЎРҚ–821-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2023 йил, № 3, 183-модда; 2024 йил, № 2, 107-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **22-модда иккинчи қисмининг ўн биринчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда дивиденд сиёсатини белгилайди» деган сўзлар «давлат иштирокидаги корхоналарда самарали дивиденд сиёсати юритилишини мувофиқлаштиради» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **27-модданинг иккинчи қисмидаги** «Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш» деган сўзлар «Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **48-модда тўртинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат корхонасининг» деган сўзлар «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси акциядорлик жамиятининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

14-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 22 октябрь,
№ ЎРҚ–980.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ

1080 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 12 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 21 сентябрда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигига бозор механизмларини жорий этиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек сувдан тежамли ва самарали фойдаланиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга қуйи бўғинда сув билан таъминловчи ташкилотлар ва сув истеъмолчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солган ҳолда, сув ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш, шунингдек пахта хомашёси ва дон етиштиришдаги давлат буюртмаси амалиётини қонунчилик даражасида бекор қилиш йўли билан давлатнинг қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқаришдаги ролини янада камайтириш зарурияти мавжуд.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунларига Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги ирригация бўлимлари ҳамда махсус хизматлар негизида ташкил этилган «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаларининг вазифалари ва ваколатларини, шунингдек қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув олиш лимитлари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан тасдиқланишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб берилишини таъминлаш бўйича фермер хўжаликларининг мажбурияти ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга сув етказиб бериш хизматлари учун тўловлар бекор қилинмоқда.

Ушбу Қонун сув ресурсларини самарали бошқариш тизими жорий этилишига, қишлоқ хўжалигида эркин рақобатни таъминлашга ҳамда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатдорлигини оширишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган **«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»**ги 837–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4–5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2000 йил, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 11, 791-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда, № 11, 1065-модда; 2022 йил, № 11, 1061-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда;

2024 йил, № 1, 7-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **2^1-модданинг**:

ўн бешинчи хатбошисидаги «туманларнинг ирригация бўлимлари» деган сўзлар «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн тўққизинчи хатбошиси «сув етказиб бериш бўйича хизматлар» деган сўзлардан кейин «(бундан сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув етказиб бериш хизматлари мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **7-модда**:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«сув истеъмолчиларининг қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув олиш лимитларини ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда тасдиқлаш»;

тўртинчи – саккизинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи – тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) **27-модда учинчи қисмининг**:

тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сув истеъмолчилари уюшмаларига, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига – туман аҳамиятига молик сув объектларидан, шу жумладан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув объектларидан «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасалари томонидан берилади»;

бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

4) **30-модданинг**:

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа сув истеъмолчиларининг қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув олиш лимитлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва ҳудудий қишлоқ хўжалиги бошқармалари томонидан ишлаб чиқилади ҳамда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан тасдиқланади»;

олтинчи қисми «сувни етказиб бериш бўйича хизматлари» деган сўзлардан кейин «(бундан сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув етказиб бериш хизматлари мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **35^1-модда биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошиси** «сувни етказиб бериш бўйича хизматлар» деган сўзлардан кейин «(бундан сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув етказиб бериш хизматлари мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **48-модда**:

учинчи ва **тўртинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув истеъмоли режалари «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасалари томонидан тузилади ва тасдиқланади. «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасалари сув истеъмоли режаларини умумлаштиради ва сувдан фойдаланиш режаларини тузади.

«Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаларининг сувдан фойдаланиш режалари Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан умумлаштирилади»;

бешинчи қисмининг:

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаси туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими билан келишилган ҳолда – сув истеъмолчилари бўйича»;

учинчи хатбошисидаги «туман (Қувасой шаҳар) ирригация бўлими бўйича» деган сўзлар «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаси бўйича» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **53-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамоа боғлари, токзорлари, экинзорларини ва томорқа ер участкаларини сув билан таъминлаш белгиланган тартибда «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасалари томонидан сув етказиб бериш ва сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномага асосан амалга оширилади.

Фуқароларнинг экинзорларини ва томорқа ер участкаларини суғориш учун сув ресурсларини ажратиш халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан тасдиқланадиган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сув олиш лимитларида назарда тутилади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг экинзорларни ва томорқа ер участкаларини суғориш учун сувга бўлган эҳтиёжларини умумлаштиради, сув етказиб бериш ва сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш тўғрисида шартномалар тузади, улар ўртасидаги сувни истеъмол қилиш тартибини белгилайди, шунингдек суғориш тармоқларида таъмирлаш-тиклаш ишларини ташкил этади»;

8) **54-модданинг биринчи қисмидаги** «сув истеъмолчилари уюшмалари ҳамда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

9) **82-модданинг**:

иккинчи қисмидаги «Сув истеъмолчилари уюшмалари, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчиларнинг» деган сўзлар «Сувдан фойдаланувчиларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «сув истеъмолчилари уюшмалари ҳамда бошқа» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) **106-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** «сувни етказиб бериш бўйича хизматлар» деган сўзлардан кейин «(бундан сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув етказиб бериш хизматлари мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Фермер хўжалиги тўғрисида»**ги 602–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган 662–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 4, 199-модда, № 12, 886-модда; 2020 йил, № 1, 2-модда, № 9, 540-модда, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **6-модданинг иккинчи қисмидаги** «белгиланган тартибда» деган сўзлар «ушбу Қонуннинг 11-моддасида белгиланган тартибда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **15-модданинг матнидаги** «уларга хизмат кўрсатувчи сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан белгиланадиган» деган сўзлар «тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва ҳудудий қишлоқ хўжалиги бошқармалари томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан тасдиқланадиган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **17-модда биринчи қисмининг**:

саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўққизинчи – ўн саккизинчи хатбошилари тегишинча **саккизинчи – ўн еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

тўққизинчи ва **ўнинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сувни тежаш, сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини кўриши;

сув ресурсларидан «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаси билан тузилган сув етказиб бериш ва сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномага биноан фойдаланиши, шунингдек фермерлараро ички суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини, улардаги иншоотларни таъмирлаш ҳамда тиклашда иштирок этиши, уларни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаши, улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиши»;

4) **24-модданинг биринчи қисмидаги** «шу жумладан давлат эҳтиёжлари учун реализация қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **30-модданинг матнидаги** «давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот реализация қилиш шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **35-модданинг биринчи қисмидаги** «тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулоти назарда тутилган ҳажмларда етказиб берилишини таъминлаш бўйича, шунингдек» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги 69–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда қабул қилинган ЎРҚ–328-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 5, 133-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 384, 385-моддалар; 2018 йил, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 3, 166-модда, № 12, 886-модда; 2020 йил, № 1, 2-модда, № 11, 652-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 6, 577-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда) **28-моддасининг биринчи қисмидаги** «уларга хизмат кўрсатувчи сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан белгиланадиган» деган сўзлар «тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва ҳудудий қишлоқ хўжалиги бошқармалари томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан тасдиқланадиган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган

ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 9, 588-модда, № 11, 791-модда, № 12, 884, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 11, 652-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 803, 804-моддалар, № 10, 973-модда, № 12, 1198-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 6, 577-модда; 2023 йил, № 4, 272-модда, № 11, 923-модда) **72-моддаси 2-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «ирригация тизимларининг ҳавза бошқармалари ҳузуридаги туманлар (Қувасой шаҳри) ирригация бўлимларини» деган сўзлар «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 1 апрелда қабул қилинган **«Деҳқон хўжалиги тўғрисида»**ги ЎРҚ–680-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 286-модда; 2022 йил, № 11, 1061-модда; 2023 йил, № 11, 919-модда) **11-моддасининг биринчи қисмидаги** «унга хизмат кўрсатувчи сув истеъмолчилари уюшмаси томонидан белгиланадиган» деган сўзлар «тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва ҳудудий қишлоқ хўжалиги бошқармалари томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан тасдиқланадиган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 22 октябрь,
№ ЎРҚ–981.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ

1081 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 11 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 15 августда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Конституциявий Қонуннинг мақсади

Ушбу Конституциявий Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади) фаолиятини тартибга солишдан иборат.

2-модда. Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонунчилик

Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонунчилик Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Конституциявий Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

3-модда. Вазирлар Маҳкамасининг мақоми

Вазирлар Маҳкамаси – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ижро этувчи ҳокимиятнинг олий органи бўлиб, иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига раҳбарлик қилишни, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимиятнинг ягона тизимига раҳбарлик қиладиган коллегиал органдир.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятини ижро этувчи ҳокимият фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган асосий йўналишлари доирасида амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида жавобгардир.

4-модда. Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг мақоми

Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг яхлит тизимига вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекциялар киради.

Вазирлик тегишли соҳаларда ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқадиган ва амалга оширадиган, муайян йўналишда ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштирадиган, шунингдек тизим ичидаги раҳбарлик фаолиятини яккабошчилик асосида ташкил этадиган республика ижро этувчи ҳокимият органидир.

Қўмита тегишли соҳада тармоқ ичидаги фаолиятни мувофиқлаштирадиган ва тартибга соладиган ҳамда тизим ичидаги раҳбарлик фаолиятини коллегиаллик асосида ташкил этадиган, шунингдек вазирликнинг ташкилий бўйсунувида фаолият юритадиган республика ижро этувчи ҳокимият органидир.

Агентлик тегишли соҳада давлат хизматлари кўрсатилишини ва қонунчилик

*Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2024 йил 26 октябрда эълон қилинган.

ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқни қўллаш вазифаларини ўзининг асосий вазифаси сифатида амалга оширадиган, шунингдек вазирликнинг ташкилий бўйсунувида фаолият юритадиган республика ижро этувчи ҳокимият органидир.

Инспекция тегишли соҳалар ҳамда тармоқларда давлат назорати ва текширувини ўзининг асосий вазифаси сифатида амалга оширадиган, шунингдек вазирликнинг ташкилий бўйсунувида фаолият юритадиган республика ижро этувчи ҳокимият органидир.

Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ алоҳида мақомга эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентига ва (ёки) Вазирлар Маҳкамасига бўйсунадиган қўмиталар, агентликлар ва инспекциялар ташкил этилиши мумкин.

Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Вазирликларни ва бошқа республика ижро этувчи ҳокимият органларини тузиш ҳамда тугатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига асосан амалга оширилади.

5-модда. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий принциплари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги, инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, коллегиаллик, ҳокимият тармоқларининг бўлиниши ва ҳамкорлиги, шунингдек очиқлик ва шаффофлик Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий принципларидир.

2-боб. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби ва уни шакллантириш тартиби

6-модда. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг аъзолари – Ўзбекистон Республикаси Бош вазири (бундан буён матнда Бош вазир деб юритилади), унинг ўринбосарлари ва вазирлардан иборатдир. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

7-модда. Вазирлар Маҳкамасини шакллантириш тартиби

Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мансабдор шахслари сайлангандан ва органлари шаклангандан сўнг бир ой ичида ёки Бош вазир лавозимидан озод этилганидан кейин ёхуд Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг амалдаги таркиби истеъфога чиққанидан кейин бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) кўриб чиқиши ва маъқуллаши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан барча сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг тақдим этилади.

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилган Бош вазир номзодини тақдимнома киритилган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқади.

Бош вазир лавозимига номзод Қонунчилик палатасида унинг номзоди кўриб чиқилаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади.

Бош вазир номзоди унинг учун Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда маъқулланган ҳисобланади ва кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади.

Бош вазир лавозимига тақдим этилган номзод уч марта рад этилган тақдирда,

Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни тайинлайди ва Қонунчилик палатасини тарқатиб юборишга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари уларнинг номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Қонунчилик палатаси томонидан маъқулланганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади.

Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзод масъул қўмита, сиёсий партиялар фракциялари томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилганидан кейин Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилади ва маъқулланади.

Вазирлар Маҳкамаси аъзосининг лавозимига номзод унинг номзоди Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётганда ва маъқулланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракатлар дастури билан ўзаро боғлиқ бўлган, истиқболга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ва вазифаларга эришиш борасидаги ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник чораларни назарда тутувчи ҳаракатлар режасини тақдим этади.

Қонунчилик палатаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодни рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун янги номзодни киритади.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланганидан кейин ўз вазифаларини бажаришга киришади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз ташаббуси билан Бош вазирни, Вазирлар Маҳкамасининг амалдаги таркибини ёки аъзосини истеъфога чиқаришга ҳақли.

Бош вазир ва Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Қонунчилик палатасининг муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми, агар Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берса, қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш ва маъқуллашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Қонунчилик палатаси зарур бўлган ҳолларда ўз мажлисларида Бош вазирнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини қонунга мувофиқ парламент сўрови тартибида эшитиши мумкин.

Қонунчилик палатаси Вазирлар Маҳкамаси аъзосининг ўз фаолиятига оид масалалар юзасидан ҳисоботини эшитиши мумкин ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аъзосининг ҳисоботини эшитиш якунларига кўра Қонунчилик палатаси уни истеъфога чиқариш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига кўриб чиқиши учун таклиф киритишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзолари Қонунчилик палатасининг мажлисида Қонунчилик палатаси депутатларининг саволларига жавобларни тақдим этади («Ҳукумат соати»).

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, уларнинг қўмиталари ҳамда комиссиялари мажлисларида иштирок этиши мумкин.

Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари томонидан Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг айрим аъзолари фаолиятига тааллуқли масалалар қўйилган тақдирда, Бош вазир шу масалалар юзасидан зарур тушунтиришлар олиш ва тушунтиришлар беришга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати фаолияти масалаларига доир тавсиялари ва таклифларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан чора-тадбирлар кўради. Тавсиялар ва таклифларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида ҳамда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тегишли қўмиталарини ва комиссияларини келишилган муддатда хабардор қилади.

Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки унга бўйсунувчи республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятига тааллуқли бўлган парламент сўрови, Қонунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъзосининг шундай сўрови юборилган Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг аъзоси қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда жавоб тақдим этиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида кўриб чиқиладиган қонун лойиҳаларини, бошқа ҳужжатларни тайёрлаш борасида Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмаларининг, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари билан қонун ижодкорлиги фаолиятидаги ҳамкорлигини ташкил этиш, шунингдек қонунларнинг ижро этилиши устидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан парламент назоратини амалга оширишда Вазирлар Маҳкамасининг иштирок этишига кўмаклашиш учун Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги Ваколатли вакили фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги Ваколатли вакилининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунчиликда белгиланади.

40-модда. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Администрацияси билан ҳамкорлиги

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда унинг Администрацияси ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси халқига ҳамда Олий Мажлисига Мурожаатномасида баён этилган топшириқларнинг самарали ижро этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўради.

Бош вазир Ўзбекистон Республикаси Президентига вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини лавозимидан озод этиш тўғрисида таклифлар киритади.

Вазирлар Маҳкамасининг айрим масалаларга доир ҳужжатлари мажбурий тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти билан мажбурий тартибда келишиб олинадиган масалалар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Администрацияси билан ҳамкорлиги қонунчиликда назарда тутилган бошқа масалалар бўйича ҳам амалга оширилади.

41-модда. Вазирлар Маҳкамасининг суд ҳокимияти органлари билан ҳамкорлиги

Вазирлар Маҳкамаси судлар фаолиятини моддий-техника ва бошқа жиҳатдан таъминлашга кўмаклашади.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига унинг ваколатига тааллуқли масалаларни кўриб чиқиш учун киритиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисида Бош вазир ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири иштирок этиши мумкин.

42-модда. Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва куч ишлатишга ваколатли бўлган тузилмалар билан ҳамкорлиги

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатларини самарали амалга ошириш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва куч ишлатишга ваколатли бўлган тузилмалар билан ҳамкорлик қилади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва куч ишлатишга ваколатли бўлган тузилмалар фаолиятини молиявий ҳамда моддий-техник жиҳатдан таъминлайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва куч ишлатишга ваколатли бўлган тузилмалар раҳбарлари мазкур органлар ҳамда тузилмаларнинг фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Раёсатининг мажлисларида иштирок этиши мумкин.

43-модда. Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан ҳамкорлиги

Вазирлар Маҳкамаси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан ҳамкорлик қилади, унинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантириш масалаларига доир бошқа ҳужжатлар бажарилиши ҳақидаги маълумотларини эшитади;

Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифларини кўриб чиқади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан энг муҳим тармоқлараро ҳамда ҳудудий комплекс дастурларни амалга оширишда Қорақалпоғистон Республикасининг ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлайди, бунда юзага келадиган низоли масалаларни ҳал этади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига зид бўлган қарорлари ва фармойишларининг ижросини ўз ваколатлари доирасида тўхтатиб туришга ҳақли.

Қорақалпоғистон Республикасини иқтисодий, ижтимоий-маданий ривожлантиришга, унинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишга ва уларни муҳофаза қилишга тааллуқли масалалар Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳал этилаётганда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг фикри ҳисобга олинади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Доимий ваколатхонаси бўлади.

44-модда. Вазирлар Маҳкамасининг маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантиришни таъминлаш

билан боғлиқ масалаларда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳал этилиши талаб қилинадиган масалаларга доир таклифларини кўриб чиқади, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари бажарилишининг боришини назорат қилади, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларини таклиф қилишга ҳамда ушбу қарорлар ва фармойишлар амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботларни эшитишга ҳақли;

республика ижро этувчи ҳокимият органларининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан ҳамкорлигини таъминлайди, бунда юзага келадиган низоли масалаларни ҳал этади;

ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларини тасдиқлайди, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият девонлари ходимларининг чекланган сонини ва ушбу девонларнинг намунавий тузилмасини белгилайди;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қонунчиликка зид бўлган қарорлари ва фармойишлари ижросини тўхтатиб туришга ҳамда уларни бекор қилишга ҳақли, бундан хусусий мулк ҳуқуқининг, шунингдек ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши учун асос бўлган қарорлар ва фармойишлар мустасно.

45-модда. Вазирлар Маҳкамасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлиги

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади, қонунчиликка мувофиқ уларга зарур ёрдам кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг, сиёсий партияларнинг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг таклифларини кўриб чиқади.

8-боб. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги

46-модда. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг очиқлигини таъминлаш

Вазирлар Маҳкамаси «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ халқ билан очиқ мулоқотни таъминлайди, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишни ташкил этади.

Бош вазирнинг котибияти ва Бош вазир ўринбосарларининг котибиятлари жисмоний ва юридик шахсларнинг Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмаларига, республика ижро этувчи ҳокимият органларига ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига келиб тушган мурожаатлари билан ишлаш мониторингини ва таҳлилини амалга оширади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳолатини ўрганиш якунлари Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисларида ёки селектор йиғилишларида ҳар чоракда, шу жумладан тегишли мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш тўғрисида таклифлар киритган ҳолда кўриб чиқилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг самарали тизими фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси билан ҳамкорлик қилади.

47-модда. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш

Жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасига ҳамда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таъминланади.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида қуйидагилар орқали ўз фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш чора-тадбирларини кўради:

ўз расмий веб-сайтида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш ва янгилаб туриш;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини ёритиш.

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, шунингдек кўриб чиқиладиган масалалар муҳокамасига жамоатчиликни жалб этиш тартиби Бош вазир томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг расмий веб-сайтига ахборотни жойлаштириш ва янгилаб туриш Бош вазирнинг матбуот хизмати томонидан амалга оширилади.

9-боб. Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Бош вазир маслаҳатчисини, Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда ижтимоий таъминлаш

48-модда. Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Бош вазир маслаҳатчисини, Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларини моддий рағбатлантириш

Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг, Бош вазир маслаҳатчиси, Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларининг иш ҳақи лавозим маошидан ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат.

Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Бош вазир маслаҳатчисини, Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларини моддий рағбатлантириш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

49-модда. Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Бош вазир маслаҳатчисини, Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларини ижтимоий таъминлаш

Вазирлар Маҳкамаси аъзоларига, Бош вазир маслаҳатчисига ва Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларига ҳақ тўланадиган йиллик таътиллар берилади.

Ишлаш учун бошқа ҳудудлардан таклиф қилинган ҳамда Тошкент шаҳрида уй-жойга эга бўлмаган Вазирлар Маҳкамаси аъзоларига, Бош вазир маслаҳатчисига, Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари раҳбарларига ва ходимларига заруратга кўра уларнинг аризасига биноан лавозимда бўлиш вақтида хизмат уй-жойи берилади.

Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, Бош вазир маслаҳатчиси ва Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари ва ходимлари кафолатланган тиббий ёрдамдан ҳамда санаторий-соғломлаштириш хизматларидан фойдаланади.

Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмаларининг ходимлари учун аввалги иш жойида ҳарбий ва махсус унвонлар (мартаба даражалари, малака тоифалари, дипломатик даражалар ва бошқалар) учун берилган устамалар ва қўшимча тўловлар сақлаб қолинади.

Бош вазир ва унинг ўринбосарларининг, Бош вазир маслаҳатчисининг, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари ходимларининг Вазирлар Маҳкамасидаги узоқ муддатли хизматлари учун қўшимча устамалар белгилашда уларнинг бошқа ташкилотлардаги иш стажи (хизмат даври) инобатга олинади.

Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмаларининг ходимлари аввалги иш жойи бўйича ходимлар учун белгиланган барча имтиёзлар, моддий ва ижтимоий ҳимоя чораларидан Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмаларида амалда бўлган меҳнат шароитлари ҳисобга олинган ҳолда ҳамда лавозим маоши ва бошқа тўловлар миқдорлари сақланган ҳолда фойдаланади.

Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмаларида ишланган давр ҳарбий ва махсус унвонларни (мартаба даражаларини, малака тоифаларини, дипломатик даражаларни ва бошқаларни) олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади.

10-боб. Якунловчи қоидалар

50-модда. Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини молиялаштириш

Вазирлар Маҳкамасининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

51-модда. Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамаси мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш

Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва унинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

52-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»**ги 818–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 202-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»**ги 819–XII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 203-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 524–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 138-модда);

4) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 29 августда қабул

қилинган **«Янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»**ги 525–XII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 139-модда);

5) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган **«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–90-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда) **1-моддаси**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–194-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда) **10-моддаси**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–233-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 465-модда);

8) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 18 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–285-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 4, 101-модда) **2-моддаси**;

9) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–367-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 4, 86-модда) **1-моддаси**;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–372-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 130-модда) **3-моддаси**;

11) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–389-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 310-модда) 3-моддаси;

12) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–396-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 452-модда) **2-моддаси**;

13) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 23 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–411-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 276-модда) **3-моддаси**;

14) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 23 июлда қабул қилинган **«Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–486-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 431-модда) **6-моддаси**;

15) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 мартда қабул қилинган **«Ҳукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–527-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 3, 162-модда) **2-моддаси**;

16) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–591-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 885-модда);

17) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 3 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–653-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 12, 691-модда) **3-моддаси**;

18) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **23-моддаси**;

19) Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 29 апрелда қабул қилинган **«Давлат қарзи тўғрисида»**ги ЎРҚ–836-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2023 йил, № 4, 272-модда) **56-моддасининг 1-банди**.

53-модда. Ушбу Конституциявий Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Конституциявий Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

54-модда. Қонунчиликни ушбу Конституциявий Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Конституциявий Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Конституциявий Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

55-модда. Ушбу Конституциявий Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Конституциявий Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 25 октябрь,
№ ЎРҚ–982.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ

1082 Қозоғистон Республикаси, Қирғиз Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ёшларга оид сиёсатнинг умумий йўналишлари тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2023 йил 14 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 30 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 30 сентябрда маъқулланган

Қозоғистон Республикаси, Қирғиз Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ёшларга оид сиёсатнинг умумий йўналишлари тўғрисидаги Битим (Душанбе, 2023 йил 14 сентябрь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 25 октябрь,
№ ЎРҚ–983.

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2024 йил 29 октябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ

1083 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ерни ва ер ости бойликларини асраб қолишга ҳамда муҳофаза қилишга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 31 майда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 28 августда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда ерни ва ер ости бойликларини асраб қолиш ҳамда муҳофаза қилиш, шунингдек ер участкаларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга фойдали қазилмаларни рухсатномасиз қазиб олиш, хусусан, қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларнинг қонунга хилоф равишда қазиб олинишига чек қўйиш мақсадида мазкур қилмишларни содир этганлик учун жавобгарликни кучайтириш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимчалар киритилиб, фойдали қазилмаларни қонунга хилоф равишда қазиб олишни шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин такрор содир этганлик учун, шунингдек фойдали қазилмаларни олтин изловчилар усулида рухсатномасиз қазиб олганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида қурилиш ишларини амалга ошириш, шунингдек ер бериш тартибини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга нисбатан маъмурий баённома тузиш юзасидан ички ишлар органларига зарур ваколатлар берилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун ерни ва ер ости бойликларини асраб қолиш ҳамда муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини, шунингдек мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини таъминлашга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158,

166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда) қуйидаги мазмундаги **196^1** ва **196^2-моддалар** билан тўлдирилсин:

«196^1-модда. Фойдали қазилмаларни рухсатномасиз қазиб олиш

Фойдали қазилмаларни рухсатномасиз қазиб олиш, бундан ер ости сувлари ва дарёлар ўзанларида жойлашган фойдали қазилмалар мустасно, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

196^2-модда. Фойдали қазилмаларни олтин изловчилар усулида рухсатномасиз қазиб олиш

Фойдали қазилмаларни олтин изловчилар усулида рухсатномасиз қазиб олиш, бундан ер ости сувлари ва дарёлар ўзанларида жойлашган фойдали қазилмалар мустасно, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача

ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185-моддалар, № 4, 265, 269-моддалар, № 5, 319-модда, № 9, 713-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 115-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимча киритилсин:

1) **345-модданинг бешинчи қисмидаги** «193 – 197» рақамлари «193 – 196-моддаларида, 196^{1}-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 196^{2}-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 197-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **381[2]-модда биринчи қисмининг 1-банди** «186[2]-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлардан кейин «196[1]-моддаси биринчи қисмида, 196[2]-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 246-моддалар) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **70[2]-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фойдали қазилмаларни рухсатномасиз қазиб олиш, бундан ер ости сувлари ва дарёлар ўзанларида жойлашган фойдали қазилмалар мустасно, –

маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашёни ёки маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёсини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан етмиш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «70^2-моддасининг иккинчи қисмида» деган сўзлар «70^2-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **248-модда тўртинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «56^4, 63-моддаларида» деган сўзлар «56^4-моддасида, 60-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 60^1, 63, 66-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **260^1-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«260^1-модда. Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясига ушбу Кодекснинг 70-моддасида (бундан ер қаъридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги қисми мустасно), 71-моддасида (бундан табиатни муҳофаза қилиш қоидалари мустасно), 72-моддасида (ер ости сувларига доир қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима солиш тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга қуйидагилар ҳақли:

инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосари – базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда;

минтақавий инспекциялар бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари – базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш бараваригача миқдорда;

инспекторлар – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда.

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг мансабдор шахслари ушбу Кодекснинг 70^2-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади ҳамда ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун юборади»;

5) **287-модда биринчи қисмининг 1-бандидаги** «58, 61-моддаларида, 61^1-моддасининг биринчи қисмида, 63, 70^1» деган сўзлар «58-моддаларида, 60-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 60^1, 61-моддаларида, 61^1-моддасининг биринчи қисмида, 63, 66, 70^1» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 28 октябрь,
№ ЎРҚ–984.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ

1084 Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 16 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 20 сентябрда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда йўл ҳаракати қоидаларини янада такомиллаштириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга кичик ҳажмли электр двигателли транспорт воситалари ва индивидуал ҳаракатланиш воситаларининг оммалашуви туфайли улардан фойдаланиш билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўриш, шунингдек махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши факти тўғрисидаги маълумотни қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахсларга юборишнинг аниқ муддатларини белгилаш зарурати юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига кичик ҳажмли электр двигателли транспорт воситаларини ва индивидуал ҳаракатланиш воситаларини бошқариш вақтида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни белгилашни, шунингдек тез тиббий ёрдам ҳамда ёнғин-қутқарув бўлинмалари транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда содир этилган қоидабузарликлар юзасидан маъмурий ишларни ортиқча қоғозбозликни бартараф этиш мақсадида тугатиш тартиби жорий этилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилиши тўғрисидаги маълумот жарима солиш ҳақида қарор чиқаришга ваколатли бўлган шахсга қирқ саккиз соат ичида юборилмаган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш юритилмаслиги белгиланмоқда.

Ушбу Қонун йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга, шунингдек фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 246-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **17^1-модда**:

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тезкор ва махсус хизматларнинг транспорт воситалари, шунингдек улар кузатиб келаётган транспорт воситалари томонидан йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ имтиёздан фойдаланилган ҳолда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда ҳамда улар кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажарганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда ҳайдовчиларнинг маъмурий қоидабузарлиги охирги зарурат ҳолатида содир этилган деб топилади ва маъмурий иш ушбу Кодекснинг 271-моддасига мувофиқ тугатилади. Бунда тез тиббий ёрдам ва ёнғин-қутқарув бўлинмаларининг транспорт воситалари томонидан кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажарганликни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши талаб қилинмайди»;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги маълумот жарима солиш ҳақида қарор чиқаришга ваколатли бўлган шахсга йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган пайтдан эътиборан қирқ саккиз соат ичида юборилмаган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ушбу Кодекснинг 271-моддасига мувофиқ тугатилади»;

олтинчи қисми еттинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) **128-модда биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини пиёдалар йўлкаларидан юргизиши, йўл белгилари ёки йўлнинг қатнов қисмидаги чизиқлар билан белгилаб қўйилган талабларга риоя этмаслиги (бундан ушбу Кодекснинг 128^3-моддасида, 128^4-моддасининг биринчи қисмида, 128^5, 128^6 ва 130-моддаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно), одам ташиш, транспорт воситаларини қувиб ўтиш қоидаларини бузиши, юк автомобилларида йўлнинг четки чап қаторида ҳаракатланиши (бундан рухсат этилган ҳоллар мустасно), йўналишли транспорт воситалари тўхтайдиган бекатлардан ёки пиёдалар ўтиш жойларидан юриш, ташқи ёритиш асбобларидан фойдаланиш қоидаларини бузиши, худди шунингдек йўловчига ёки пиёдаларга лойқа сачратиши»;

3) **136-модда учинчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг скутерни, мопедни, велосипедни, индивидуал ҳаракатланиш воситасини, уловли аравани бошқариб бораётган шахс томонидан содир этилиши»;

4) **138-модда**:

биринчи қисмининг диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пиёдаларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, уларнинг йўлнинг ҳаракат қисмини белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиши, пиёдалар йўлнинг қатнов қисмида, шу жумладан пиёдалар ўтиш жойида ҳаракатланаётганда телефондан фойдаланиши, китобларни ёки даврий нашрларни ўқиши, видеоматериалларни томоша қилиши ҳамда аудиоматериалларни эшитиши, шунингдек эътиборни чалғитадиган бошқа электрон воситалардан фойдаланиши, шунингдек скутерлар, мопедлар ва велосипедларни, индивидуал ҳаракатланиш воситаларини, уловли аравани бошқариб бораётган шахсларнинг ҳамда йўлдан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, устунлик берувчи, тақиқловчи ёки

кўрсатма берувчи йўл белгилари талабларига риоя этмаслиги»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Белгиланган тартибда нур қайтаргичлар ва чироқлар билан жиҳозланмаган индивидуал ҳаракатланиш воситаларини, скутерлар, мопедлар, велосипедларни ҳамда уловли аравани бошқариш, шунингдек индивидуал ҳаракатланиш воситаларининг ва скутерларнинг ҳайдовчилари томонидан одамларни ташиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

бешинчи қисми олтинчи қисм деб ҳисоблансин;

олтинчи қисмининг диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Скутер, мопед, велосипедни, индивидуал ҳаракатланиш воситасини, уловли аравани бошқариб бораётган шахснинг алкоголли ичимлик, гиёҳвандлик моддаси таъсирида ёки ўзгача тарзда маст бўлган ҳолда йўл ҳаракати қоидаларини бузиши»;

5) **199-модда диспозициясининг ўзбекча матнидаги** «тиббий тез» деган сўзлар «тез тиббий» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **271-модда** қуйидаги мазмундаги **12** ва **13-бандлар** билан тўлдирилсин:

«12) йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган ҳолларда, транспорт воситасининг мулкдори тўғрисидаги маълумот мавжуд бўлмаса;

13) агар махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилиши тўғрисидаги маълумот жарима солиш ҳақида қарор чиқаришга ваколатли бўлган шахсга қирқ саккиз соат ичида юборилмаган бўлса»;

7) **283-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар фуқаро ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирмаса ҳамда унга жойнинг ўзида солинадиган жарима миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан ошмаса, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайди. Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун маъмурий баённома, жарима миқдоридан қатъи назар, тузилади, бундан ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ушбу Қонун 1-моддасининг 3 ва 4-бандларида назарда тутилган индивидуал ҳаракатланиш воситалари рўйхатини бир ойлик муддатда тасдиқласин ҳамда уларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқсин ва қабул қилсин;

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

Ҳудудлар боғдорчилик бўйича бир хил тур ва навларга ихтисослашмаганлиги натижасида маҳсулотлар экспортга сараланганда сифатли, экспортбоп маҳсулот ҳажми камлиги маълум бўлмоқда.

Саноатлашган боғларни яратиш учун тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали имтиёзли кредитлар ажратиш борасида ҳам бажарилиши зарур бўлган вазифалар мавжуд.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги соҳасини қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлар ажратишда боғ барпо этувчи жисмоний ва юридик шахслардан ортиқча ҳужжатлар ва кафилликлар талаб этилаётгани ушбу йўналишдаги ишларни тизимли йўлга қўйишга жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, «Парламент назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири И. Абдурахмоновнинг «Қишлоқ хўжалигида самарасиз боғлар ва бошқа экин ерлари ўрнида саноатлашган боғларни барпо этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасини қўллаб-қувватлашда имтиёзли кредитлар ажратиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида»ги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И. Абдурахмонов):

қишлоқ хўжалиги соҳасида янги иш ўринларини яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда даромадини ошириш мақсадида янги боғ ва узумзорларни 3 йил давомида парваришлаш ҳамда боғ барпо қилувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг ишчи ҳамда ходимларини ўргатиш шарти билан тайёр ҳолда топшириш борасидаги вазифалар ижросини ўз муддатида ва сифатли таъминлаш;

инвестициявий дастурларни боғдорчилик йўналишларига ҳам кенг жалб этиш ва ҳосилдорлиги паст бўлган экин ерлари ўрнида саноатлашган боғларни яратиш;

саноатлашган боғларни яратиш учун тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси орқали имтиёзли кредитлар ажратиш;

қишлоқ хўжалиги соҳасини қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлар ажратиш тизимини соддалаштириш чораларини кўрсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси қишлоқ хўжалигида самарасиз боғлар ва бошқа экин ерлари ўрнида саноатлашган боғларни барпо этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасини қўллаб-қувватлашда имтиёзли кредитлар ажратиш доирасида амалга оширилаётган ишлар устидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатсин.

4. Мазкур Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари А. Хаитов зиммасига юклатилсин.

5. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 18 октябрь,
№ 4988–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

1122 «Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида»ги ҚЛ–1200-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида («Экологик экспертиза ва атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисида»)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Экологик экспертиза ва атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисида»ги ҚЛ–1200-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси «Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида» деган янги ном билан иккинчи ўқишда қабул қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 18 октябрь,
№ 4989–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

1123 «Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинсин.

2. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилсин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мазкур Қонун юзасидан у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига келиб тушган кундан эътиборан олтмиш кун ичида қарор қабул қилмаган тақдирда, Қонун Ўзбекистон Республикасининг Президентига юборилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 18 октябрь,
№ 4990–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

1124 «Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида»ги ҚЛ–1207-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида («Банклардаги омонатларни ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Банклардаги омонатларни ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги ҚЛ–1207-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси «Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида» деган янги ном билан иккинчи ўқишда қабул қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 18 октябрь,
№ 4991–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

1125 «Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинсин.

2. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилсин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мазкур Қонун юзасидан у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига келиб тушган кундан эътиборан олтмиш кун ичида қарор қабул қилмаган тақдирда, Қонун Ўзбекистон Республикасининг Президентига юборилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 18 октябрь,
№ 4992–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

1126 «Микромолиялаштириш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1208-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида («Микромолиялаштириш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Микромолиялаштириш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1208-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси «Микромолиялаштириш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» деган янги ном билан иккинчи ўқишда қабул қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 18 октябрь,
№ 4993–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

1127 «Микромолиялаштириш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Микромолиялаштириш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинсин.

2. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилсин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мазкур Қонун юзасидан у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига келиб тушган кундан эътиборан олтмиш кун ичида қарор қабул қилмаган тақдирда, Қонун Ўзбекистон Республикасининг Президентига юборилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 18 октябрь,
№ 4994–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

1128 «Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида»ги ҚЛ–1217-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида»ги ҚЛ–1217-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 18 октябрь,
№ 4995–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

1129 «Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинсин.

2. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилсин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мазкур Қонун юзасидан у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига келиб тушган кундан эътиборан олтмиш кун ичида қарор қабул қилмаган тақдирда, Қонун Ўзбекистон Республикасининг Президентига юборилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 18 октябрь,
№ 4996–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

1130 «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1237-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида («Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1237-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» деган янги ном билан иккинчи ўқишда қабул қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 18 октябрь,
№ 4997–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

1131 «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинсин.

2. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилсин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мазкур Қонун юзасидан у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига келиб тушган кундан эътиборан олтмиш кун ичида қарор қабул қилмаган тақдирда, Қонун Ўзбекистон Республикасининг Президентига юборилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 18 октябрь,
№ 4998–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

1132 «Рус тили бўйича халқаро ташкилотни таъсис этиш тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2023 йил 13 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги ҚЛ–1245-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2024 йил 16 октябрда киритилган «Рус тили бўйича халқаро ташкилотни таъсис этиш тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2023 йил 13 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги ҚЛ–1245-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 18 октябрь,
№ 4999–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

1133 «Рус тили бўйича халқаро ташкилотни таъсис этиш тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2023 йил 13 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Рус тили бўйича халқаро ташкилотни таъсис этиш тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2023 йил 13 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинсин.

2. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилсин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мазкур Қонун юзасидан у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига келиб тушган кундан эътиборан олтмиш кун ичида қарор қабул қилмаган тақдирда, Қонун Ўзбекистон Республикасининг Президентига юборилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 18 октябрь,
№ 5000–IV.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

1

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

1134 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ташқи савдо операциялари бўйича валюта назоратини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ташқи савдо операцияларида муддати ўтган дебитор ва кредитор қарздорликларни ҳисоблаш, активларни репатриация қилиш муносабатларини тартибга солишни ҳамда божхона тўловларини кечиктириб тўлаш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

божхона тўловларини кечиктириб тўлаш муддатларини бирхиллаштириш ва уларнинг **120 кундан** ошмаслигини белгилаш;

ташқи савдо операцияларида муддати ўтган дебитор ва кредитор қарздорликларни ҳисоблаш ҳамда активларни репатриация қилиш тартибини такомиллаштириш.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ ПФ–156.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 14 октябрдаги ПФ–156-сонли Фармонига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5490-сонли Фармонига 2-илова қуйидаги мазмундаги 39-позиция билан тўлдирилсин:

«

39.	Божхона кодекси талаблари асосида божхона аудитини ўтказиш.	Божхона қўмитаси	Божхона кодексида белгиланган муддатлардан ошмаган ҳолда

».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5755-сонли Фармонининг 8-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5969-сонли Фармонининг 11-бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июндаги «Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–93-сонли Фармонида:

а) 7-бандниг «б» кичик банди учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«барча солиқларни (қўшилган қиймат солиғи ва солиқ агентлари сифатида тўланадиган солиқлар бундан мустасно) бир йилгача ва божхона тўловларини 120 кунгача муддатга таъминотсиз ва фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилади»;

б) 1-илованинг 3-позициясида:

«б» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

б)	Барча солиқларни (қўшилган қиймат солиғи ва солиқ агентлари сифатида тўланадиган солиқлар бундан мустасно) таъминотсиз ва фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш муддати.	3 ой	6 ой	12 ой

»;

қуйидаги мазмундаги «б^{1}» кичик банд билан тўлдирилсин:

«

б^{1})	Божхона тўловларини таъминотсиз ва фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш муддати.	60 кун	90 кун	120 кун

».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 февралдаги «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғида соғлом рақобат муҳитини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4969-сонли қарорининг 1-бандидаги «270» рақами «120» рақами билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги «Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–5017-сонли қарорининг 2-банди иккинчи хатбошисидаги «180» рақами «120» рақами билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–121-сонли қарори 6-бандидаги «180» рақами «120» рақами билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 февралдаги «Ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–73-сонли қарорининг 14-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 мартдаги «Аграр секторни замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–103-сонли қарори 1-банди учинчи хатбошисидаги «270» рақами «120» рақами билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 апрелдаги «Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–135-сонли қарорининг 9-банди учинчи хатбошисидаги «12 ой муддатга» сўзлари «120 кунга» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 9 февралдаги «Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–66-сонли қарорининг 10-бандидаги «270» рақами «120» рақами билан алмаштирилсин.

Изоҳ: илованинг 4 – 11-бандлари ушбу Фармон расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

1135 Давлат мулкини хусусийлаштириш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Хусусийлаштиришни жадаллаштириш ва иқтисодиётда хусусий мулкнинг улушини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

давлат акция пакетларини **хорижий инвесторларга** «Тошкент» РФБ савдолари орқали хорижий валютада сотиш ва улар бўйича тўловларни шартномада белгиланган валютада амалга ошириш;

махсус иқтисодий, кичик саноат, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарининг бош режасига мувофиқ, саноат зоналари инфратузилма билан таъминлангандан ва давлат қабул комиссияси томонидан қабул қилингандан сўнг улар ҳудудидаги ер участкаларини аукцион савдоларига чиқариш.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 16 октябрь,
№ ПФ–159.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 16 октябрдаги ПФ-159-сонли Фармонига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5177-сонли Фармонининг 3-банди иккинчи хатбошиси «амалга ошириш тақиқланади,» сўзларидан кейин «Тошкент» РФБ савдолари орқали давлат акция пакетларини хорижий инвесторларга сотиш ҳамда» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5495-сонли Фармони 8-бандида:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги «Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5666-сонли Фармони 4-бандининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2025 йил 1 февралдан бошлаб, бошланғич нархи базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн минг бараваригача бўлган давлат активларини, ер участкаларини (шу жумладан, ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини ва кўчма савдо жойларини) ҳамда давлат иштирокидаги корхоналарнинг мулкларини сотиш ва ижарага бериш бўйича ўтказиладиган электрон онлайн аукцион савдолари жараёнида иштирокчилар томонидан учинчи қадамдан бошлаб шахсий ҳисобварағида камида уларнинг нарх таклифига нисбатан амалдаги закалат миқдоридаги суммага эга бўлиш тартиби киритилади. Бунда ушбу маблағлар закалат сифатида ҳисобга олинади».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 июндаги «Махсус иқтисодий, кичик саноат, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–153-сонли Фармони қуйидаги мазмундаги 4^1-банд билан тўлдирилсин:

«4^1. Саноат зоналари бош режасига мувофиқ:

саноат зоналари инфратузилма билан таъминлангандан ва давлат қабул комиссияси томонидан қабул қилингандан сўнг улар ҳудудидаги ер участкалари аукцион савдоларига чиқарилади;

саноат зоналарида ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида хусусий инвесторларга Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда инфратузилма билан таъминлаш ишларини амалга оширишга рухсат берилади ҳамда кейинчалик ушбу харажатларни саноат зоналарининг маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тартиби жорий этилади».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги ПҚ–2200-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартибини соддалаштиришга қаратилган меъёр ва тадбирларнинг 5-банди иккинчи хатбошиси иккинчи жумласи чиқариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги

«Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–162-сонли қарорида:

а) 4-бандининг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2025 йил 1 февралдан бошлаб, бошланғич нархи базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн минг бараваригача бўлган давлат активларини, ер участкаларини (шу жумладан, ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини ва кўчма савдо жойларини) ҳамда давлат иштирокидаги корхоналарнинг мулкларини сотиш ва ижарага бериш бўйича ўтказиладиган электрон онлайн аукцион савдолари жараёнида иштирокчилар томонидан учинчи қадамдан бошлаб шахсий ҳисобварағида камида уларнинг нарх таклифига нисбатан амалдаги закалат миқдоридаги суммага эга бўлиш тартиби киритилади. Бунда ушбу маблағлар закалат сифатида ҳисобга олинади»;

б) 6-бандининг «б» кичик бандида:

иккинчи хатбоши «(бундан ер участкалари мустасно)» сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«тўловларни, миқдоридан қатъи назар, 5 йил ичида тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилади (бундан ер участкалари мустасно)»;

в) 2-иловада:

646-позиция чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги 1029-позиция билан тўлдирилсин:

«

1029.	Бино-иншоот	Яшнобод тумани, «Уйсозлар» МФЙ, Уйсозлар кўчаси 72-уй	1,6	2224	«Ҳудудгазтаъминот» АЖ	«Ҳудудгазтаъминот» АЖ

».

2

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

1136 Халқаро шартномаларга қўшилиш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасига мувофиқ:

1. Қуйидагиларга:

Умумжаҳон почта иттифоқининг умумий регламентига иккинчи қўшимча баённомага (Аддис-Абеба, 2018 йил 7 сентябрь);

Умумжаҳон почта иттифоқининг умумий регламентига учинчи қўшимча баённомага (Абиджан, 2021 йил 26 август);

Умумжаҳон почта конвенциясига (Абиджан, 2021 йил 26 август);

Умумжаҳон почта конвенциясига якуний баённомага (Абиджан, 2021 йил 26 август);

Почта тўлов хизматлари тўғрисидаги битимга (Абиджан, 2021 йил 26 август);

Почта тўлов хизматлари тўғрисидаги битимга якуний баённомага (Абиджан, 2021 йил 26 август) қўшилинсин.

2. Рақамли технологиялар вазирлиги мазкур халқаро шартномаларнинг амалга оширилиши учун масъул бўлган ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ташқи ишлар вазирлиги Умумжаҳон почта иттифоқи Халқаро бюросининг Бош директорига Ўзбекистон Республикасининг мазкур халқаро шартномаларга қўшилганлиги тўғрисида тегишли билдиришнома юборсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартномалар кучга киргандан кейин уларнинг қоидалари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 16 октябрь,
№ ПҚ–362.

3

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1137 «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг муҳофазасини кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1229-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг муҳофазасини кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1229-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари Х. Гаппоров, Ш. Абдухалимов, Қ. Жўраев, М. Ходжаева ва И. Хушвақтов томонидан 2024 йил 20 сентябрда киритилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг муҳофазасини кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1229-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4907–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1138 «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг муҳофазасини кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1229-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг муҳофазасини кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1229-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари Х. Гаппоров, Ш. Абдухалимов, Қ. Жўраев, М. Ходжаева ва И. Хушвақтов томонидан 2024 йил 20 сентябрда киритилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг муҳофазасини кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1229-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритилсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4908–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1139 «Нодавлат умумий ўрта таълим жараёнига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1230-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида

«Нодавлат умумий ўрта таълим жараёнига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлаш

мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1230-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2024 йил 24 сентябрда киритилган «Нодавлат умумий ўрта таълим жараёнига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1230-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4909–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1140 «Нодавлат умумий ўрта таълим жараёнига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1230-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида

«Нодавлат умумий ўрта таълим жараёнига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1230-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2024 йил 24 сентябрда киритилган «Нодавлат умумий ўрта таълим жараёнига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиришлар

ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1230-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритилсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4910–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1141 «Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1233-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисида

«Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1233-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2024 йил 30 сентябрда киритилган «Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1233-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4911–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1142 «Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1233-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисида

«Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1233-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2024 йил 30 сентябрда киритилган «Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1233-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритилсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4912–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1143 «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1237-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш

тўғрисида»ги ҚЛ–1237-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари И. Абдуллаев, Ш. Шарафутдинов, С. Хамидуллаев томонидан 2024 йил 7 октябрда киритилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1237-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4913–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1144 «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1237-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1237-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари И. Абдуллаев, Ш. Шарафутдинов, С. Хамидуллаев томонидан 2024 йил 7 октябрда киритилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1237-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритилсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4914–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1145 «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хизмат фаолиятига оид масалаларни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1238-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хизмат фаолиятига оид масалаларни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1238-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан томонидан 2024 йил 8 октябрда киритилган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хизмат фаолиятига оид масалаларни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1238-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4915–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1146 «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хизмат фаолиятига оид масалаларни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1238-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хизмат фаолиятига оид масалаларни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1238-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан 2024 йил 8 октябрда киритилган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хизмат фаолиятига оид масалаларни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1238-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритилсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4916–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1147 «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8 ва 9-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1239-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисида

«Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8 ва 9-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1239-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2024 йил 8 октябрда киритилган «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8 ва 9-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1239-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4917–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1148 «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8 ва 9-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1239-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисида

«Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8 ва 9-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1239-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2024 йил 8 октябрда киритилган «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8 ва 9-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1239-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритилсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4918–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1149 «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1240-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида

«Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1240-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2024 йил 8 октябрда киритилган «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1240-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4919–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1150 «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1240-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида

«Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1240-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2024 йил 8 октябрда киритилган «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1240-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритилсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4920–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1151 «Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида»ги ҚЛ–1209-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида

«Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида»ги ҚЛ–1209-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2024 йил 26 июлда киритилган «Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида»ги ҚЛ–1209-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритилсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4921–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1152 «Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1224-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида

«Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1224-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан 2024 йил 9 сентябрда киритилган «Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1224-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритилсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4922–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1153 «Паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1114-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисида («Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақида»)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 23 январда биринчи ўқишда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1114-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини «Паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун маъмурий жазолар либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» деган янги ном билан иккинчи ўқишда кўриб чиқишга доир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг таклифи маъқуллансин.

2. Мазкур қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4923–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1154 «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида»ги ҚЛ–1153-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида («Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтиши ва турар жойи бўйича хабардор қилиши тартиби тўғрисида»)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 20 августда биринчи ўқишда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтиши ва турар жойи бўйича хабардор қилиши тартиби тўғрисида»ги ҚЛ–1153-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида» деган янги ном билан иккинчи ўқишда кўриб чиқишга доир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг таклифи маъқуллансин.

2. Мазкур қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4924–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1155 «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги ҚЛ–1203-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 6 августда биринчи ўқишда қабул қилинган «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги ҚЛ–1203-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишга доир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг таклифи маъқуллансин.

2. Мазкур қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4925–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1156 «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1218-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 27 августда биринчи ўқишда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1218-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишга доир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг таклифи маъқуллансин.

2. Мазкур қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4926–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1157 «Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1223-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 17 сентябрда биринчи ўқишда қабул қилинган «Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1223-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишга доир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг таклифи маъқуллансин.

2. Мазкур қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4927–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1158 «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси «Паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1114-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ҳамда «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида»ги ҚЛ–1153-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида» деган янги ном билан битта қонун лойиҳасига бирлаштирсин.

2. Мазкур қонун лойиҳаси кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4928–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1159 «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1227-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ҳамда «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8 ва 9-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1239-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида» деган янги ном билан битта қонун лойиҳасига бирлаштирсин.

2. Мазкур қонун лойиҳаси кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4929–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1160 «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси «Нодавлат умумий ўрта таълим жараёнига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1230-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1240-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» деган янги ном билан битта қонун лойиҳасига бирлаштирсин.

2. Мазкур қонун лойиҳаси кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4930–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1161 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисини ўтказиш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 16-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси 2024 йил 15 октябрь куни ўтказилиши белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби лойиҳасига қуйидаги масалалар киритилсин:

«Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги ҚЛ–1203-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш);

«Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1218-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш);

«Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1223-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш);

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида»ги ҚЛ–1153-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида («Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги

бўлмаган шахсларнинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтиши ва турар жойи бўйича хабардор қилиши тартиби тўғрисида») (иккинчи ўқиш);

«Паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1114-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисида («Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақида») (иккинчи ўқиш);

ҚЛ–1114 ва ҚЛ–1153-сонли Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини бирлаштириш тўғрисида;

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳақида;

«Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида»ги ҚЛ–1209-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш);

«Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1224-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш);

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг муҳофазасини кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1229-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш);

«Нодавлат умумий ўрта таълим жараёнига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1230-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш);

«Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1240-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш);

ҚЛ–1230 ва ҚЛ–1240-сонли Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини бирлаштириш тўғрисида;

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳақида;

«Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1233-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқиш);

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1237-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш);

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хизмат фаолиятига оид масалаларни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар

киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1238-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш);

«Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8 ва 9-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1239-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқиш);

ҚЛ–1227 ва ҚЛ–1239-сонли Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини бирлаштириш тўғрисида;

«Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тўғрисида;

«Яйлов ерларидан самарали фойдаланиш, уларда озуқабоп экинларни етиштириш ҳамда пиллачилик соҳасини ривожлантириш мақсадида янги тутзорларни барпо этиш, шунингдек соҳада кластер тизими асосида иш ўринларини яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг парламент сўровига Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири И. Абдурахмоновнинг жавоби ҳақида;

«Олий таълим муассасалари ва уларнинг қошида «спин-офф» тажриба ишлаб чиқариш корхоналарини самарали ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг парламент сўровига Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири К. Шариповнинг жавоби ҳақида.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4931–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1162 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасининг 2024 йил тўққиз ойидаги фаолияти тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасининг (бундан буён матнда Қўмита деб юритилади) 2024 йил тўққиз ойидаги фаолияти тўғрисидаги ахборотини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши таъкидлайдики, ҳисобот даврида Қўмита томонидан қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини оширишга, қонун лойиҳаларини тайёрлашда халқаро тажрибадан унумли фойдаланган ҳолда мамлакатимизда рақамлаштириш йўналишидаги ислоҳотларни давом эттиришга

ҳамда соҳага оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан таъсирчан парламент назоратини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳисобот даврида Қўмита томонидан мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек соҳани бугунги кун талаблари даражасида тараққий эттиришга қаратилган тадбирларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилган.

Ўтган даврда Қўмита 8 та қонун лойиҳасига масъул бўлиб, ушбу қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳамда маромига етказиш мақсадида ишчи гуруҳнинг 28 та ҳамда Қўмита ҳузуридаги эксперт гуруҳининг 4 та йиғилиши ўтказилган. Қонун лойиҳаларини такомиллаштириш ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишда инновациялар, рақамли технологиялар соҳаси ва фуқаролик жамиятининг бошқа институти вакилларидан иборат бўлган эксперт гуруҳи имкониятларидан самарали фойдаланилган.

Давлат органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш ҳамда қонун ҳужжатларининг ижроси ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш бўйича Қўмита томонидан 8 та парламент назорати тадбирлари ўтказилган. Улардан 6 таси давлат органлари раҳбарларининг ахборотини эшитишга, 2 таси қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини ўрганишга қаратилди.

Жумладан, Қўмита томонидан «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган барча лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларининг «Лицензия» ахборот тизимига тўлиқ киритилиш ҳолати юзасидан амалга оширилаётган ишларни ўрганиш юзасидан назорат-таҳлил тадбири ўтказилган. Тадбирда давлат органларининг ушбу соҳадаги ваколатлари ва мажбуриятлари, шунингдек лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини ўрганишга эътибор қаратилган. «Лицензия» ахборот тизимида барча турдаги лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилишга доир хизматларни ишга тушириш бўйича амалга оширилаётган ишларни якунига етказиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тегишли тавсиялар берилган. Ўрганиш якунлари Қўмитанинг кенгайтирилган йиғилишида соҳа мутасаддилари иштирокида кўриб чиқилиб, Қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинган.

Бундан ташқари Қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлигининг «Рақамли инфратузилмани ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати» юзасидан ахбороти эшитилган. Эшитув якунида Қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинган.

Қўмита томонидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Тиббиёт соҳасида рақамли технологияларни кенг жорий қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар» юзасидан ахбороти эшитилган. Эшитувда соғлиқни сақлаш соҳасини рақамлаштириш ва ахборот тизимлари ягона комплексини жорий этиш, электрон рецепт тизимини такомиллаштириш ва кенг жорий этиш ҳамда нархларга риоя этилишини онлайн кузатишнинг ахборот тизимини яратиш бўйича амалга оширилган ишлар муҳокама қилинган. Шунингдек, марказлашган корпоратив тармоқ ташкил этиш ва стационар тиббиёт муассасаларида локал тармоқ қуриш ишларини якунига етказиш, ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш ҳамда фойдаланиш учун қулай бўлган дастурларни жорий этиш ва тиббиёт тизимини ягона интеграциялашган платформага ўтказиш каби таклифлар

кўриб чиқилган.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири Ш. Шерматовга «Электрон ҳукумат» тизимининг янги босқичига – «Рақамли ҳукумат» тизимига ўтиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг парламент сўрови юборилган. Ушбу парламент сўрови юзасидан юборилган жавоб қўмитада ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялар мажлисларида атрофлича муҳокама қилинган ва тегишли Қарор қабул қилинган.

Қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг «Электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, давлат органлари иш фаолиятини рақамли форматга ўтказиш, ижтимоий соҳа объектларини Интернет тармоғига улаш ҳолати» юзасидан депутатларнинг саволларига жавобларни эшитиш ташкил этилган. Унда давлат органларида рақамлаштириш ишларини тизимли ташкил этиш, давлат хизматчилари томонидан давлат органларига тегишли ахборот тизимларидан фойдаланишда шахсга доир маълумотларнинг ҳимояланишини таъминлаш, узоқ муддатга хизмат қиладиган ахборот тизимларини жорий қилиш, барча умумтаълим мактабларида Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни йўлга қўйиш юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар берилган.

Қўмитага ҳисобот даврида жами 136 та мурожаат келиб тушган. Ушбу мурожаатлар белгиланган тартибда Қўмита аъзолари томонидан кўриб чиқилган ҳамда фуқаролар томонидан кўтарилган муаммоларни мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ҳал этиш чоралари кўрилган.

Қўмита фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти, назорат-таҳлил тадбирларининг натижалари, парламент фаолияти тўғрисидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан самарали хамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, ҳисобот даврида Қўмита аъзолари томонидан телевидение орқали 85 маротаба, радио орқали 16 маротаба, газета, журналларда 59 маротаба ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтларда 111 маротаба ҳамда ижтимоий тармоқларда 898 маротаба чиқишлар қилинган.

Шу билан бирга Қўмитанинг ўтган даврдаги фаолияти таҳлили бу борада ҳали ўз ечимини кутаётган айрим масалалар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари билан амалий ҳамкорликни янада кучайтириш, Қўмита ташаббуси билан ўтказилган парламент назорати тадбирлари якунлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг ижроси устидан доимий равишда мониторинг олиб бориш, Қўмита ҳузуридаги эксперт гуруҳи аъзоларини қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва назорат-таҳлил тадбирларига янада кенгроқ жалб этиш лозим.

Юқоридаги баён этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасининг 2024 йил тўққиз ойидаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси:

Қўмита аъзоларининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш;

Қўмита томонидан кўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари муҳокамаларига ва ўтказилаётган назорат-таҳлил тадбирларига Қўмита ҳузуридаги эксперт гуруҳи аъзоларини жалб этиб бориш;

Қўмита фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг Қўмитага юборилган мурожаатларида кўтарилган масалаларни мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан кўриб чиқилиши устидан назоратни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ–37-сонли Фармонининг Қўмита фаолиятига тааллуқли бўлган бандлари ижро этилиши устидан таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш чораларини кўрсин.

3. Ушбу Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари А. Қодиров зиммасига юклатилсин.

4. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4932–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1163 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг 2024 йил тўққиз ойидаги фаолияти тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг (бундан буён матнда Қўмита деб юритилади) 2024 йил тўққиз ойидаги фаолияти тўғрисидаги ахборотини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши таъкидлайдики, Қўмита томонидан ижтимоий соҳадаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат муносабатларини тартибга солишга доир қонун ҳужжатлари ижросини мунтазам назорат қилиб бориш, сайловчилар билан доимий мулоқот ўрнатиш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

Хусусан, ҳисобот даврида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жараёнларини

такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган 10 та қонун лойиҳаси кўриб чиқилиб, шундан 8 таси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) томонидан қабул қилинган.

Қонун лойиҳаларини маромига етказиш ҳамда уларнинг ҳар жиҳатдан пишиқ ва мукаммал бўлишини таъминлаш мақсадида қўмита масъул бўлган қонун лойиҳалари муҳокамаси бўйича жами 32 та ишчи гуруҳ ва 9 та экспертлар гуруҳи йиғилишлари ташкил этилган.

Ҳисобот даврида Қўмита томонидан жами 8 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилган. Улардан 4 таси вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотини эшитишга, 4 таси қонун ҳужжатларининг ижро этилиш ҳолатини ўрганишга ҳамда Қонунчилик палатаси ва Қўмита қарорларининг ижросини мониторинг қилишга оид тадбирлардир.

Бундан ташқари Қўмита масъуллигида Ўзбекистон ХДП фракцияси билан биргаликда жорий йилнинг 7 май куни Қонунчилик палатасининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири И. Маҳкамовнинг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қулай ва хавфсиз транспорт орқали чет давлатларга етиб боришида шарт-шароитларни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида»ги ахбороти эшитилди.

Шунингдек Қўмита ташаббуси билан жорий йилнинг 21 май куни Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б. Мусаевга «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий этиш ҳамда меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларни реинтеграция қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида» парламент сўрови юборилган.

Ўтган даврда Қўмита томонидан қонун лойиҳалари муҳокамасига, мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя ва бандлик соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг аҳамиятини сайловчиларга етказишга, тегишли тармоқ ва соҳалардаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган 18 та давра суҳбати, 21 та семинар, 1 та конференция ва 2 та матбуот анжумани ўтказилган.

Қўмита аъзолари номига жисмоний ва юридик шахслардан келган жами 263 та мурожаат «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ белгиланган тартибда кўриб чиқилган.

Қўмита фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, назорат-таҳлил тадбирлари якунлари ҳамда Қўмита масъуллигида кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳиятини аҳолига мунтазам равишда етказиб бориш мақсадида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда 1 960 марта чиқиш қилинган.

Шу билан бирга ўтган даврда амалга оширилган ишлар таҳлили Қўмита фаолиятини самарали ташкил этишда эътибор қаратилиши лозим бўлган айрим масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги вазифаларнинг бажарилиши ҳолати юзасидан назорат-таҳлил тадбирларини янада кучайтириш ва уларнинг натижадорлигини ошириш лозим.

Шунингдек Қўмита масъуллигида кўриб чиқилган ва қабул қилинган қонунларни мониторинг қилган ҳолда уларда белгиланган қонуности ҳужжатларнинг ўз вақтида қабул қилиниши борасида вазирликлар ва ташкилотларнинг масъулиятини оширишга қаратилган ишларни янада кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, давлат дастурлари ҳамда Қонунчилик палатаси қарорларидаги Қўмита фаолиятига тааллуқли бўлган масалаларнинг ижро этилиши устидан таъсирчан парламент назоратини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Қўмитанинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, қонун лойиҳаларининг ва назорат-таҳлил тадбирларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш борасидаги фаолиятини тизимли ташкил этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг 2024 йил тўққиз ойидаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасига:

республика ҳудудларида янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги вазифалар ижроси юзасидан назорат-таҳлил тадбирларини кучайтириш;

қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Қўмита масъуллигида бўлган қонун лойиҳаларини маромига етказишда, назорат-таҳлил тадбирларини ўтказишда доимий равишда кенг жамоатчиликни, соҳа мутахассисларини ва экспертларни жалб этиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўтарилаётган долзарб муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, уларнинг юзага келиш сабабларини ўрганиш, кўтарилган масалаларга ечим топиш борасида тегишли давлат органлари томонидан кўрилаётган чоралар устидан таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш;

қабул қилинган қонун ҳужжатларининг, шу жумладан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида белгиланган қонуности ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши борасида тегишли вазирликлар ва ташкилотларнинг масъулиятини оширишга қаратилган ишларни янада кучайтириш;

Қўмита фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш, шунингдек кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларининг ва ўтказилаётган назорат-таҳлил тадбирларининг мазмун-моҳиятини доимий равишда жамоатчиликка етказиш чораларини кўриш тавсия этилсин.

3. Ушбу Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У. Иноятов зиммасига юклатилсин.

4. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4933–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1164 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг 2024 йил тўққиз ойи давомидаги фаолияти тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг (бундан буён матнда Қўмита деб юритилади) 2024 йил тўққиз ойи давомидаги фаолияти тўғрисидаги ахборотини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши таъкидлайдики, ҳисобот даврида Қўмита томонидан, аввало, қўшни мамлакатлар билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда очиқ, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи ҳамкорликка қаратилган сиёсат олиб боришда парламентнинг ролини ошириш баробарида хорижий мамлакатларнинг парламентлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада жадаллаштириш каби муҳим йўналишларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратилди.

Ўтган давр мобайнида қонун ижодкорлиги фаолияти йўналишида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси 10 та қонун лойиҳасига масъул бўлди. Қўмита фаолияти давомида ўз масъуллигида қабул қилинган қонунларнинг амалдаги ижро ҳолати қай даражада эканлигини мониторинг қилиш, шунингдек парламент назорати шаклларидан тўлиқ фойдаланиш ҳамда депутатлар ташаббуси орқали тайёрланиши режалаштирилган қонун лойиҳалари ва парламент сўрови лойиҳаларининг устида янада фаолроқ ишлади.

Ҳисобот даврида Қўмита томонидан парламент назоратини амалга ошириш йўналишида 7 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилган. Хусусан, халқаро муносабатлар доирасида амалга оширилган олий даражадаги ташрифлар якунлари бўйича эришилган келишувлар ва имзоланган «йўл хариталари»нинг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Туризм қўмитаси раҳбарларининг ахбороти Қўмита йиғилишларида эшитилган.

Ўтган даврда Қўмита масъуллигида тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг хорижий мамлакатлар ҳамда уларнинг парламентлари билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга қаратилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари вакиллари номзодлари Қўшилмаслик ҳаракати Парламент тармоғининг Доимий қўмиталари аъзолигига тасдиқлаш тўғрисида»ги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бухоро декларацияси (2022 йил 19 май, Бухоро) принципларини ва ёндашувларини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Баёноти ҳақида»ги ҳамда «Хива шаҳрида Марказий Осиё давлатларининг иккинчи парламентлараро форумини ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашларининг 2 та Қўшма қарори қабул қилинди.

Шу билан бирга Қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси делегацияси томонидан Малайзияга амалга оширилган расмий ташриф якунлари бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Ўтган даврда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида хорижий мамлакатлар парламентлари, парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари, халқаро ташкилотлар ҳамда мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик

корпус вакилларидан иборат 38 та чет эл делегацияси қабул қилинган. Улардан 8 таси мамлакатимизда аккредитациядан ўтган элчихоналар ҳамда 30 таси халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар парламентлари ва ташкилотлари вакилларидан иборат делегациялардир. Ҳисобот даврида депутатлар Парламентлараро иттифоқ, Туркий давлатлар Парламент Ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси каби нуфузли парламентлараро ташкилотлар томонидан ўтказилган тадбирларда фаол иштирок этди.

Шунингдек Қўмита ташаббуси билан Парламентлараро Ҳамкорлик кенгаши аъзолари иштирокида «Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларида Ўзбекистон ва Қозоғистон тажрибаси», «Ўзбекистон ва Хитой: ўзаро иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик ривожи ва истиқболдаги режалар», «Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари», «Ўзбекистон ва Жаҳон савдо ташкилоти» ҳамда «Ўзбекистон ва Хитой: ҳамкорлик истиқболлари» мавзусида халқаро давра суҳбатлари ўтказилди.

Бундан ташқари Қўмита хорижий давлатлар парламентлари билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш доирасида депутатлар учун 69 та хориж давлатига хизмат сафарларини самарали ташкил этиш юзасидан фаолият олиб борган.

Қўмита аъзолари томонидан ташқи сиёсий фаолият, халқаро муносабатлар, парламентлараро ҳамкорлик ва бошқа масалалар бўйича оммавий ахборот воситаларида жами 901 марта чиқиш амалга оширилган. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан хорижий мамлакатларга амалга оширилган олий даражадаги давлат, расмий ва амалий ташрифлар чоғида эришилган келишувлар ҳамда имзоланган ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказишга алоҳида эътибор қаратилган.

Қўмитага ҳисобот даврида жами 134 та мурожаат келиб тушган. Ушбу мурожаатлар белгиланган тартибда Қўмита аъзолари томонидан кўриб чиқилган ҳамда фуқаролар томонидан кўтарилган муаммоларни мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ҳал этиш чоралари кўрилган.

Қўмита фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти, назорат-таҳлил тадбирларининг натижалари, парламент фаолияти тўғрисида кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан самарали хамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, ҳисобот даврида Қўмита аъзолари томонидан телевидение орқали 110 маротаба, радио орқали 25 маротаба, газета, журналларда 102 маротаба ва Интернет нашрларида 200 маротаба ҳамда ижтимоий тармоқларда 464 та чиқишлар қилинган.

Шу билан бирга Қўмита томонидан амалга оширилган ишларнинг таҳлили унинг фаолиятида ўз ечимини кутаётган қатор масалалар мавжудлигини, уларга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижини янада яхшилашга қаратилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, қонун ташаббускорлиги борасидаги таклифларни кўпайтириш, қонунларнинг жойларда ижро этилиши ҳолатини назорат-таҳлил тартибида ўрганишга доир ишларни янада кенгайтириш талаб этилмоқда.

Парламент назорати тадбирлари якунлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг ижросини доимий мониторинг қилиб бориш ҳам муҳим вазифалардандир.

Шунингдек, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиш самарадорлигини

янада ошириш, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари билан амалий ҳамкорликни янада кучайтириш, Қўмита ташаббуси билан ўтказилган парламент назорати тадбирлари якунлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг ижросини доимий равишда мониторинг қилиб бориш, Қўмита ҳузуридаги экспертлар гуруҳи аъзоларини қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва назорат-таҳлил тадбирларига янада кенгроқ жалб этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг тўққиз ойидаги фаолияти тўғрисидаги ахборотини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг жорий йил тўққиз ойи давомида амалга оширилган ишлари тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасига:

қонун лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида халқаро тажрибадан унумли фойдаланиш ҳамда уларнинг халқаро шартномаларда белгиланган талаблар ва стандартларга мос келишини ўрганиш;

назорат-таҳлил тадбирлари доирасида қабул қилинган қарорларнинг ижро этилиши ҳолатини доимий равишда мониторинг қилиб бориш ва амалиётда учраётган муаммоларни ҳал этиш борасида мутасадди вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар томонидан амалга оширилаётган ишлар устидан таъсирчан парламент назоратини олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг хорижий мамлакатлар парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро тузилмаларининг самарали фаолият олиб боришига доир, шунингдек юқори ва олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш юзасидан қабул қилинган «йўл хариталари»да белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, икки томонлама ва кўп томонлама парламентлараро ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини жаҳон ҳамжамиятига етказиш мақсадида парламентлараро ҳамкорлик алоқаларини ҳамда ўзаро мулоқотларни фаоллаштириш чораларини кўриш тавсия этилсин.

3. Ушбу Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов зиммасига юклатилсин.

4. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4934–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1165 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг 2024 йил тўққиз ойидаги фаолияти тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг (бундан буён матнда Қўмита деб юритилади) 2024 йил тўққиз ойидаги фаолияти тўғрисидаги ахборотини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши таъкидлайдики, Қўмита томонидан саноат, савдо, транспорт, энергетика, қурилиш ва уй-жой коммунал, шаҳарсозлик, тоғ-кон ва геология каби қатор муҳим соҳалардаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, қонунчилик ҳужжатлари ижросини доимий назорат қилиш, сайловчилар билан тизимли мулоқот ўрнатиш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

Хусусан, ҳисобот даврида мамлакатимизда саноат, савдо, транспорт, қурилиш, энергетика ва тоғ-кон ва геология соҳаларини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган 13 та қонун лойиҳаси кўриб чиқилиб, шундан 13 таси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) томонидан қабул қилинган.

Қонун лойиҳаларини маромига етказиш ҳамда уларнинг ҳар жиҳатдан пишиқ ва мукаммал бўлишини таъминлаш мақсадида қўмита масъул бўлган қонун лойиҳалари муҳокамаси бўйича жами 59 та ишчи гуруҳ ва 9 та экспертлар гуруҳи йиғилишлари ташкил этилган.

Ҳисобот даврида Қўмита томонидан жами 14 та назорат-таҳлил тадбири ташкил этилган. Улардан 12 таси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитишга, 2 таси қонун ва қонуности ҳужжатларининг ижро этилиш ҳолатини ўрганишга, шунингдек 1 таси Қўмита қарорининг ижросини мониторинг қилишга оид тадбирлардир.

Шунингдек ўтган даврда мансабдор шахсларга асослантирилган тушунтириш бериш талаби билан Қўмита таклифига мувофиқ 2 та парламент сўрови юборилди. Ушбу парламент сўровларига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. Ходжаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б. Закиров томонидан асослантирилган жавоблар олинди.

Бундан ташқари Қўмитанинг 2024 йил тўққиз ойлиги фаолияти даврида Қонунчилик палатасида ўтказилган 2 та «ҳукумат соати»ни юқори савияда ташкил этиш чоралари кўрилди. Мазкур «ҳукумат соати» тадбирларида Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л. Қудратовнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири в.б. Ш. Хидоятовнинг Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан берилган саволларга жавоблари эшитилди.

Ўтган даврда Қўмита томонидан қонун лойиҳалари муҳокамасига, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказишга, тегишли тармоқ ва соҳалардаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган 7 та давра суҳбати, 4 та семинар, 1 та конференция ва 1 та матбуот анжумани ўтказилган.

Қўмита аъзолари номига жисмоний ва юридик шахслардан келган жами 402 та мурожаат «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ белгиланган тартибда кўриб чиқилган.

Қўмита фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, назорат-таҳлил тадбирлари якунлари ҳамда Қўмита масъуллигида кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳиятини аҳолига мунтазам равишда етказиб бориш мақсадида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда 1 952 марта чиқиш қилинган.

Шу билан бирга ўтган даврда амалга оширилган ишлар таҳлили Қўмита фаолиятини самарали ташкил этишда эътибор қаратилиши лозим бўлган айрим масалалар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада электр энергияси истеъмоли самарадорлигини ошириш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни янада ривожлантириш, аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатиш сифатини ошириш, экспортни рағбатлантириш ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек шаҳарсозлик соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси юзасидан парламент назоратини янада кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Қўмита масъуллигида кўриб чиқилган ва қабул қилинган янги қонунлар ижросини таъминлаш учун қонун ости ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан доимий мониторингни амалга ошириш лозим.

Қўмитанинг фаолиятидан келиб чиқиб, амалдаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш, шу жумладан қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Қўмита аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Қонунчилик палатасига киритиш борасидаги ишларни самарали ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, давлат дастурлари ҳамда Қонунчилик палатаси қарорларидаги Қўмита фаолиятига тааллуқли бўлган вазифаларнинг ижро этилиши устидан таъсирчан парламент назоратини амалга оширишга эътибор қаратиш муҳим.

Қўмитанинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳамда қонун лойиҳалари ва назорат-таҳлил тадбирларининг мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказиш борасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг 2024 йил тўққиз ойидаги фаолияти тўғрисидаги ахборот маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасига:

қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва маромига етказишда, назорат-таҳлил тадбирларини ўтказишда соҳа мутахассисларини ва экспертларни жалб қилиш;

2025 йилда қурилиш соҳасида, хусусан қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари тармоғини ривожлантириш борасида жойларда олиб борилаётган ишларнинг ҳолатини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш, натижаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг

ахборотини Қонунчилик палатасининг мажлисида эшитиш;

иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада электр энергияси истеъмоли самарадорлигини ошириш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни янада ривожлантириш, аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатиш сифатини ошириш, экспортни рағбатлантириш ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек шаҳарсозлик соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси юзасидан парламент назоратини янада кучайтириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Қўмитага юборилган мурожаатларида кўтарилаётган долзарб муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, уларнинг юзага келиш сабабларини ўрганиш, кўтарилган масалаларга тўлиқ ечим топиш борасида тегишли давлат органлари томонидан кўрилаётган чоралар устидан таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш;

янги қонунлар ижросини таъминлаш учун қонунчилик ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан доимий мониторингни амалга ошириш ва мониторинг натижаларини Қўмитада муҳокама қилиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сонли Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни Қўмита фаолият йўналишига алоқадор бўлган вазирлик ва бошқа давлат органлари томонидан бажарилиши аҳволини таҳлил қилиб бориш, бу борада улар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

ўз фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш, шунингдек кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларининг ва ўтказилаётган назорат-таҳлил тадбирларининг мазмун-моҳиятини мунтазам равишда жамоатчиликка етказиш чораларини кўриш тавсия этилсин.

3. Ушбу Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари А. Хаитов зиммасига юклатилсин.

4. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4935–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1166 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2024 йил тўққиз ойидаги фаолияти тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг (бундан буён матнда Қўмита деб юритилади) 2024 йил тўққиз ойидаги фаолияти тўғрисидаги ахборотини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши таъкидлайдики, Қўмита томонидан иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фан-техника, таълим, туризм, маданият, спорт ва миллий архив иши каби қатор соҳалардаги муносабатларни тартибга солишга доир қонунчилик ҳужжатлари ижросини доимий назорат қилиш, сайловчилар билан мунтазам мулоқот ўрнатиш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

Хусусан, ҳисобот даврида мамлакатимизда илм-фан ва илмий фаолият, таълим, маданият ва спорт масалалари соҳаларини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган 6 та қонун лойиҳаси кўриб чиқилиб, шундан 5 таси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) томонидан қабул қилинган.

Қонун лойиҳаларини маромига етказиш ҳамда уларнинг ҳар жиҳатдан пишиқ ва мукаммал бўлишини таъминлаш мақсадида қўмита масъул бўлган қонун лойиҳалари муҳокамаси бўйича жами 10 та ишчи гуруҳ ва 1 та экспертлар гуруҳи йиғилишлари ташкил этилган.

Ҳисобот даврида Қўмита томонидан жами 5 та назорат-таҳлил тадбири ташкил этилган. Улардан 4 таси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитишга, 1 таси қонун ва қонуности ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганишга оид тадбирлардир.

Шунингдек Қўмита ташаббуси билан жорий йилнинг 21 май куни Мактабгача ва мактаб таълими вазирининг биринчи ўринбосари – Мактабгача таълим агентлиги директори А. Шинга «Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлаш мақсадида мактабгача таълим ташкилотларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, замонавий таълим дастурлари ва технологияларни татбиқ этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда 27 август куни Ўзбекистон Олий таълим, фан ва инновациялар вазири К. Шариповга «Олий таълим муассасалари ва уларнинг қошида «спин-офф» тажриба ишлаб чиқариш корхоналарини самарали ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида» парламент сўровлари юборилган.

Ўтган даврда Қўмита томонидан қонун лойиҳалари муҳокамасига, мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, фан-техника, таълим, туризм, маданият, спорт ва миллий архив иши соҳаларида олиб борилаётган ислоҳот-ларнинг аҳамиятини сайловчиларга тушунтиришга, тегишли тармоқ ва соҳалардаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган 3 та давра суҳбати, 2 та семинар, 2 та маънавий-маърифий тадбир ва 1 та матбуот анжумани ўтказилган.

Қўмита аъзолари номига жисмоний ва юридик шахслардан келган жами

354 та мурожаат «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ белгиланган тартибда кўриб чиқилган.

Қўмита фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, назорат-таҳлил тадбирлари якунлари ҳамда Қўмита масъуллигида кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳиятини аҳолига мунтазам равишда етказиб бориш мақсадида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда 1 936 марта чиқиш қилинган.

Шу билан бирга ўтган даврда амалга оширилган ишлар таҳлили Қўмита ўз фаолиятини самарали ташкил этишда эътибор қаратилиши лозим бўлган айрим масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, янгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиққан ҳолда, Қўмита масъул бўлган қонунларни инвентаризациядан ўтказиши, унинг якуни бўйича таклифларни тайёрлаши ва экспертлар гуруҳининг мажлисларида муҳокама қилиши зарур.

Қўмита ўз масъуллигида кўриб чиқилган ва қабул қилинган қонунларни мониторинг қилгани ҳолда уларда белгиланган қонуности ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши борасида вазирлик ва ташкилотларнинг масъулиятини оширишга қаратилган ишларини янада кучайтириши лозим.

Соҳага оид қонунлар бўйича халқаро тажрибани ўрганиш, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва маромига етказиш борасидаги ишларга кенг жамоатчиликни, соҳа мутахассисларини ва экспертларни доимий равишда жалб этиш, бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институти билан ҳамкорликни кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари Қўмита ўз фаолияти йўналишидан келиб чиқиб, амалдаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан асослантирилган таклифларни тайёрлаши ва уларни қонунларда акс эттириш бўйича ташаббус билан чиқиш борасидаги ишларни самарали ташкил этиши талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, давлат дастурлари ҳамда Қонунчилик палатаси қарорларида назарда тутилган Қўмита фаолиятига тааллуқли бўлган масалаларнинг ижро этилиши устидан таъсирчан парламент назоратини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Қўмитанинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш соҳасидаги, қонун лойиҳалари ва назорат-таҳлил тадбирларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш борасидаги фаолиятини тизимли ташкил этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2024 йил тўққиз ойидаги фаолияти тўғрисидаги ахборот маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасига:

қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва маромига етказишда, назорат-таҳлил тадбирларини ўтказишда доимий равишда кенг жамоатчиликни, соҳа мутахассисларини ва экспертларни жалб этиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Қўмитага юборилган мурожаатларида

кўтарилаётган долзарб муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, уларнинг юзага келиш сабабларини ўрганиш, кўтарилган масалаларга тўлиқ ечим топиш борасида тегишли давлат органлари томонидан кўрилаётган чоралар устидан таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш;

қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатининг доимий мониторингини юритиш ва мониторинг натижаларини Қўмитада муҳокама қилиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сонли Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда ўз фаолият йўналишига алоқадор вазирлик ва идораларнинг масъулиятини янада ошириш чораларини кўриш, бу борада улар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

Қўмита фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш, шунингдек кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларининг ва ўтказилаётган назорат-таҳлил тадбирларининг мазмун-моҳиятини мунтазам равишда жамоатчиликка етказиш чораларини кўриш тавсия этилсин.

3. Ушбу Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари А. Қодиров зиммасига юклатилсин.

4. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 14 октябрь,
№ 4936–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1167 «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1232-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисида

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1232-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2024 йил 30 сентябрда киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1232-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилинсин.

2. Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси бир ой ичида ушбу қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрласин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 17 октябрь,
№ 4972–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1168 «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1234-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1234-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан 2024 йил 7 октябрда киритилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1234-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилинсин.

2. Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси бир ой ичида ушбу қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрласин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 17 октябрь,
№ 4973–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1169 «Судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойили жорий этилаётганлиги муносабати билан «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1235-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисида

«Судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойили жорий этилаётганлиги муносабати билан «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1235-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан 2024 йил 7 октябрда киритилган «Судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойили жорий этилаётганлиги муносабати билан «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги ҚЛ–1235-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилинсин.

2. Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси бир ой ичида ушбу қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрласин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 17 октябрь,
№ 4974–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1170 «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш (факторинг) муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1236-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш (факторинг) муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1236-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2024 йил 7 октябрда киритилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш (факторинг) муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1236-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилинсин.

2. Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси бир ой ичида ушбу қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрласин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 17 октябрь,
№ 4975–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1171 «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этиш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1241-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этиш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1241-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2024 йил 9 октябрда киритилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этиш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1241-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилинсин.

2. Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси бир ой ичида ушбу қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрласин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 17 октябрь,
№ 4976–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1172 «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига заргарлик соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1242-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига заргарлик соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1242-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2024 йил 9 октябрда киритилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига заргарлик соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1242-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилинсин.

2. Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси бир ой ичида ушбу қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрласин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 17 октябрь,
№ 4977–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1173 «Рус тили бўйича халқаро ташкилотни таъсис этиш тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2023 йил 13 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги ҚЛ–1245-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисида

«Рус тили бўйича халқаро ташкилотни таъсис этиш тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2023 йил 13 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги ҚЛ–1245-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2024 йил 16 октябрда киритилган «Рус тили бўйича халқаро ташкилотни таъсис этиш тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2023 йил 13 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги ҚЛ–1245-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 17 октябрь,
№ 4978–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1174 «Рус тили бўйича халқаро ташкилотни таъсис этиш тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2023 йил 13 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги ҚЛ–1245-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисида

«Рус тили бўйича халқаро ташкилотни таъсис этиш тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2023 йил 13 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги ҚЛ–1245-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2024 йил 16 октябрда киритилган «Рус тили бўйича халқаро ташкилотни таъсис этиш тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2023 йил 13 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги ҚЛ–1245-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритилсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 17 октябрь,
№ 4979–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1175 «Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида»ги ҚЛ–1200-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида («Экологик экспертиза ва атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисида»)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 6 августда биринчи ўқишда қабул қилинган «Экологик экспертиза ва атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисида»ги ҚЛ–1200-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини «Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида» деган янги ном билан иккинчи ўқишда кўриб чиқишга доир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг таклифи маъқуллансин.

2. Мазкур қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 17 октябрь,
№ 4980–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1176 «Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида»ги ҚЛ–1207-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида («Банклардаги омонатларни ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 13 августда биринчи ўқишда қабул қилинган «Банклардаги омонатларни ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги ҚЛ–1207-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини «Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида» деган янги ном билан иккинчи ўқишда кўриб чиқишга доир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг таклифи маъқуллансин.

2. Мазкур қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 17 октябрь,
№ 4981–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1177 «Микромолиялаштириш фаолияти такомиллаштирилиши муносаба-бати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1208-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида («Микромолиялаштириш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 6 августда биринчи ўқишда қабул қилинган «Микромолиялаштириш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1208-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини «Микромолиялаштириш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» деган янги ном билан иккинчи ўқишда кўриб чиқишга доир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг таклифи маъқуллансин.

2. Мазкур қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 17 октябрь,
№ 4982–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1178 «Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида»ги ҚЛ–1217-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 20 августда биринчи ўқишда қабул қилинган «Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида»ги ҚЛ–1217-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишга доир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитасининг таклифи маъқуллансин.

2. Мазкур қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 17 октябрь,
№ 4983–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1179 «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1237-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида («Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжат-ларига жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 15 октябрда биринчи ўқишда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1237-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» деган янги ном билан иккинчи ўқишда кўриб чиқишга доир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасининг таклифи маъқуллансин.

2. Мазкур қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикерии **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 17 октябрь,
№ 4984–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1180 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисини ўтказиш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 16-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси 2024 йил 18 октябрь куни видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби лойиҳасига қуйидаги масалалар киритилсин:

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири И. Абдурахмоновнинг «Қишлоқ хўжалигида самарасиз боғлар ва бошқа экин ерлари ўрнида саноатлашган боғларни барпо этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасини қўллаб-қувватлашда имтиёзли кредитлар ажратиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида»ги ахбороти ҳақида;

«Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида»ги ҚЛ–1200-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида («Экологик экспертиза ва атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисида») (иккинчи ўқиш);

«Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида»ги ҚЛ–1207-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида («Банклардаги омонатларни ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида») (иккинчи ўқиш);

«Микромолиялаштириш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1208-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида («Микромолиялаштириш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида») (иккинчи ўқиш);

«Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида»ги ҚЛ–1217-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш);

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҚЛ–1237-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида («Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жонли ижро санъатини янада ривожлантиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида») (иккинчи ўқиш);

«Рус тили бўйича халқаро ташкилотни таъсис этиш тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2023 йил 13 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги ҚЛ–1245-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқиш).

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 17 октябрь,
№ 4985–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1181 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2024 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари ва Қонунчилик палатаси қўмиталарининг 2024 йилга мўлжалланган иш режаларига ўзгарти-ришлар киритиш тўғрисида

Мамлакатимизда жорий йилнинг 27 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайловлар бўлиб ўтиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудларга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқот тадбирларида иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудларда аҳоли билан мулоқот қилиб, жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бораётганлиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2024 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари ва Қонунчилик палатаси қўмиталарининг 2024 йилга мўлжалланган иш режаларида белгиланган айрим тадбирларнинг бажарилиш муддатларини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмиталарининг таклифларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси, Саноат, қурилиш ва савдо

масалалари қўмитаси ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2024 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари ва Қонунчилик палатаси қўмиталарининг 2024 йилга мўлжалланган иш режаларида назарда тутилган айрим тадбирлар ижросини 2025 йилга кўчириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2024 йил 14 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2024 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги 4034–IV-сонли Қарорига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2024 йил, № 2, 211-модда) илова 4-бандининг 4 ва 5-кичик бандлари, 12-бандининг 11-кичик банди, 25-бандниг 20, 24 ва 25-кичик бандлари чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2024 йил 14 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмиталарининг 2024 йилга мўлжалланган иш режаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 4035–IV-сонли Қарорига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2024 йил, № 2, 212-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1-илованинг 9-банди чиқариб ташлансин;

2-илованинг 23-банди чиқариб ташлансин;

4-илованинг 3 ва 4-бандлари чиқариб ташлансин;

6-илованинг 19-банди чиқариб ташлансин;

7-илованинг 19-банди чиқариб ташлансин;

9-илованинг 2-банд чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2024 йил 14 февралда қабул қилинган 4034–IV-сонли Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2024 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси тегишинча:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2024 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишларининг 4-бандининг 4 ва 5-кичик бандлари, 12-бандининг 11-кичик банди, 25-бандниг 20, 24 ва 25-кичик бандларида назарда тутилган бажарилиши учун ўзлари масъул бўлган тадбирларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2025 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари лойиҳасига;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2024 йил 14 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмиталарининг 2024 йилга мўлжалланган иш режаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 4035–IV-сонли Қарори 1-иловасининг 9-банди, 2-иловасининг 23-банди, 4-иловасининг 3 ва 4-бандлари, 6-иловасининг 19-банди, 7-иловасининг 19-банди, 9-иловасининг 2-бандида назарда тутилган бажарилиши учун ўзлари масъул бўлган тадбирларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмиталарининг 2025 йилга мўлжалланган иш режалари лойиҳасига киритиш чораларини кўрсин.

5. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 17 октябрь,
№ 4986–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1182 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 – 2024 йиллардаги фаолияти тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 – 2024 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ахборот маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 28 октябрь,
№ 5003–IV.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

1183 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларини маънавий ва моддий рағбатлантириш бўйича комиссиянинг тавсиясини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Фаолияти давомида ўзининг меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги билан жамоатчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги, шунингдек қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганишга, қабул қилинаётган қонунларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказишга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қуйидаги депутатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирлансин:

Шухрат Гафурович **Бафаев**	– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг раиси
Дилором Неъматовна **Имомова**	– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари
Лейли Пулатовна **Сейтова**	– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг аъзоси
Зафаржон Сайфитдинович **Жалолов**	– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси
Сардорбек Мунибиллаевич **Ғиёсов**	– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси
Ахмаджон Уринбоевич **Ғаниев**	– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси
Шухрат Абдухалимович **Абдухалимов**	– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитасининг аъзоси
Зумрад Рахимбаевна **Бекатова**	– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитасининг аъзоси
Ҳазратқул Абдиқодирович **Хўжамқулов**	– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг аъзоси
Фахриддин Валижонович **Саматов**	– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг аъзоси
Фарходбек Бурхонжонович **Ашматов**	– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг аъзоси
Акшагул Абуевна **Тулегенова**	– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси
Бахром Маъруфжонович **Рахмоналиев**	– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси

Дилшод Баймуродович **Хамзаев**	– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси
Улугбек Назарович **Вафаев**	– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси
Барно Қосимбоевна **Мирзамова**	– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг аъзоси
Батирбек Бектурди ўғли **Тўразода**	– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг аъзоси
Мухтар Мамутович **Ибрагимов**	– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси
Мавжуда Ғаниевна **Ҳасанова**	– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг аъзоси
Тахир Мухтарович **Ахмадалиев**	– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг аъзоси
Хуршид Набиевич **Досмухамедов**	– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасининг аъзоси
Гайрат Шавкатович **Сафаров**	– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг аъзоси
Нодиржон Рахматжонович **Абдувалиев**	– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг аъзоси.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери **Н. ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 28 октябрь,
№ 5004–IV.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ ҚЎШМА ҚАРОРИ

1184 Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Кейинги йилларда мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг демократик институционал тизимини яратиш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини янада кучайтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари фаолияти фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий, иқтисодий, гуманитар масалаларни ҳал этишдаги иштирокини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Жумладан, 2014 – 2024 йилларда фуқаролик жамияти институтларининг бандлик, экология, ёшлар, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш соҳаларидаги 4 300 дан зиёд лойиҳаларига республика ва маҳаллий бюджетлардан 2 трлн. 56 млрд. сўм ажратилди.

Шу билан бирга фуқаролик жамияти институтларини мамлакатда олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш зарурати мавжуд.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, «Ўзбекистон – 2030» стратегияси ҳамда 2021–2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ижросини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шаффоф ва соғлом рақобат принципига асосланган тизимини йўлга қўйиш, шунингдек ижтимоий фойдали дастурлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР:**

1. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги «Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–124-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларини (бундан буён матнда ҳудудий жамоат

фондлари деб юритилади) қўшиб юбориш ва уларнинг негизида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондини ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида алоҳида бўлинмаларини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббус қўллаб-қувватланганлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари томонидан тегишинча ҳудудий жамоат фондларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондини қўшиб юбориш ва уларнинг негизида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондини ташкил этиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинганлиги ҳамда ушбу қарорлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан маъқулланганлиги.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясининг 2024 йил 5 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларини қўшиб юбориш ва уларнинг негизида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан олинадиган маблағларни жамлаш, бу маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги алоҳида бўлинмалари томонидан вертикал ва шаффоф тизим орқали фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга, ижтимоий, иқтисодий, гуманитар масалаларни ҳал этишда уларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишига қаратилган дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш учун тақсимланишини ташкил этиш;

фуқаролик жамияти институтларининг моддий-техник жиҳатдан таъминланганлик даражасини ошириш, уларга ҳуқуқий, маслаҳат, ташкилий, техник ва бошқа хил ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ лойиҳалар ҳамда дастурларни, уларнинг жамият манфаатлари ва аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжларини кўзлаган, жойларда сақланиб қолаётган долзарб муаммоларни, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган ташаббусларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, шунингдек амалга

оширилаётган лойиҳа ва дастурларнинг жорий мониторингини йўлга қўйиш;

давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро манфаатли ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида таъсирчан жамоатчилик назорати олиб борилишини рағбатлантириш;

фуқаролик жамияти институтларининг хориждаги ватандошлар билан алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг хориждаги уюшмалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлаш.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди Ижро этувчи девонининг штатлар жадвали 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди Ижро этувчи девони ходимларининг меҳнатига Ягона тариф сеткаси бўйича ҳақ тўлаш разрядлари 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди алоҳида бўлинмаларининг штатлар жадвали 5-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди алоҳида бўлинмалари ходимларининг меҳнатига Ягона тариф сеткаси бўйича ҳақ тўлаш разрядлари 6-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси тўғрисидаги низом 7-иловага мувофиқ;

«Фуқаролик ташаббуси» миллий мукофоти тўғрисидаги низом 8-иловага мувофиқ;

«Фуқаролик ташаббуси» миллий мукофотига тақдим этилган номзодларни кўриб чиқиш бўйича ташкилий қўмита таркиби 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди (бундан буён матнда Жамоат фонди деб юритилади) жами 45 та, шу жумладан Жамоат фондининг Ижро этувчи девони 17 та, алоҳида бўлинмалари 28 та (ҳар бири 2 тадан) штат бирлигидан иборат бўлади. Бунда, Жамоат фонди Ижро этувчи девонининг 17 та штат бирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг амалдаги 3 та ва ҳудудий жамоат фондларининг биттадан штат бирликлари ҳисобидан шакллантирилади;

Жамоат фондининг Ижро этувчи девони фаолиятини сақлаш харажатлари, ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан, алоҳида бўлинмаларининг фаолиятини сақлаш харажатлари, ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган

тўловлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан амалга оширилади;

Жамоат фондини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қўшма қарори билан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор бошқаради;

Жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда ҳудудий жамоат фондларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг қайта ташкил этилиши тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали эълон берсин, кредиторларни ёзма равишда хабардор қилсин, шунингдек ушбу жамоат фондини қайта ташкил этиш билан боғлиқ бошқа ишлар амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилишини таъминласин;

ҳудудий жамоат фондларининг топшириш ҳужжатлари амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ расмийлаштирилишига кўмаклашсин;

ҳудудий жамоат фондларининг қайта ташкил этилиши билан боғлиқ ишлар ушбу жамоат фондларининг муассислари ва васийлик кенгашлари вазифаларини бажарадиган органлар томонидан амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилишини ўрганиб борсин;

ҳудудий жамоат фондларининг топшириш ҳужжатларини, шу жумладан таъсис ҳужжатларини, уларнинг кредиторлари билан ҳисоб-китоблар, шунингдек қайта ташкил этиш билан боғлиқ ишлар якунига кўра ҳудудий жамоат фондларининг мол-мулки ва бошқа ҳужжатлар қабул қилиб олинишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг фаолияти тўғрисидаги якуний ҳисоботни жорий йил 10 ноябрга қадар эълон қилсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг алоҳида бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқласин, Жамоат фондини ва алоҳида бўлинмаларни белгиланган тартибда адлия органлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказиш чораларини кўрсин;

фуқаролик жамияти институтларига давлат субсидиялари, давлат грантлари ва давлат ижтимоий буюртмаларини ажратиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомларнинг янги таҳририни ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин. Ҳужжатлар лойиҳаларида танловлар йўналишларини шакллантириш ҳамда уларнинг муҳокамаси, лойиҳалар ва буюртмаларни тақдим қилиш, уларни кўриб чиқиш ва баҳолаш жараёнларини кузатиб бориш ҳамда талаб этиладиган ҳужжатларни давлат органларининг маълумотлар базаларидан онлайн олиш электрон платформа орқали

амалга оширилиши назарда тутилади.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси тузилгунига қадар ушбу парламент комиссияси вазифаларини бажариб туради.

7. Жамоат фонди Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан келишилган ҳолда 2024 йил 1 декабрга қадар «Фуқаролик ташаббуси» миллий мукофотининг статуэткаси ва сертификатлар намунасини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) Жамоат фонди ва унинг алоҳида бўлинмаларини давлат рўйхатидан ўтказилишига кўмаклашсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2025 йилдан эътиборан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида ушбу Қўшма қарорни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун зарур бўлган маблағларни назарда тутсин. Бунда:

Жамоат фондини ва унинг алоҳида бўлинмаларини сақлаш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш харажатларида назарда тутилмайди;

фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек Жамоат фонди фаолиятини ташкил этиш ва унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясининг асослантирилган ҳисоб-китобларига кўра Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади;

фуқаролик жамияти институтлари учун ажратилган, ҳисобот йили охирида фойдаланилмай қолган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига қайтарилмайди ва улардан келгуси йили белгиланган тартибда фойдаланилади.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари:

ҳудудий жамоат фондларини қайта ташкил этиш қонунчилик ҳужжатлари талабларига асосан амалга оширилишига кўмаклашсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат бўлган маслаҳат гуруҳларининг фаолиятини жамоатчилик асосида йўлга қўйиш чораларини кўрсин;

Жамоат фонди алоҳида бўлинмаларининг фаолиятини ташкил этишга кўмаклашсин.

11. Жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биноларидан

фойдаланиш ва хўжалик фаолияти бошқармаси балансидаги Тошкент шаҳар, Ислом Каримов кўчаси, 9-уйдаги бинога жойлаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биноларидан фойдаланиш ва хўжалик фаолияти бошқармаси:

Жамоат фонди ушбу бинодан текин фойдаланишини ва Жамоат фонди жойлаштирилган қисмига хизмат кўрсатилишини;

Жамоат фондига кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловларни амалга оширилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг айрим қўшма қарорлари 10-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

13. Ушбу Қўшма қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев зиммасига юклатилсин.

14. Ушбу Қўшма қарор тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларига киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери

Н. ИСМОИЛОВ

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Раиси

Т. НАРБАЕВА

Тошкент шаҳри,
2024 йил 28 октябрь,
№ 5005–IV/ҚҚ-842–IV.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2024 йил 28 октябрдаги 5005–IV/ҚҚ-842–IV-сонли Қўшма қарорига 1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тўғрисидаги низом

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг (бундан буён матнда Жамоат фонди деб юритилади) мақоми, мақсади, асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳисобот бериш, фаолиятини ташкил этиш, шунингдек Жамоат фондини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилайди.

2. Жамоат фонди аъзолиги бўлмаган жамоат фонди бўлиб, мустақил юридик шахсдир.

3. Жамоат фонди ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга асосан амалга оширади.

4. Жамоат фонди ўз мол-мулкига, мустақил балансига, миллий ва чет эл валютасида ҳисобварақларига, шу жумладан миллий ва чет эл валютасида шахсий ғазна ҳисобварақларига, ўз номи давлат тилида ёзилган думалоқ муҳрига, ўз номи ёзилган штамплар ва бланкаларига ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган рамзий белгиларига эга бўлади.

Жамоат фонди ўз номидан шартномалар тузиши, мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши, мажбуриятларга эга бўлиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

5. Жамоат фондининг расмий номи:

а) давлат тилидаги:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, қисқартирилган номи – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди;

б) рус тилидаги:

тўлиқ номи – Общественный фонд по поддержке институтов гражданского общества при Олий Мажлисе Республики Узбекистан, қисқартирилган номи – Общественный фонд при Олий Мажлисе Республики Узбекистан;

в) инглиз тилидаги:

тўлиқ номи – The Public Fund for support of civil society institutions under the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, қисқартирилган номи – The Public Fund under the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan.

6. Жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарорига биноан ташкил этилади, унинг фаолияти мамлакатнинг бутун ҳудудида амалга оширилади.

7. Жамоат фондининг жойлашган ери (почта манзили): 100078, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси 9-уй.

2-боб. Жамоат фондининг асосий мақсад ва вазифалари

8. Жамоат фондининг асосий мақсади фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шаффоф ва соғлом рақобат тамойилига асосланган тизимини яратиш, шунингдек давлат ва жамият ҳаётида уларнинг фаоллигини янада ошириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ва гуманитар соҳаларни ривожлантириш бўйича ижтимоий фойдали дастурлар самарадорлигини оширишга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан иборат.

9. Жамоат фондининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан олинадиган маблағларни жамлаш, ушбу маблағларнинг Жамоат фонди ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги алоҳида бўлинмалари томонидан вертикал ва шаффоф тизим орқали фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга, ижтимоий, иқтисодий, гуманитар масалаларни ҳал этишда уларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишига қаратилган дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш учун тақсимланишини ташкил этиш;

фуқаролик жамияти институтларининг моддий-техник таъминоти даражасини ошириш, уларга ҳуқуқий, ташкилий, техник ва бошқа хил ёрдам кўрсатиш билан

боғлиқ лойиҳалар ҳамда дастурларни, уларнинг жамият манфаатлари ва аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжларини кўзлаган, жойларда сақланиб қолаётган долзарб муаммоларни, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган ташаббусларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, шунингдек амалга оширилаётган лойиҳа ва дастурларнинг жорий мониторингини йўлга қўйиш;

давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро манфаатли ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида таъсирчан жамоатчилик назорати олиб борилишини рағбатлантириш;

фуқаролик жамияти институтларининг хориждаги ватандошлар билан алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг хориждаги уюшмалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлаш.

10. Жамоат фонди ўз олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

фуқаролик жамияти институтларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлар ажратиш масалаларининг кўриб чиқилишида иштирок этади, республика ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан олинган маблағларни жамлайди;

фуқаролик жамияти институтлари томонидан жойлардаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ва гуманитар соҳалардаги муаммоларни ҳал этиш учун зарур бўладиган маблағлар ҳажмлари юзасидан тегишли талабномаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига (бундан буён матнда Парламент комиссияси деб юритилади) киритади;

жамоатчиликни фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органларининг аҳоли муаммоларини ҳал этишга қаратилган таклифларини муҳокама қилиш учун жалб этади ва муҳокама натижаларини умумлаштиради;

социал ва ижтимоий аҳамиятга молик ва ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳа ва дастурларни қўллаб-қувватлаш учун танловларнинг долзарб мавзу ва йўналишларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

лойиҳа ва дастурларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ngo.gov.uz электрон тизими орқали фуқаролик жамияти институтлари учун танловлар ташкил этади;

ўтказилган танловлар натижаларига кўра ғолиб деб топилган фуқаролик жамияти институтларининг лойиҳа ва дастурларини ушбу фуқаролик жамияти институтлари ва Жамоат фонди ўртасида тузиладиган шартномалар асосида молиялаштиради;

жамоатчиликни фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағларнинг шаффоф, адолатли ҳамда мақсадли тақсимланиши ва сарфланиши масалаларини муҳокама қилишга жалб этади;

фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда, амалга ошириш ҳамда гуманитар масалаларни ҳал этишда кўмаклашади;

фуқаролик жамияти институтларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларга ҳуқуқий, ташкилий, техник ва бошқа хил ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ лойиҳалар ҳамда дастурларни амалга оширишда молиявий ёрдам кўрсатади;

фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш ҳамда уларнинг ютуқларини тарғиб қилиш масалалари бўйича тадбирлар (конференциялар, давра суҳбатлари, семинарлар, тренинглар ва шу кабилар) ўтказади;

фуқаролик жамияти институтларига давлат органлари билан ижтимоий шериклик йўналишлари асосида алоқалар ўрнатишда амалий ёрдам кўрсатади;

фуқаролик жамияти институтларининг таъсирчан жамоатчилик назорати механизмларини жорий этишига ва уларнинг ташаббусларини амалиётда қўллашга кўмаклашади;

фуқаролик жамияти институтлари томонидан лойиҳа ва дастурларнинг амалга оширилишини улар тақдим этган ҳисоботлар асосида мониторинг қилади;

фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилган лойиҳа ва дастурларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини таҳлил қилади;

фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқади;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасини ҳамда жамоатчилик экспертизасини ташкил этишда фуқаролик жамияти институтларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлайди;

фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг миллий тажрибаларини халқаро миқёсда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарғиб этишни қўллаб-қувватлайди;

фуқаролик жамияти институтларининг хорижий илғор тажрибани ўрганиш ва миллий тажрибани тарғиб этишга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлайди;

халқаро ташкилотлар, молия институтлари ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари билан алоқаларни ривожлантиради, улар билан биргаликда тадбирлар ўтказади, уларнинг грантларини аниқ ижтимоий ва умум аҳамиятга молик лойиҳаларни ҳал этишга, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришни рағбатлантиришга жалб этади;

фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимига замонавий IT-технология дастурларини кенг жорий этади;

фуқаролик жамияти институтлари вакилларини, фаол жамоатчилик вакиллари ҳамда ташаббускор фуқароларни тегишинча «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони, «Фуқаролик ташаббуси» миллий мукофоти билан тақдирлаш бўйича барча ташкилий масалаларни кўради;

қонунчиликда белгиланган тартибда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг норматив-ҳуқуқий, моддий-молиявий, ташкилий жиҳатларига бағишланган адабиётлар нашр этади;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа функцияларни амалга оширади.

3-боб. Жамоат фондининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

11 Жамоат фонди қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз фаолияти соҳасига доир ахборотни давлат органларидан, фуқаролик жамияти институтларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олишга ва ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатиш;

юридик ва жисмоний шахслар билан қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ва ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган битимлар тузиш;

мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида мол-мулкка эга бўлиш;

ҳомийлик хайриялари, грантлар ва бошқа маблағларни олиш;

судда, бошқа муассасалар ва ташкилотларда ўз манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

халқаро алоқалар ўрнатиш, ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиш ва халқаро дастурлар ҳамда лойиҳаларда иштирок этиш.

Жамоат фонди қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12. Жамоат фонди:

ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва ушбу Низомга мувофиқ амалга ошириши;

ҳар йили ҳисобот эълон қилиши, фаолияти ва Жамоат фонди мол-мулкидан фойдаланишнинг очиқ-ошкора бўлишини таъминлаши;

рўйхатдан ўтказувчи органлар вакиллари Жамоат фонди томонидан ўтказилаётган тадбирларда иштирок этишига имкон яратиши;

ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига, Парламент комиссиясига, шунингдек рўйхатдан ўтказувчи органларга, солиқ ва статистика органларига қонунда белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этиши шарт.

Жамоат фонди ўз фаолиятини очиқлик ва ошкоралик принциплари асосида амалга оширади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан фуқаролик жамиятининг институтларига бериладиган маблағлардан белгиланган мақсадда фойдаланилишини таъминлайди.

Жамоат фонди ўз фаолияти, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш доирасида ажратилган маблағларнинг тақсимланиши ҳамда ишлатилиши тўғрисидаги ҳисоботни ҳар йили оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

13. Жамоат фонди юридик шахснинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча ҳуқуқларидан фойдаланади. Жамоат фонди фаолияти ва уни ривожлантиришнинг ҳар йилги дастури Парламент комиссияси томонидан ишлаб чиқилади ҳамда тасдиқланади.

4-боб. Жамоат фондининг мол-мулки

14. Жамоат фондининг мол-мулкини асосий фондлар ва айланма маблағлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ қиймати Жамоат фонди балансида акс эттириладиган бошқа мол-мулк ташкил этади.

15. Жамоат фонди маблағларини шакллантириш манбалари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг (Ўзбекистон Республикаси резидентларининг ҳамда норезидентларининг) ихтиёрийлик асосидаги ҳомийлик хайриялари, халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг, чет эл ташкилотларининг грантлари ҳамда беғараз бериладиган маблағлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлардир.

16. Жамоат фондининг мол-мулкидан гаров ёки мажбуриятларни таъминлашнинг бошқа воситаси сифатида, шунингдек кредитлар бериш учун фойдаланилиши мумкин эмас.

17. Жамоат фонди ўз мажбуриятлари бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган ўз мол-мулки билан жавоб беради.

5-боб. Жамоат фондини бошқариш

18. Жамоат фондининг фаолиятига раҳбарликни қуйидагилар амалга оширади:

Жамоат фондининг васийлик кенгаши вазифаларини бажарадиган Парламент комиссияси;

Жамоат фондининг бошқаруви вазифаларини бажарадиган Фонднинг Ижро этувчи девони.

19. Парламент комиссияси Жамоат фондининг фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи органдир.

20. Парламент комиссияси:

Жамоат фонди маблағларини фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш учун очиқлик, шаффофлик ва адолатлилик принциплари асосида тақсимлайди, фуқаролик жамияти институтларининг ва республика ижро этувчи ҳокимият органларининг таклифларини ўрганиш асосида аниқ ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этишга, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга қаратилган социал ва ижтимоий аҳамиятга молик ва ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган

дастурларни молиялаштириш бўйича қарорлар қабул қилади;

жойлардаги фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан ажратиладиган маблағларнинг ҳажмларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари буюртмалари асосида аниқлайди ҳамда тақсимлайди;

социал ва ижтимоий аҳамиятга молик ва ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун танловларнинг долзарб мавзу ва йўналишларини ишлаб чиқади, эълон қилади ҳамда уларни ўтказиш муддатларини тасдиқлайди;

фуқаролик жамияти институтларининг ва республика ижро этувчи ҳокимият органларининг дастур ва лойиҳаларини ижтимоий шериклик соҳалари кесимида долзарб ижтимоий аҳамиятини аниқлаш, уларни молиялаштириш бўйича қарорлар қабул қилади;

Жамоат фондининг ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиши ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг молиялаштирилган лойиҳалари ва дастурларининг ижроси устидан назоратни амалга оширади;

фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантиришга кўмаклашади;

фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади;

мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, аҳолининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш ишларига муносиб ҳисса қўшган ҳамда жамиятимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирок этаётган фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда ташаббускор фуқароларни «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони билан тақдирлайди;

мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган фуқаролик жамияти институтлари ва фаол жамоатчилик вакиллари ҳамда ташаббускор фуқароларни «Фуқаролик ташаббуси» миллий мукофоти билан тақдирлайди.

Парламент комиссияси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

21. Парламент комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамоат фондининг Ижро этувчи девони ва Тафтиш комиссияси аъзоси бўлиши мумкин эмас.

22. Парламент комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, масъул котиби ва аъзолари ўз вазифаларини жамоатчилик асосида бажаради.

23. Парламент комиссияси ваколатларига кирадиган масалалар Жамоат фондининг Ижро этувчи девони ёки Тафтиш комиссиясига ҳал этиш учун топширилиши мумкин эмас.

24. Парламент комиссиясининг қарорлари Жамоат фондининг Ижро этувчи девони ва бошқа органлари учун мажбурийдир.

25. Жамоат фондининг Ижро этувчи девонига Жамоат фонди директори раҳбарлик қилади.

Жамоат фондининг тузилмаси, ваколатлари ва уни шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қўшма қарори билан белгиланади.

26. Жамоат фонди директори Парламент комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қўшма қарори билан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

27. Жамоат фонди директори:

Жамоат фондининг фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ва зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун жавобгардир;

Жамоат фондининг фаолиятига оид ҳужжатларни имзолайди;

давлат органлари ва ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, халқаро ташкилотлар ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда Жамоат фонди номидан иш кўради;

юридик ва жисмоний шахслар билан Жамоат фондининг фаолиятига тааллуқли шартномаларни тузади, Жамоат фонди номидан ишончномасиз иш юритади;

Жамоат фондининг харажатлари сметасини тузади ва Парламент комиссияси билан келишилган ҳолда тасдиқлайди;

ўз ваколати доирасида буйруқлар, фармойишлар ва бошқа ички ҳужжатларни тасдиқлайди;

Жамоат фонди ва унинг филиаллари ходимларини лавозимга тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади, бундан Фонд директорининг ўринбосари мустасно;

Жамоат фондининг мол-мулкини, шу жумладан пул маблағларини бошқаради;

Парламент комиссиясига Жамоат фондининг фаолияти тўғрисида йилига камида икки марта ҳисобот тақдим этади;

Парламент комиссияси кўриб чиқиши учун зарур бўлган материаллар ва таклифлар тайёрланишини ҳамда мазкур комиссия томонидан қабул қилинган қарорлар ва кўрсатмаларнинг бажарилишини таъминлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

28. Жамоат фонди директорининг ўринбосари Жамоат фонди директорининг тавсияси асосида, Парламент комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қўшма қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Жамоат фонди директорининг ўринбосари Жамоат фонди директори йўқлигида ёки у ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда Жамоат фонди директорининг вазифасини бажариб туради.

6-боб. Жамоат фондининг алоҳида бўлинмалари

29. Жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида юридик шахс мақомига эга бўлган алоҳида бўлинмаларига (бундан буён матнда алоҳида бўлинмалар деб юритилади) эга бўлади.

Алоҳида бўлинмалар Парламент комиссияси томонидан тасдиқланган низом асосида фаолият юритади.

Алоҳида бўлинмалардаги мол-мулклар Жамоат фонди мол-мулки ҳисобланади. Алоҳида бўлинмаларнинг ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари Парламент комиссияси томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига асосан бўлинмалар бошлиқлари томонидан тасарруф этилади.

30. Алоҳида бўлинмага Парламент комиссияси билан келишилган ҳолда Жамоат фонди директори томонидан тайинланадиган бўлинма бошлиғи раҳбарлик қилади.

31. Алоҳида бўлинма бошлиғи:

алоҳида бўлинма фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

Жамоат фонди органларининг қарорларини ва уларнинг ўз ваколатлари доирасида берган бошқа топшириқларининг бажарилишини ташкил этади;

белгиланган тартибда Жамоат фондига иш режаларининг бажарилиши ва

маблағлардан фойдаланиш юзасидан ҳисобот беради;

йиллик харажатлар сметаси хамда иш режасини ишлаб чиқади ва Жамоат фондига тақдим этади;

ҳудуддаги давлат органлари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда бўлинма номидан иш кўради;

ҳудуддаги юридик ва жисмоний шахслар билан белгиланган тартибда шартномалар ва битимлар тузади;

ажратилган мол-мулк учун жавобгар ҳисобланади;

Парламент комиссияси ва Жамоат фонди Ижро этувчи девони томонидан зиммасига юклатилган бошқа ваколатларни белгиланган тартибда амалга оширади.

Алоҳида бўлинмаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шу жумладан мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқлари, уларни тугатиш тартиби уларнинг низомларида белгиланади.

7-боб. Жамоат фонди маблағларидан фойдаланиш

32. Жамоат фонди маблағлари фуқаролик жамиятининг институтларига уларнинг буюртманомалари асосида ва Парламент комиссиясининг қарорларига мувофиқ давлат субсидиялари, грантлари, ижтимоий буюртмалари тариқасида ажратилади.

Жамоат фонди маблағларнинг маълум бир қисмини давлат субсидиялари, давлат грантлари ва давлат ижтимоий буюртмалари шаклида алоҳида бўлинмаларга йўналтиради.

Алоҳида бўлинмаларга ажратилган ҳамда хисобот йили охирида фойдаланилмай қолган маблағлар Фондга қайтарилади.

Фуқаролик жамиятининг институтларини қўллаб-қувватлаш учун Жамоат фондига ажратилган ҳамда ҳисобот йили охирида фойдаланилмай қолган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети даромадига қайтарилмайди, балки улардан белгиланган мақсадга мувофиқ келгуси йилда фойдаланилади.

33. Жамоат фонди маблағларини тақсимлаш тартиби Парламент комиссияси томонидан белгиланади.

8-боб. Жамоат фондининг фаолиятини сақлаш харажатлари, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш ҳамда тиббий таъминоти

34. Жамоат фондининг Ижро этувчи девони фаолиятини сақлаш харажатлари, ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан, алоҳида бўлинмалар фаолиятини сақлаш харажатлари, ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан амалга оширилади.

35. Жамоат фонди директори ва унинг ўринбосарига тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари девонларининг бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосари учун белгиланган тиббий таъминот шартлари татбиқ этилади.

36. Жамоат фонди ходимларига белгиланган тариф сеткаси лавозим маоши 1,25 баравар оширилган миқдорда белгиланади.

Жамоат фонди ходимларига лавозим маоши таркибига киритиладиган 80 фоиз (ёрдамчи техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларга 50 фоиз) миқдорида қўшимча ҳақ, 40 фоиз (ёрдамчи техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларга 20 фоиз) миқдорида рағбатлантирувчи коэффицент, 15 фоиз (ёрдамчи техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларга 10 фоиз) миқдорида қўшимча ҳақ ҳамда узоқ муддат хизмат қилганлик учун ушбу низомга иловада келтирилган миқдорда устама ҳақ тўланади.

Жамоат фондининг директори:

ўз вазифаларини виждонан, шунингдек алоҳида муҳим ва масъулиятли ишларни бажараётган ходимларни, шу мақсадларга икки ойлик меҳнат ҳақи фонди миқдоридаги

маблағларни йўналтирган ҳолда мукофотлаш (бунда мукофотлашнинг миқдорлари ишнинг умумий натижаларига уларнинг шахсий улушига қараб белгиланади);

бир ойлик иш ҳақи фондини йўналтирган ҳолда ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Жамоат фондининг Ижро этувчи девони Ахборот технологияларини жорий этиш ва ахборот хавфсизлиги бўйича бош мутахассисига ходим лавозим маошининг 100 фоизи миқдорида ҳар ойлик устама берилади.

Жамоат фонди ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди маблағларидан фойдаланиш тартиби амалдаги қонунчиликка асосан белгиланади.

37. Жамоат фондининг фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига (ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига) эга ходимларига лавозим маошининг 5 фоизи, фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига (ёхуд хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига) эга ходимларига лавозим маошининг 10 фоизи миқдорида ҳар ойлик устама тўланади.

9-боб. Тафтиш комиссияси

38. Жамоат фондининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун Парламент комиссияси томонидан, қоида тариқасида, беш кишидан иборат таркибда Тафтиш комиссияси сайланади.

Тафтиш комиссиясининг таркибига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ҳисоб палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Давлат молиявий назорати инспекциясининг вакиллари ушбу идоралар билан келишилган ҳолда киритилиши мумкин.

39. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамоат фонди Ижро этувчи девонининг ва Парламент комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

40. Жамоат фондининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш Парламент комиссиясининг қарорига биноан Жамоат фондининг йиллик фаолияти якунлари бўйича амалга оширилади.

41. Тафтиш комиссиясининг талабига кўра Жамоат фондининг мансабдор шахслари унга фонднинг молиявий фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

42. Тафтиш комиссияси Жамоат фондининг йиллик ҳисоботлари ва бухгалтерия балансларини Парламент комиссияси томонидан тасдиқлангунига қадар уларни мажбурий тартибда текширишни амалга оширади.

10-боб. Ҳисобга олиш ва ҳисобот

43. Жамоат фонди бухгалтерия ва статистика ҳисоби ҳамда ҳисоботини юритади, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа тўловларни тўлайди.

44. Жамоат фонди томонидан ўтган йилги фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботлар ҳар йили 1 мартга қадар Парламент комиссиясига тақдим этилади. Фондниng бухгалтерия баланси ҳисоботдан кейинги йилнинг 15 мартига қадар Парламент комиссияси томонидан тасдиқланиши керак.

45. Жамоат фондининг молия-хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятини текшириш Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, рўйхатдан ўтказувчи органлар, солиқ ва бошқа органлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

46. Қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамоат фонди ўз фаолиятининг ҳар йилги аудиторлик текширувини ўтказади.

Аудиторлик ташкилотини танлаш Парламент комиссияси томонидан амалга оширилади.

11-боб. Ушбу низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

47. Ушбу низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Парламент комиссиясининг таклифи асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қўшма қарори билан киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қўшма қарори тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларида тасдиқланиши керак.

48. Жамоат фонди тўғрисидаги низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

12-боб. Жамоат фондини қайта ташкил этиш ва тугатиш

49. Жамоат фонди Парламент комиссиясининг қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан қайта ташкил этилиши мумкин.

Жамоат фондини қайта ташкил этишга фақат бошқа фондга қўшиб юборилган, бошқа фонд қўшиб олинган ёки бошқа жамоат фондига қўшилинган тақдирда йўл қўйилади.

50. Жамоат фондини тугатиш манфаатдор шахсларнинг аризаси асосида суднинг ҳал қилув қарорига биноан амалга оширилади.

51. Жамоат фондини тугатиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

52. Жамоат фондининг кредиторлар талаблари қондирилганидан кейин қолган мол-мулки Парламент комиссияси, Жамоат фондининг Ижро этувчи девони, Тафтиш комиссияси аъзолари ёки Жамоат фондининг ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ва ундан Жамоат фонди қайси мақсадда тузилган бўлса, ўша мақсадда ҳамда ҳомийлик мақсадларида ушбу Низомда назарда тутилган тартибда фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги
Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-
қувватлаш жамоат фонди тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ходимларига узоқ муддат хизмат қилганлик учун тўланадиган устама
МИҚДОРИ

Иш стажи	Ойлик тариф ставкасига (лавозим маошига) нисбатан узоқ муддат хизмат қилганлик учун ҳар ойда бериладиган устама миқдори
2 йилдан 5 йилгача	10 %
5 йилдан 10 йилгача	20 %
10 йилдан 15 йилгача	30 %
15 йилдан 20 йилгача	40 %
20 йилдан 25 йилгача	50 %
25 йилдан ортиқ	60 %

Изоҳ: Устама ҳақ олиш ҳуқуқи ходимда Жамоат фондида меҳнат шартномаси асосида ишлашни бошлаган кундан эътиборан юзага келади.

Устама ҳақ олиш ҳуқуқини берувчи умумий иш стажи амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилади. Устама ҳақ олиш ҳуқуқини берувчи умумий иш стажига қуйидагилар киради:

а) ходимнинг фаолият туридан, мулкчилик ва хўжалик шаклидан қатъи назар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаган тақдирда давлат томонидан ижтимоий суғурта қилинадиган ҳар қандай иш даври;

б) ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, давлат хавфсизлик хизмати органларидаги, чегара қўшинларидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизмат даври;

в) идоравий бўйсунувидан қатъи назар ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги, махсус алоқа органлари ва тоғ-кон-қутқарув қисмларидаги хизмат;

г) юридик шахс тузмай тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзолари томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаган даври.

Ходимнинг меҳнат дафтарчасидаги иш стажига оид қайдлар иш стажини ҳисоблаш учун асос ҳисобланади.

Устама ҳақ олиш ҳуқуқини берувчи умумий иш стажини ҳисоблаш Жамоат фондининг ходимлари умумий иш стажини ҳисоблаш бўйича комиссия томонидан амалга оширилади.

Жамоат фонди ходимлари умумий иш стажини ҳисоблаш бўйича комиссиянинг таркиби Жамоат фондининг директори томонидан тасдиқланади.

Жамоат фонди ходимлари умумий иш стажини ҳисоблаш бўйича комиссиянинг котиби ходимлар иш стажининг ҳисобини юритади ҳамда кўриб чиқиш учун комиссияга тақдим этади.

Устама ҳақ миқдори ходимнинг ойлик тариф ставкасидан (лавозим маошидан) келиб чиқиб ҳисобланади.

Устама ҳақ ушбу ойда амалда ишлаган вақт учун, шу жумладан ходимнинг маоши амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тўлиқ ёки қисман сақланиб қоладиган таътиллар вақти ва вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган даврлар учун тўланади.

Ходимда календарь ой мобайнида устама ҳақ олиш ҳуқуқи юзага келса, ушбу устама ҳақ миқдорини биринчи марта ҳисоблаш бундай устама ҳақ олиш ҳуқуқи юзага келгандан кейин ишлаган вақт учун амалга оширилади.

Календарь ой мобайнида устама ҳақ микдорини ошириш ҳуқуқи юзага келган ходимга нисбатан устама ҳақнинг янги миқдори кейинги ойнинг 1-санасидан қўлланилади.


Календарь ой мобайнида тариф ставкаси (лавозим маоши) ўзгарган ходимга нисбатан устама ҳақнинг янги миқдори кейинги ойнинг 1-санасидан қўлланилади.

Ходим Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 141, 142 ва 145-моддаларида кўрсатилган тартибда вақтинча бошқа ишга ўтказилганда унга устама ҳақ асосий иши бўйича ойлик тариф ставкасидан (лавозим маошидан) келиб чиқиб ҳисобланади.

Устама ҳақ ўртача иш ҳақига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенати Кенгашининг 2024 йил 28 октябрдаги
5005–IV/ҚҚ-842–IV-сонли Қўшма қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг ТУЗИЛМАСИ



Изоҳ: Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – 45 нафар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2024 йил 28 октябрдаги 5005–IV/КҚ-842–IV-сонли Қўшма қарорига 3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди Ижро этувчи девонининг ШТАТЛАР ЖАДВАЛИ

Лавозим номи	Штат бирлиги сони
Директор	**1**
Директор ўринбосари	**1**
Ижтимоий муаммоларни ўрганиш ва танловларни шакллантириш бўлими	**3**
Бўлим бошлиғи	1
Бош мутахассис	1
Етакчи мутахассис	1
Танловларни таҳлил қилиш, техник баҳолаш ва мувофиқлаштириш бўлими	**3**
Бўлим бошлиғи	1
Бош мутахассис	1
Етакчи мутахассис	1
Дастурлар ва лойиҳаларнинг самарадорлигини мониторинг қилиш бўлими	**3**
Бўлим бошлиғи	1
Бош мутахассис	1
Етакчи мутахассис	1
Молия ва бухгалтерия ҳисоби бўлими	**2**
Бўлим бошлиғи	1
Бош мутахассис	1
Ахборот технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлиги бўйича бош мутахассис	**1**
Матбуот котиби	**1**
Бош юристконсульт	**1**
Ташкилий ишлар ва кадрлар бўйича мутахассис	**1**
Жами	**17**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2024 йил 28 октябрдаги 5005–IV/КҚ-842–IV-сонли Қўшма қарорига 4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди Ижро этувчи девони ходимларининг меҳнатига Ягона тариф сеткаси буйича ҳақ тўлаш РАЗРЯДЛАРИ

Лавозим номи	Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари
Директор	18
Директор ўринбосари	17

Бўлим бошлиғи	16
Бош мутахассис	15
Матбуот котиби	15
Бош юристконсульт	15
Етакчи мутахассис	14
Ташкилий ишлар ва кадрлар бўйича мутахассис	13

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2024 йил 28 октябрдаги 5005–IV/ҚҚ-842–IV-сонли Қўшма қарорига 5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди алоҳида бўлинмаларининг ШТАТЛАР ЖАДВАЛИ

Лавозим номи	Штат бирлиги сони
Бўлинма бошлиғи	14
Бош ҳисобчи	14
Жами	**28**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2024 йил 28 октябрдаги 5005–IV/ҚҚ-842–IV-сонли Қўшма қарорига 6-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди алоҳида бўлинмалари ходимларининг меҳнатига Ягона тариф сеткаси буйича ҳақ тўлаш РАЗРЯДЛАРИ

Лавозим номи	Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари
Бўлинма бошлиғи	14
Бош ҳисобчи	12

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2024 йил 28 октябрдаги 5005–IV/ҚҚ-842–IV-сонли Қўшма қарорига 7-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси тўғрисидаги
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясининг (бундан буён матнда Парламент комиссияси деб юритилади) вазифаларини, ваколатларини, фаолиятининг асосий йўналишларини, шунингдек унинг ишини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Парламент комиссияси фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга ҳамда уларнинг мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга оширишда ва жамиятни эркинлаштиришда иштирок этишига кўмаклашиш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади.

3. Парламент комиссияси бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг (бундан буён матнда Жамоат фонди деб юритилади) васийлик кенгаши вазифаларини ҳам бажаради, Жамоат фонди фаолиятининг устувор йўналишларини шакллантиради, мазкур фаолият устидан назоратни амалга оширади.

4. Парламент комиссияси ўз фаолиятини амалдаги қонун ҳужжатларига ва ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

2-боб. Парламент комиссиясининг ваколатлари

5. Парламент комиссияси:

Жамоат фонди маблағларини фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш учун очиқлик, шаффофлик ва адолатлилик принциплари асосида тақсимлайди, фуқаролик жамияти институтларининг ва республика ижро этувчи ҳокимият органларининг таклифларини ўрганиш асосида аниқ ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этишга, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга қаратилган социал ва ижтимоий аҳамиятга молик ва ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган дастурларни молиялаштириш бўйича қарорлар қабул қилади;

жойлардаги фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан ажратиладиган маблағларнинг ҳажмларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари буюртмалари асосида аниқлайди ҳамда тақсимлайди;

социал ва ижтимоий аҳамиятга молик ва ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун танловларнинг долзарб мавзу ва йўналишларини ишлаб чиқади, эълон қилади ҳамда уларни ўтказиш муддатларини тасдиқлайди;

фуқаролик жамияти институтларининг ва республика ижро этувчи ҳокимият органларининг дастур ва лойиҳаларини ижтимоий шериклик соҳалари кесимида долзарб ижтимоий аҳамиятини аниқлаш, уларни молиялаштириш бўйича қарорлар қабул қилади;

Жамоат фондининг ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиши ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг молиялаштирилган лойиҳалари ва дастурларининг ижроси устидан назоратни амалга оширади;

фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантиришга кўмаклашади;

фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади;

мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, аҳолининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш ишларига муносиб ҳисса қўшган ҳамда жамиятимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирок этаётган фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда ташаббускор фуқароларни «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони билан тақдирлайди;

мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган фуқаролик жамияти институтлари ва фаол жамоатчилик вакиллари ҳамда ташаббускор фуқароларни «Фуқаролик ташаббуси» миллий мукофоти билан тақдирлайди.

Парламент комиссияси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

6. Парламент комиссияси ваколатларига тааллуқли масалалар Жамоат фондининг Ижро этувчи девонига ёки Тафтиш комиссиясига ҳал этиш учун топширилиши мумкин эмас.

7. Парламент комиссияси ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатига амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади.

3-боб. Парламент комиссиясининг тузилмаси ва комиссия фаолиятини бошқариш

8. Парламент комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари, Сенатининг аъзоларидан иборат таркибда шакллантирилади.

Парламент комиссиясининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қўшма қарори билан тасдиқланадиган раис, унинг ўринбосари, масъул котиб ва комиссия аъзоларидан иборат бўлади.

Парламент комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати ва Сенатининг аъзоси навбатма-навбат раислик қилади.

9. Парламент комиссиясининг раиси:

Парламент комиссиясининг фаолиятига раҳбарлик қилади;

Парламент комиссиясининг мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;

Парламент комиссияси иш режаси лойиҳасининг тайёрланишини ташкил этади ва Парламент комиссиясининг тасдиқланган иш режаси бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

Парламент комиссияси қарорларини тасдиқлайди ва уларнинг ижро этилишига доир ишларни ташкил этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Парламент комиссиясининг раиси йўқлигида унинг вазифасини раис ўринбосари бажариб туради.

10. Парламент комиссиясининг масъул котиби Парламент комиссиясининг мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ вазифаларни амалга оширади,

Парламент комиссияси мажлисларининг баённомаларини юритади, шунингдек Парламент комиссияси томонидан белгиланадиган бошқа вазифаларни бажаради.

11. Парламент комиссиясининг таркибини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қўшма қарори билан амалга оширилади.

Парламент комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгашига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгашига раисни, раис ўринбосарини, масъул котибни, айрим аъзоларни муддатидан илгари вазифасидан озод этиш тўғрисидаги масалани Парламент комиссияси аъзолари умумий сонининг учдан икки қисмининг талабига кўра киритиши мумкин.

12. Парламент комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, масъул котиби ва аъзолари ўз вазифаларини жамоатчилик асосида бажаради.

Парламент комиссияси раиси, раис ўринбосари, масъул котиби ва аъзоларининг ўз вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни уларнинг асосий иш жойидаги маблағлар ҳисобидан қопланади.

13. Парламент комиссияси белгиланган мақсад ва вазифаларни бажариши учун экспертлар кенгаши ва ишчи гуруҳларини тузиши мумкин. Экспертлар кенгаши ва ишчи гуруҳларнинг фаолияти Парламент комиссияси томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

14. Экспертлар кенгаши Парламент комиссиясининг қарорига асосан соғлиқни сақлаш, экология, таълим, ёшлар, бандлик ва бошқа соҳалардаги давлат органларининг 7–9 нафар вакилларидан иборат шаклда 2 йил муддатга тузилади ва янгиланиб борилади. Экспертлар кенгашини шакллантиришда экспертларнинг касбий ва ҳаётий тажрибаси ҳисобга олинади.

15. Парламент комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамоат фонди Ижро этувчи девони ва Тафтиш комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

4-боб. Парламент комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш

16. Парламент комиссиясининг мажлислари, заруратга қараб, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

Парламент комиссиясининг мажлислари Парламент комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан чақирилади, улар бу ҳақда комиссия аъзоларини, қоида тариқасида, камида икки кун аввал хабардор қилади.

Парламент комиссияси мажлисининг кун тартибида кўриладиган масалалар Парламент комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, масъул котиби ва аъзолари, шунингдек Жамоат фонди директори томонидан киритилиши мумкин.

Парламент комиссиясининг мажлислари, агар уларда Парламент комиссияси аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлса, ваколатлидир.

Парламент комиссиясининг мажлисини Парламент комиссиясининг раиси ёки унинг ўринбосари олиб боради.

Парламент комиссиясининг мажлиси очиқ тарзда ўтказилади. Зарурат бўлганда Парламент комиссияси ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

17. Парламент комиссиясининг навбатдан ташқари мажлиси Парламент комиссияси раисининг ташаббуси билан, шунингдек Парламент комиссияси аъзоларининг ёки Жамоат фонди Тафтиш комиссияси аъзоларининг ёзма талабига биноан чақирилади.

18. Парламент комиссиясининг аъзолари унинг мажлисларида ҳозир бўлиши шарт. Парламент комиссияси аъзолари мажлисларда иштирок эта олмаслиги ҳақида Парламент комиссияси раисини ёки масъул котибини олдиндан ёзма равишда хабардор қилади.

19. Парламент комиссиясининг барча аъзолари тенг ҳуқуқлардан фойдаланади, Парламент комиссиясининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга.

20. Парламент комиссиясининг қарори унинг мажлисида иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Мажлисда Парламент комиссиясининг масъул котиби томонидан баённома юритилади ва у раислик қилувчи томонидан имзоланади.

Парламент комиссиясининг қарорлари Жамоат фондининг Ижро этувчи девони ижро этиши учун мажбурийдир.

21. Парламент комиссиясининг мажлисларига давлат органларининг, фуқаролик жамияти институтларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилиши мумкин.

5-боб. Ушбу низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

22. Ушбу низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қўшма қарори билан киритилади.

23. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг Парламент комиссиясини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича қўшма қарори тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг мажлисларида тасдиқланиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2024 йил 28 октябрдаги 5005–IV/ҚҚ-842–IV-сонли Қўшма қарорига 8-ИЛОВА

«Фуқаролик ташаббуси» миллий мукофоти тўғрисидаги НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган фуқаролик жамияти институтлари ва фаол жамоатчилик вакиллари ҳамда ташаббускор фуқароларни «Фуқаролик ташаббуси» миллий мукофоти (бундан буён матнда Миллий мукофот деб юритилади) билан тақдирлаш тартибини белгилайди.

2. Миллий мукофот билан тақдирлаш анъанавий тарзда ҳар икки йилда бир марта фуқаролик жамияти институтлари ва фаол жамоатчилик вакиллари ҳамда ташаббускор фуқаролар ўртасида ўтказилади.

